

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

1 (89) – 2021

Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi:

Tanzila NARBAYEVA
(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV
(O'zbekiston)

Aslan Abashidze
(Rossiya Federatsiyasi)

Akira FUJIMOTO
(Yaponiya)

Uilyam BATLER
(AQSH)

Tadeush BODIO
(Polsha)

Marg'ub BUT
(Islom Hamkorlik tashkiloti)

Reyn Mullerson
(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV
(Qozog'iston)

Tahrir hay'ati:

Mirzatillo Tillabayev – yuridik
fanlar doktori, dotsent

Xalim Boboyev – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekiston
Respublikasi fan arbobi

Omon Oqyulov – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekistonda
xizmat ko'rsatgan yurist

Asqar G'afurov – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent

Muzaffar Mamasiddiqov – yuridik
fanlar doktori, professor

Mixail Gasanov – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent

Yelizaveta Kutibayeva – yuridik
fanlar doktori, professor

Xaydarali Muxamedov – yuridik
fanlar nomzodi, professor

Mas'ul kotib:

Sevara ISHMURATOVA

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning

Birlashgan Millatlar Tashkiloti Inson huquqlari bo'yicha kengashining

46-sessiyasidagi nutqi 2

TAHRIR HAY'ATIDAN

Yangi O'zbekistonning bunyodkorlari 4

2021 YIL – YOSHLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH VA AHOLI SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH YILI

Tanzila Narbayeva. Inson huquqlari – eng oliy qadriyat 6

Elmira Bositxonova. Sog'liqni saqlash sohasida mutlaqo yangi tizim yaratiladi 10

Abdullo Aslonov. Yoshlar siyosati – davlat e'tibori markazida 12

Nasiba Jumaniyazova. O'zbekistonda ta'lim siyosati va modernizatsion bosqich 14

Sherzod G'ofurov. Yoshlar o'rtasidagi huquqbuzarliklar profilaktikasi 18

Inson huquqlariga oid faoliyatning ilmiy asoslari mustahkamlanmoqda (intervyu) 21

JAMIYAT VA HUQUQ

Yangi O'zbekiston va saylov qonunchiligi (intervyu) 25

Jahongir Shirinov. Nodavlat notijorat tashkilotlarini ro'yxatdan o'tkazishning
huquqiy masalalari 29

Doniyor Turayev. Parlament diplomatiyasi: ahamiyati va tushunchasi 35

O'tkir Ochilov. Huquqiy belgi-ramzlar nazariyasi va neopozitivizm:
umumiy jihatlar va yondashuvlar tafovuti 40

Ilxom Turg'unov. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining huquqiy asoslari 44

Sherzod Axunov. Xalqaro huquqda investitsion nizolarni hal etish tartiblari va tamoyillari 48

Umidjon Qodirov. Davlatning ijtimoiy funksiyasi va uning o'ziga xos xususiyatlari 51

Sanjar Saidov. Fuqarolik jamiyati rivojlanishining global indikatorlari 55

Otabek Nayimov. Xalqaro institutsional hamkorlik va parlament diplomatiyasi 59

Azizxon Po'latov, Husniddin Kamolov. Sud-tergov faoliyatida ko'rsatmalarni
oldindan mustahkamlab qo'yish masalalari 64

TARIX SAHIFALARIDA

Sherzod Zokirov. O'rta asrlarda inson huquqlarining ta'minlanishida muhtasibning o'rni 71

Muslim Atayev. Bola huquqi – azaliy milliy qadriyat 75

“Inson huquqlari himoyasi uchun” ko'krak nishonlari topshirildi 77

Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi – 2020 yilda 78

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 84

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLYI MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНING 46-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!

Ҳурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислохотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват" ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради.

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган "ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз.

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Яқинда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, аҳолиимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Жорий йил Ўзбекистонда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", деб эълон қилинди.

Бу борада биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бешинчидан, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.** Бу илоҳотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

Олтинчидан, "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Еттинчидан, Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг **фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам **фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.**

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки этниқ эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган **қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз.** Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмининг мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУНЁДКОРЛАРИ

Бу йил халқимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлайди. Ўттиз ёш – навқиронлик даври. Шу маънода 2021 – Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинишида рамзий маъно ҳам бор. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш улуғ мақсадини амалга оширишда ёшларнинг алоҳида ўрни ва масъулияти бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида “Жорий йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинди. Бу борада биз:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

– БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

– шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз”, деб алоҳида таъкидлади¹.

Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг ярмига яқинини ёшлар ташкил этади. Аммо уларнинг юксак салоҳиятидан ҳозирча тўлиқ фойдалана олинмаяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, ўнлаб миллион ўсмирлар таълим олишмаяпти. Даромади паст мамлакатларда 12-14 ёшлиларнинг 30 фоизига яқини умуман мактаб оstonасидан ҳатлаб ўтмаган.

Коронавирус пандемияси ёшларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини янада мураккаблаштириб юборди. Агар 2020 йилда жаҳонда 267 миллион ёш ишсизлар сафини тўлдирган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 273 миллион нафарни ташкил этиши кутилмоқда².

Юртимиз аҳолисининг деярли 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг Президент сифатида имзолаган биринчи қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун бўлди.

Умуман, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Президентимизнинг ҳозирги даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси минбаридан Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан яқдил қўллаб-қувватланди. Бу “Ёшлар – 2020: глобал ҳамжихатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // ЎзА, 2021 йил 22 февраль.

² World Youth Report // <https://www.un.org/development>.

Юбилей йилида юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш орқали эзгу ғоя – **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** мақсадига эришиш учун катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш вазифаси қўйилган.

Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда тараққиётга эришишнинг асосий омили – инсон капиталини бойитиш, илм-фанни ривожлантириш, барча соҳаларда юксак билимли мутахассислар тайёрлашдир. Кейинги йилларда Ватанимизда бу стратегик вазифаларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим ҳамда илмий-маданий даргоҳлар бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб белгиланди. Таълимда мутлақо янги тизим – Президент ва ижод мактаблари, математика, кимё, биология фанлари бўйича махсус мактаблар ташкил этилмоқда. Бунинг дастлабки натижалари сўнгги уч йилда мамлакатимиз ёшларининг нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим минг совринли ўринларни қўлга киритганлари бўлди. Бу йил 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юр்தларининг сони 129 тага етди, уларда 500 мингдан ортиқ талаба ўқимокда. Истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йилдан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий этилади. Эътиборлиси, агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, ушбу грант талаба ўқишни битиргунига қадар, яъни тўрт йил давомида тўлаб борилади.

Миллий иқтисодиётимизда талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муас-

сасаларда тайёрлашнинг самарадорлиги тубдан оширилади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилмоқда, шунингдек бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда 100 нафар ёшлар хорижга таълим олиш учун юбориладиган бўлди³.

Изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар технопарклари” барпо этилади, уларнинг энг яхши илмий ишланмалари учун умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган “Ёш олимлар” инновацион лойиҳалар, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юр்தлари талабалари ўртасида “Бўлажак олим” танловлари ўтказилади. 100 дан зиёд шаҳар ва туманларимизда ахборот технологияларини чуқур ўргатадиган замонавий ўқув марказлари ташкил қилинади.

Ёшларнинг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун Савдо-саноат палатаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ҳудудий ўқув марказларида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мадаккор” тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш, шаҳар ва туманларда “Ёшлар кичик саноат зоналари”ни ташкил этиш, ҳар бир вилоятга ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтириш кўзда тутилган.

Бу йил ҳам коронавирус пандемиясига қарши кураш тизимли равишда давом эттирилади. Бу ишлар учун 2021 йилги давлат бюджетига 3 триллион сўм захира шакллантирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Шунингдек, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш вазифалари ҳам белгиланган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 4 февраль.

2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Танзила НАРБАЕВА*

Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишидаги нутқини диққат билан тингладик.

Айтиш керакки, мазкур кенгаш дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли органлардан биридир. Кенгашга 47 та давлат аъзо. Кенгаш аъзолари уч йиллик муддатга яшарин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўтган йилда Ўзбекистон 2021-2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайлангани мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг муҳим эътирофи бўлди. Зеро, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу қаторда, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда. Мазкур фармон асосида миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича охириги йилларда 13 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойидан озод қилинди. Озодликдан маҳрум этилган шахс-

ларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Жаслик кўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилгани давлатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди.

Сўнгги уч йилда 19 мингдан ортиқ, шунингдек, бир вақтнинг ўзида 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган 50 мингга яқин юртдошларимизга фуқаролик берилгани халқимиз томонидан ҳам, халқаро миқёсда ҳам катта олқишга сазовор бўлмоқда. Бундай хайрли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этаётгани халқимизнинг жамиятимиздаги ислохотларга дахлдорлигини кучайтирмоқда. Юртимизда яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, тинчлик-тотувлик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли халқаро минбари – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбарининг нутқ сўзлаши мамлакатимизда эришилаётган ана шундай муҳим ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг доимий эътиборида эканининг ва қизғин қўллаб-қувватланишининг эътирофи, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги юксак сиёсий иродасидан ҳам далолатдир.

Яна бир жиҳат – 160 дан ортиқ мамлакатнинг президентлари, ҳукумат раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу халқаро тадбирда айнан Ўзбекистон Президентининг биринчи бўлиб сўзга чиқиши – бу халқаро

* Танзила Нарбаева – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раиси.

ҳамжамиятнинг давлатимиз етакчисига, халқимизга, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг ёрқин ифодаси бўлди. Президентимиз бу гал ҳам ўз нутқини ўзбек тилида баён этди. Бу – она тилимизнинг халқаро юксак минбарлардан иккинчи бор жаранг сочиши бўлди. Бунни кўриб қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуси яна бир бора жўш урди, кўнглимиз осмон қадар юксалди.

Мазкур анжуманда давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари соҳасида энг долзарб бўлган муҳим масалаларга тўхталиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди. **Биринчи масала** – Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, халқаро майдонларда илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили билан Ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистонни глобал ва минтақавий кун тартибини шакллантиришдаги фаол иштирокчига айланиб бораётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг роли ҳақида доимий равишда таъкидлаб келади.

Жумладан, Президентимиз Сенатнинг биринчи мажлисидаги нутқида ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан Сенат доимий мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тегишли таклифлар берган эди. Шу боис, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш мақсадида Парламент комиссияси ташкил этилди.

Парламент комиссияси аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир биринчи ихтиёрий миллий шарҳи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз илк маротаба барқарор ривожланиш

бўйича олий даражадаги сиёсий форумга ушбу шарҳни тақдим этган 49 та давлат сафидан жой олди.

Шунингдек, барқарор ривожланиш соҳасидаги озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан республиканинг 7 та ҳудудида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганиш доирасида 3 та миллий мақсад, унинг 30 та вазифаси ҳамда 55 та индикатор қамраб олинди. Натижалар Парламент комиссиясининг мажлисида муҳокама қилиниб, Ҳукумат олдига аниқ вазифалар қўйилди. Мазкур ишларнинг мантикий давоми сифатида жорий йилда Бухоро шаҳрида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларaro глобал ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форумни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Барқарор ривожланишга эришиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам муносиб баҳолаб келинмоқда. Хусусан, Бертельсман фондининг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришиш бўйича 193 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллаган. Бундай натижага эришишнинг асосий омиллари сифатида камбағал аҳоли улушининг 2015 йилдаги 13 фоиздан 2018 йилда 11 фоизгача камайгани, болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 28 фоиздан 2019 йилда 52 фоизга ошгани эътироф этилган.

Иккинчи масала – бу гендер сиёсати тааллуқли бўлиб, бу борада мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Барча соҳаларда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш юзасидан қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз халқаро миқёсда муносиб тан олинмоқда. Мисол учун, Халқаро парламентларaro ассамблея бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўлишини таъкидлаб ўтди. 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи аёллари мулоқотига раислик қилишнинг Ўзбекистонга топширилиши ҳам мамлакатимизда гендер сиёсати тўғри йўналишлар асосида олиб борилаётганини тасдиқлайди.

Учинчи масала – Президентимиз ўз нутқида ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Болалар омбудсмани институти фаолияти янада такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда бу борада қонун ишлаб чиқилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш таклифини илгари сурган эди. Бугунги чиқишда эса Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш таклифи билдирилди. Бу орқали ёшлар масалаларини БМТнинг юқори минбарларида доимий равишда муҳокама қилиб бориш имконияти яратилади.

Тўртинчи масала – коррупцияга қарши курашиш масаласи эканлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши бу йўналишда катта қадам бўлгани ҳамда бугунги кунда Миллий кенгаш ва Агентлик томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Миллий кенгаш иш режасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича турли йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланди, бир қатор мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Сингапур, Жанубий Корея ва Словения давлатларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган уч нафар етакчи экспертларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигига эришиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш, қурилиш, олий ва ўрта махсус таълим ва давлат харидлари соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди ҳамда вазифалари белгилаб олинди.

Коррупциянинг мавжуд ҳолати бўйича Халқаро коррупцияга қарши курашиш ташкилотининг (Transparency International) 2019 йилда эълон

қилган индексида Ўзбекистон 180 та давлатдан 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 7 поғонага кўтарилиб, 146-ўринни эгаллади. Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, умуман олганда, барчамизнинг бирдек вазифамиз экан, бу борада жамоатчиликнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиш мақсадида Агентлик ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун ўтказиладиган танловларни интернет тармоғида онлайн трансляция қилиш амалиётини йўлга қўйиш учун алоҳида хоналар ажратиш ва жиҳозлаш ҳамда мажбурий равишда интернет тармоғида онлайн трансляция қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Миллий кенгаш низоми, 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳокама этилмоқда.

Бешинчи масала – алоҳида эътиборга молик, имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқаролар масаласи. Президентимиз ўз чиқишида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг парламент томонидан ратификация қилиниши кутилаётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Мамлакатимизда мазкур Конвенцияни ратификация қилиш учун ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Ўтган йили “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2021 йилги давлат дастурида ҳам ушбу тоифадаги инсонларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилмоқда ва, энг асосийси, бу йўналишдаги ислохотларимиз ортага қайтмас тус олди.

Олтинчи масала – бу мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнат бартараф этилганлигидир. Бу борада охириги 4 йил ичида биз мисли кўрилма-

ган натижаларга эришдик. Яъни юртимизда болалар ва мажбурий меҳнатга батамом чек қўйилди. Аҳоли учун эркин, муносиб меҳнат билан таъминлаш ишлари қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, меҳнат соҳасига бозор иқтисодиёти ва стандартларини жорий этиш ишлари билан биргаликда олиб борилмоқда. Бу ишларимиз Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гай Райдер томонидан 2020 йилда ўтказилган халқаро мониторинг гуруҳи экспертлари томонидан эътироф этилди.

Мазкур масалага янада аниқроқ тўхталадиган бўлсак, биргина 2020 йилнинг ўзида мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги вазифаларни тартибга солиш мақсадида 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Энг асосийси, мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига маъмурий жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда жиноий жавобгарликни белгиловчи меъёрлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мавжуд қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан мазкур нуфузли анжуманда инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни кучайтириш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайитириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Бундан ташқари, қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўймаслик, Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини ратификация қилиш, Қийноқлар бўйича БМТнинг махсус маърузачисини Ўзбекистонга таклиф этиш каби долзарб масалалар бўйича сўз юритилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур анжумандаги нутқида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслар нафақат юртдошларимизни, балки халқаро ҳамжамиятни ҳам тўлқинлантириб юборгани табиий. Зеро, унда нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топди.

Шу боис маърузада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш биз – парламент аъзолари, Ҳукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Эндиликда барчамиз баҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, аниқ режа ва йўналишларни белгилаб олиб иш юритсак, бу борада қўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Эльмира БОСИТХОНОВА*

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида¹ давлат ва жамиятни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасини мутлақо янги тизим, яъни тиббий профилактикага йўналтирган ҳолда такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасидаги устувор йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилди.

Мурожаатнома аввалида давлатимиз раҳбари бутун дунё микёсидаги, шунингдек, мамлакатимиздаги пандемия шароити, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида олиб борилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Албатта, бу бежиз эмас. Тўғриси айтганда, 2020 йил бутун дунё халқлари, жумладан биз учун ҳам оғир, синовли давр бўлди. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган оқилона сиёсат туфайли ўз касбига садоқат билан ёндашган тиббиёт ходимларининг туну кун қилган машаққатли меҳнатлари билан пандемиянинг кучли зарбаларига жавоб бера олди. Ўзбекистонда яхши тажриба шаклланди. Халқаро экспертлар ҳам буни эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб, бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш тартибига ўқазилганини, қисқа муддатда Тошкент шаҳри ҳамда ҳудудларда барча шароитга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилганини, улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланганини алоҳида айтиб ўтди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилганига ҳам эътибор қаратди. Таъкидлаш муҳимки, ўз вақтида қўрилган тезкор чора-тадбирлар коронавирус пандемиясини енгиш, касалликнинг оғир ва асоратли кечишининг олдини олиш, шу билан бирга, эпидемиологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилди. Лекин бу пандемия даври тугади, дегани эмас. Шунинг учун ҳам Мурожаатномада 2021 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш асосий вазифаларимиздан бири экани

алоҳида қайд этилди. Бу вазифани бажариш мақсадида 2021 йил давлат бюджетидан 3 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан аҳолини коронавирусга қарши эмлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Коронавирус пандемиясига қарши курашишда алоҳида ўрин тутувчи тармоқ – санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга жорий йилда 200 миллион доллар йўналтириляётгани ушбу касалликни бартараф этишда катта имконият яратади.

Президентимиз ўз маърузасида: “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таҳлилларига кўра, пандемия хавфи ҳали узок вақт сақланиб қолиши мумкин. Демак, инсоният бошидаги синовлар яна қанча давом этишини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди... Мана шундай шароитда ким ютади? Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизимига эга бўлган давлатлар пандемия хавфини ўз вақтида ва бир ёқадан бош чиқариб бартараф этишга ва бу курашда енгиб чиқишга қодир бўлади. Буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди”, дея таъкидлаб, мураккаб шароит бўлишига қарамасдан ислохотлар қамровини кенгайтириб, Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги эзгу ниятларимизни давом эттиришимиз зарурлигини тилга олди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши бутун Ўзбекистон аҳлини янада фахр ва ифтихорга тўлдирди. Ушбу йил номининг замирида олам-олам маъно мужассамлигини кўраимиз. Шу билан бирга, давлат ва жамият тараққиёти, инсон саломатлиги ҳамда ёшларимизнинг эртанги келажаги порлоқ эканига амин бўламиз.

Оғир пандемия даврида соғлиқни сақлаш соҳаси халқимиз саломатлиги учун нақадар муҳим тизим эканини яққол ифода этди. Пандемия даврида тўпланган тажриба тиббиётимиз тараққиётининг янада равнақ топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

* Эльмира Боситхонова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Мурожаатномада келгуси йилларда соҳани ривожлантириш йўлида қандай ишлар амалга оширилишининг қайд этилиши ҳам тиббиётимиз олдида янада устувор вазифаларни қўйди. Жумладан, она ва бола саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бунда 2021 йилда 11 миллион нафар, 2022 йилда 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинishi, ушбу вазифаларни бажариш учун жами 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитарларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайишига эришиш режалаштирилган.

Шунингдек, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат тиббий бригадалар ташкил этилади. Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, беш ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин касалликларга мойил фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади. Бунинг баробарида тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та оилавий шифокор пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Мурожаатномада ўрта бўғин тиббиёт ходимлари – ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ҳамда мавқеини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, ҳар йили ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлайдиган 20 мингдан ортиқ йигит-қиз тиббиётнинг бир нечта йўналишида касб эгаси бўлиб чиқишига шароит яратилади. Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимларига “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун рухсат берилади.

Ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий касалликлардан азият чекомда. Шу сабабли онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади. 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ билан қамраб олинishi белгиланди.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифхоналарда бўлимлар ташкил этилади.

Бугунги долзарб масалалардан яна бири – аҳоли мизнинг катта қисмини қийнайидиган ўткир қон-то-

мир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этиш режалаштирилди. Бу марказлар ўлим ва ногиронликни камайитишга хизмат қилади.

Мурожаатномада ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни гемодиализ хизмати билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15 январь куни Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази қурилиши билан танишиш чоғида юртимизда нефрология соҳасини ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

Албатта, Мурожаатномада айтиб ўтилган вазифалар ҳар бир тиббиёт ходимидан янада масъулият билан ишлашни талаб этади.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони² ижросини ўрганиш, Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва соҳа ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимларини мамлакатимизнинг турли ҳудудларига хизмат сафарига юбориш ташкил қилинди.

Шу жумладан, биз ҳам Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри, Тойлок, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида ҳамда Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарларида, Риштон, Данғара туманларида бўлдик. Биз бирламчи тиббий хизматнинг мутлақо янги механизмларини шакллантириш мақсадида аниқ манзилли ва муддатли ҳаракатларни белгилаб, маҳаллалар ва оилаларнинг тиббий карталарини тузиш, ягона электрон дастурга киритиш борасида маҳорат дарслари ўтказдик.

Шунингдек, муассасада ташкил этилган хатлов штабида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Аёллар маслаҳатхонаси ва Қизлар саломатлиги марказларининг фаолияти ўрганилди ҳамда муаммоларнинг ечим йўллари белгиланди. Хонадонларда аҳолининг ўз саломатлигига бўлган муносабати, тиббиёт ходимларининг оилаларда амалга ошираётган ишлари танқидий ўрганилди. Аҳоли саломатлиги масаласидаги муаммолар ҳар бир оила кесимида жойида ҳал этилди.

Фаолиятимизнинг асосий қисми жойларда, маҳаллаларда ва оилаларда ўтиши 2021 йил давомида мунтазам давом этади. Ишонаманки, кўп сонли тиббиёт ходимларимиз ўзларининг фидойи меҳнатлари билан тизимда белгиланган вазифаларни астойдил бажариб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда самарали натижаларга эришади.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/5100677>.

ЁШЛАР СИЁСАТИ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИ МАРКАЗИДА

Абдулло АСЛОНОВ*

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакат парламентида йўллаган Мурожаати ҳамда биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи ёшлар сиёсати давлат эътибори марказида эканини яна бир бор кўрсатди. Давлат раҳбари ўз нутқларида Учинчи Ренессанс, ёш кўнгиллилар фаолияти, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент тажрибаси, “Ёшлар: 1+1” дастури, Ёшлар кичик саноат зоналари, “Ёшлар мурожаати” электрон платформаси, тадбиркорликка ўқиган ёшларга 4 фоизлик кредитлар ажратилиши, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа мавзуларга тўхталди.

“Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”¹, — дея таъкидлади Президент.

“Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму-шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислохотларнинг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар”².

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси даврида ёшлар халқ дардига дармон бўлгани, “Са-

ховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида кўнгилли сифатида қатнашиб, қийналган оилаларга амалий ёрдам берганини алоҳида таъкидлаб ўтди³.

Маълумки, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент шаҳри намунаси яратилиб, ўғил-қизларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини бевосита ўрганиш йўлга қўйилди. Ушбу тажриба мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёзиб, барча шаҳар ва туманларда Ёшлар фестиваллари ташкил қилинди.

“Кўпчилигингиз ушбу тадбирлар доирасида вазирлар, ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар билан очиқ мулоқот қилдингиз. Мен ҳам мазкур жараёнларни телевидение орқали шахсан кузатиб бордим. Ёшларимизнинг долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқиши, куюнчақлиги менга жуда маъқул бўлди. Дунёқараши кенг, жонқуяр, илғор фикрли фарзандларимиз кўплигини кўриб ниҳоятда қувондим”⁴, — деди давлат раҳбари. Бу каби ташаббуслар энди республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этилиши айтиб ўтилди.

Ёшлар билан учрашувларни туман, шаҳар, ҳудуд ҳокимлари, вазирлар ва мутасадди ташкилот раҳбарлари мунтазам равишда ташкил этиши белгилаб олинди. Шу билан бирга, мутасадди раҳбарларнинг амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий кенгашларга мунтазам равишда ҳисобот бериб боришлари ушбу масаланинг нақадар долзарблигини белгилаб беради.

“Ёшлар: 1+1” дастури доирасида вақтинчалик ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ташкил этилади. 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси кўплаб тадбиркорларимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

* Абдулло Аслонов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси.

¹ Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4040>.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда Ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилишини эълон қилди. Ушбу саноат зоналарида ёш тадбиркорлар ўзларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун барча имкониятлар яратилади. Ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилади ва унга 100 миллион доллар ажратилади. Жамғарма ёшларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун қулай шароитларда ва паст фоизларда молиялаштирилади.

Ушбу учрашувда яна бир долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, махсус сертификат олган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш бу келажакда илмли ва ташаббускор ёш тадбиркорларнинг кўпайишига замин яратади. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилиши қайд этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам устувор вазифалардан бири. Ўтган уч йил мобайнида мамлакат бўйича 5 минг 100 дан ортиқ ёш оилага арзон уй-жойлар қурилиб, қарийб 200 миллиард сўм миқдорида-

ги бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. Бу ишлар яна давом эттирилиши жуда кўп ёш оилаларга имконият эшигини очиб беради.

“Сизлар мустақиллик фарзандларисиз. Отабоболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, озод Ватанда эркин нафас олиб вояга етаяпсизлар.

Юксак мақсадлар йўлида сиз – ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак”⁵, – деди давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида.

Бу қақирқ ёшлар учун жуда катта ишонч ва ўз навбатида катта масъулият деб ўйлайман.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, жумладан уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” электрон платформаси ишлаб чиқилиши, ҳудудларда пиёда ва велосипедда юришга мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари” барпо этилиши белгиланганлиги ёшлар саломатлиги давлатимиз диққат марказида эканлигидан далолат беради.

“Бундан буён барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш юзасидан амалга оширган ишларига қараб баҳо берилади”⁶, – деди давлатимиз раҳбари. Албатта ҳар бир қилаётган ишмизни ёшлар билан бамаслаҳат, чуқур таҳлиллар билан амалга оширсак, натижадорлик бундан ҳам унумли бўлади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги / https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662.

⁶ Ўша жойда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА МОДЕРНИЗАЦИОН БОСҚИЧ

Насиба ЖУМАНИЯЗОВА*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистондаги таълим сиёсати ва бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритилган. Олий таълим соҳасига оид норматив ҳужжатлар, қонун, фармонлар ва таълимни ривожлантириш концепциясининг моҳияти таҳлил қилинган. Шунингдек, олий таълим соҳасида мавжуд муаммолар илмий асосланган.

Калит сўзлар: глобализация, олий таълим, “Таълим тўғрисида”ги қонун, концепция, рақобатбардош мутахассис, халқаро рейтинг.

Аннотация. Данная статья посвящена образовательной политике Узбекистана и проводимым в этой области реформам. Также были проанализированы нормативные документы в сфере высшего образования, законы, указы и сущность концепции развития образования. Существующие проблемы в этой области высшего образования также научно обоснованы.

Ключевые слова: глобализация, высшее образование, закон Об образовании, концепция, конкурентоспособный специалист, международный рейтинг.

Abstract. This article is devoted to the educational policy of Uzbekistan and the ongoing reforms in this area. Normative documents in the field of higher education, laws, decrees and the essence of the concept of education development were also analyzed. The existing problems in this area of higher education are also scientifically justified.

Keywords: globalization, higher education, law on education, concept, competitive specialist, international rating.

Таълим соҳасидаги янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг моҳияти – иқтисодиётнинг энг интеллектуал салоҳиятли тармоғи сифатида таълим устуворлигини таъминлашдир. Олий касбий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади ХХІ асрнинг барча қийинчиликларига жавоб берадиган таълим моделини шакллантириш, жамиятнинг янги Ўзбекистон шаклланишида етакчи ролини тан олишдир. Бу давлат ва жамиятдан таълимнинг ҳозирги ҳолати, уни модернизация қилишнинг самарадорлиги, классик жаҳон олий таълим тизимининг энг яхши анъаналари ва андозаларини сақлаб қолиш учун алоҳида масъулиятни ўз зиммасига олишни талаб қилади.

Таълим тизимини модернизация қилиш бугунги кунда Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош стратегик йўналиши си-

фатида расман тан олинганлигини биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бу борада билдирган фикрларидан ҳам билишимиз мумкин. Таълим соҳасидаги инновацион ўзгаришларнинг энг кўзга кўринган натижаларидан бири, бизнинг фикримизча, университетда таълим олиш жараёнида олинган билимлар эскиришининг тезлашуви, шунингдек, назарий билимларнинг жамият ҳаётининг амалий соҳаси эҳтиёжларига у қадар мос келмаслигидир. Шунга кўра, ушбу билимларни доимий равишда янгिलाш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти ортиб бормоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз таълим тизимини икки босқичли тизимга қайта ўтказиш барча соҳа учун мутахассислар тайёрлашда назарий билимларни амалиёт билан бирлаштириш ва илм-фанни янада ривожлантириш имконини берди. Бу борада

* Насиба Жуманиязова – Тошкент давлат транспорт университети таянч докторанти.

олиб борилаётган таълим сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш халқаро таълим андозаларига интеграциялашувни таъминлашга олиб келмоқда. Ўзбекистоннинг Болонья Конвенциясига қўшилишга тайёргарлик кўриши, ягона таълим маконини шакллантириш зарурлиги ва шунга кўра, таълим сифати учун Европа мезонлари билан бир хил, ягона технологик ва гуманитар меъёрларга риоя қилиш асосида барча соҳа мутахассисларини тайёрлаш талаблари олдиндан белгилаб берилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”¹, 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони³, 2016 – 2025 йилларда таълимни ривожлантириш мақсадли дастури каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармонида 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (“Quacquarelli Symonds World University Rankings”, “Times Higher Education” ёки “Academic Ranking of World Universities”) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, ракобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди⁴. Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди. 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди. Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди. Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педаго-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4545884>.

² Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/5013007>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4802181>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4545884>.

гик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмақдалар. Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмақдалар. 2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди. Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та эди). Сўнгги 3 йилда 1693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9636 нафарга етди (шундан 2130 нафари фан доктори (DSc), 7506 нафари фан номзоди (PhD)) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида амалиёт ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди⁵.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида амалиёт ўташи таъминланганлиги, 2017-2019 йилларда таълим жараёнига 1154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилганлиги (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар,

Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар) ҳамда олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилиши кабилар ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижаси ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан: олий таълим билан қамров даражаси пастлигича қолаётганлиги; олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмагани, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмаслиги; тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермаётганлиги; профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолаётганлиги; ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани; иқтидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмаслиги; педагог ходимларнинг малака ошириш тизими самарали ташкил этилмаганлиги; олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжудлиги каби муаммолар шулар жумласидандир. Концепцияда кўрсатиб ўтилганидек, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида ҳам илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган. Шунингдек, олий таълим муас-

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4545884>.

касаларининг илмий салоҳияти атиги 36,4 фоизни ташкил этмоқда, илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши 49 ёш бўлиб (фан докторлари — 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари — 43 ёш), юқориликча қолмоқда, фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши 45 фоизни ташкил этмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган⁶.

Олий таълимнинг жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиши зарур. Яъни республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари “Webometrics” халқаро рейтингининг дастлабки 1000 та ўриндаги рўйхатига кирмаган, таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган, мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган, хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан “PR-лойиҳалар” (Ўзбекистон олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдимотлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа ҳам халқаро университетларда бўлгани каби мавжуд эмас. Келгусида олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши Концепцияда ҳам назарда тутилган:

– олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш;

– халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ва-

танпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази — Президент университетини ташкил этиш;

– хотин-қизларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш;

– таълим олишда гендер тенглиги тамойиллари ўстуворлигини таъминлаш;

– олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш;

– олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарабини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни талаб этадиган таълим-тарбия усулларидан фойдаланиш;

– ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз таълим тизимидаги ҳозирги модернизацион босқич кучли интеллектуал салоҳиятга эга, илмли ва юксак тафаккурли ёш авлодни камол топтиришга хизмат қилади.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4545884>.

ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Шерзод ҒОФУРОВ*

Аннотация. Мақолада жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судларнинг ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари, ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар.

Аннотация. В данной статье проводится научно-теоретический анализ причин преступлений, совершаемых молодыми людьми дознавателями, следователями, прокурорами и судами при производстве по уголовным делам, а также вопросы выявления и устранения условий, способствующих их совершению, разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: правонарушения среди молодёжи, причины и условия, способствовавших совершению правонарушений.

Annotation. This article provides a scientific and theoretical analysis of the causes of crimes committed by young people by interrogators, investigators, prosecutors and courts in criminal proceedings, as well as issues of identifying and eliminating conditions that contribute to their commission, and offers and recommendations are developed.

Key words: offences among young people, causes and conditions that contributed to the commission of offences.

Мустақиллик йилларидаги ислохотлар натижа-сида ички ишлар органларининг фаолияти такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органлари таянч пунктлари ташкил этилиб, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. Буларнинг барчаси жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этишдек эски усулдан воз кечиб, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят содир этишга йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этишдек янгича усулга ўтишга имкон берди¹.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат»². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низомда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

* Шерзод Ғофуров – ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ Мухамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: ўқув-ўслубий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — 33-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 10 ноябрь.

Ушбу вазифаларни бажариш учун Ички ишлар вазирлиги қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликка риоя этишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари бўлган омилларни аниқлашни таъминлаш, шунингдек, уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш;
- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда киритиш;
- ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш³.

Қайд этиш жоизки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сабаблари ва шароитларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси VI бўлими 36-бобида⁴ белгиланган нормалар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, кодекснинг ушбу боби жиноятларнинг олдини олиш чораларига бағишланган бўлиб, унда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти (296-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси (297-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими (298-м.), тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти (299-м.), фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим (300-м.) билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ишни тергов қилиш чоғида ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида бир ойлик муддат ичида тегишлилигича суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт. Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда Жиноят-процессуал кодексида белгиланган қуйидаги нормалар ҳам муҳим амалий механизмлар функциясини бажаради:

- жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда мутахассис суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши шартлиги (70-м.);
- терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилиши, жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидири-лаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилиши (349-м.);
- жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиши (21-м.);
- жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3165013>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // www.lex.uz.

барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши (271-м.);

- экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг ҳулосасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек, уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши (184-м.);
- прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириши шартлиги (384-м.);
- ишни айблов ҳулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши (82-м.);
- судда жиноятга доир ишларни кўришда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида прокурор ўз фикрини билдириши (409-м.);
- жиноятнинг сабаблари айблов ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатилиши (467-м.).

«Қоидалар жонли яшаши учун, аввало, қонунчиликнинг ўзида айбсизлик презумпциясига зид келмайдиган тартиб белгиланиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасида жиноят сабабларини бартараф этиш ва олдини олиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор тегишли органлар (шахснинг иш жойи, маҳалласи)га тақдимнома киритиши айтилади. Ҳали суд томонидан шахснинг ҳаракат ё ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо берилмай, жиноятни келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилиши сўралади. Табиийки, саволлар пайдо бўлади: тергов органининг бундай тақдимномани киритиши айбсизлик презумпциясига зид келмаяптими?»⁵.

Ҳуқуқшунос Ў.Холмирзаевнинг таъкидлашича,

«Аслида, жиноятларнинг олдини олиш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг асосий вазифаларидан ҳисобланмаса-да, ЖПКда жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби жиноятларнинг олдини олишга ёрдам қилмоғи лозимлиги кўрсатилган.

Тақдимнома фақатгина жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан киритилади. Мантиқан олиб қаралганда, жиноятнинг зарурий белгиси сифатида шахснинг айби исботланиши билан жиноят (жиноий ҳолат эмас) содир этилганлиги эътироф этилади. Бу эса суд ҳукми билан тасдиқланади. Демак, суд ҳукми бўлмасдан туриб жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишни сўраш нотўғридай кўринади.

Масалан, шахс фирибгарлик жиноятида айбланяпти, терговчи у яшайдиган маҳаллага фирибгарлик жиноятининг сабабларини, шарт-шароитларни бартараф этишни сўраб тақдимнома киритди, дейлик. Маҳаллада ушбу ҳолат муҳокама этилади, одамлар фирибгарлик ҳолатидан огоҳлантирилади. Бироқ судда шахснинг айби исботланмай, терговчи фирибгарлик, деб малакалаган қилмишни суд қарз муносабати, деб топса-чи? Умуман судланувчининг айби бўлмай, у оқланса-чи? Оқибатда судланувчи шахснинг яшаш жойида шарманда бўлгани қолади, шаъни, кадр-қиммати камситилади. Баъзида, ҳатто тақдимномадан келиб чиқиб айрим ҳодимларга интизомий таъсир чоралари қўллаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунда судгача иш юритишдаги тақдимнома тартибининг айбсизлик презумпциясига зид қўлланилишини кўриш мумкин»⁶.

Ҳулоса қилиб айтганда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишлар асосан содир этилган жиноятларнинг оқибатларига қарши курашишга (айбдорни аниқлаш, қилмишини фош этиш, жазо тайинлаш, жазо ижросини таъминлаш, етказилган зарарни ундириш) қаратилиб, жиноятларнинг содир этилиш асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш эътибордан четда қолаётганлиги боис жиноятларнинг барвақт олдини олиш ишлари қўрилган самарани бермаяпти. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилиш асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилишини йўлга қўйиш тавсия этилади.

⁵ Қаранг: Маъмирова М. Ўзбекистонда айбсизлик презумпцияси: амалда ундан тўғри фойдаланиляптими? // <https://m.kun.uz/news/2018/12/24/ozbekistonda-aybsizlik-prezumpsiyasi-amalda-undan-togri-foydalanilyaptimi> (24.12.2018).

⁶ Ўша жойда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ФАОЛИЯТНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ҳалим Бобоев билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси, хусусан “Инсон ҳуқуқлари” (юридик фанлар, социология фанлари) ихтисослигининг, шунингдек, ушбу ихтисослик бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг ташкил этилиши борасида суҳбатлашдик.

Ҳалим Бобоев – Ўзбекистон фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор. 1942 йилда таваллуд топган.

“Алишер Навоийнинг давлат ва ҳуқуқий қарашлари” номли номзодлик, “Ўзбекистонда XIV-XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Унинг раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан Ўзбекистонда биринчи марта “Инсон ҳуқуқлари” ўқув қўлланмаси нашр этилган.

Бундан ташқари, 3 томлик “Ўзбек давлатчилиқ тарихи тўғрисида” китоби ҳаммуаллифи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларидан ўқув қўлланма ва монографик илмий ишлар муаллифи.

2020 йилда “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан тақдирланган.



– **2020 йил 22 июнда Президент Фармони билан мустақил давлатимиз тарихида илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди. Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасига қай даражада таъсир кўрсатмоқда?**

– Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг қабул қилиниши Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Миллий стратегиянинг бош мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини белгилаб олишдан иборат. Бунда 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган вазифалар беш йўналиш бўйича аниқ қайд этил-

ган. Бу йўналишлар, биринчидан, шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, иккинчидан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш, учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш ҳамда мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш, тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш, бешинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни қамраб олади. Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”да жами 78 та банд бўйича қатор вазифалар белгиланган.

2020 йилнинг 25 декабрь куни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун одам савдоси, мажбурий меҳнат ва гендер тенглик масалалари бўйича мувофиқлаштирув форуми доирасида ўтказилган брифингда Миллий стратегиянинг “йўл харитаси”да кўрсатилган 78 банддан 22 тасида белгиланган вазифалар бажариб бўлингани тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, ўтган даврда инсон ҳуқуқларининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, миллий қонунчиликни инсон манфаатлари устуворлиги тамойили асосида ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилган. “Таълим тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрири, шунингдек “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинган. 3 та янги Кодекс – Соғлиқни сақлаш кодекси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс, Экология кодекси лойиҳаси, 7 та амалдаги Кодекснинг янги таҳрири, яъни Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Уй-жой кодекси лойиҳаси тайёрланган. Ҳозирда уларни қабул қилиш жараёни амалга оширилмоқда.

Миллий стратегия доирасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасининг илмий асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни илмий асосланган тадқиқотлар негизида олиб бориш бўйича ҳам сезиларли қадамлар ташланди. Жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги малакасини ошириш бўйича “Инсон кадр-қиммати – энг олий кадрият” махсус ўқув модули ишлаб чиқилди. Мазкур модул асосида ҳозирга қадар 32 та вебинар ўтказилиб, жами 500 нафардан ортиқ раҳбар ходимлар ўқитилди. Ўқув жараёнига маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда етакчи халқаро экспертлар ҳам жалб этилган. Машғулотлар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбе-

кистон Республикаси Миллий маркази ҳузурида юридик фанлар ва социология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди. Илмий кенгашга “Инсон ҳуқуқлари” ихтисослиги бўйича юридик ҳамда социология фанлари доирасидаги диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилди.

Миллий стратегия қабул қилинган, Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги фаоллиги ҳам сезиларли даражада ошди. 2020 йилнинг 12-13 август кунлари “Ёшлар – 2020: глобал микёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро веб-форум ўтказилди. Унда 40 дан ортиқ халқаро, 10 дан ортиқ миллий экспертларнинг маърузалари тингланди. 700 дан ортиқ иштирокчилар муҳокамаларда фаол қатнашди. Форумнинг якуний ҳужжати Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этила бошланди. Натижада, 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон 2021 – 2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу ҳар биримиз фахрлансак арзийдиган тарихий ҳодисадир.

Яна бир жиҳат, Миллий стратегияга асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун ҳар йили топшириладиган “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони ҳам таъсис этилди. 2020 йил 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида кўкрак нишони ўзининг илк эгаларига тантанали тарзда топширилди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, Миллий стратегиянинг қабул қилиниши қисқа вақтда инсон ҳуқуқлари бўйича катта натижаларга эришишга ёрдам берди. Инсон ҳуқуқларининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, соҳага оид илмий тадқиқотларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш каби жабҳаларда самарали натижаларни қўлга киритиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ташкилот ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мақсад сари йўналтириш имконини берди.

– Юқорида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузурида юридик фанлар ва социология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилганини айтиб ўтдингиз. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

– Ҳозирга қадар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича илмий тадқиқотлар ҳуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанлар доирасида олиб борилган. Бунда инсон ҳуқуқлари масаласи тадқиқот мавзусининг муайян қисминигина ташкил этиши, инсон ҳуқуқлари бўйича илмий изланишлар нисбатан тор доирада амалга оширилиши кузатилган. Айнан инсон ҳуқуқларига оид долзарб муаммоларга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар сони эса анча кам бўлган. Ваҳоланки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қафолатлаш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг энг асосий шартларидан бири, мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари соҳасини алоҳида илмий ихтисослик асосида тадқиқ қилиш зарурати мавжуд эди.

Юқорида таъкидлаганимдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ушбу вазифа аниқ белгиланди ва ниҳоятда қисқа муддатда бажарилди. 2020 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузурида юридик фанлар ва социология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди. Илмий кенгашнинг 10 кишидан иборат таркиби тасдиқланди. Шунингдек, 12.00.13 – “Инсон ҳуқуқлари” (юридик фанлар, социология фанлари) ихтисослиги ташкил этилди ҳамда илмий кенгашга мазкур ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилди.

Янги ихтисосликнинг жорий қилиниши Ўзбекистон шу соҳада малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни ихтисослаштираётган жаҳондаги дастлабки мамлакатлардан бирига айланганидан далолат беради. Янги ихтисослик инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларнинг ҳам юридик, ҳам социологик жиҳатдан тадқиқ этилишини таъминлайди.

Бу борадаги тадқиқот ишларининг салмоғи ва сифати, авваламбор, инсон ҳуқуқларини ҳи-

моя қилишнинг халқаро, минтақавий ва миллий асосларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганишда муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, янги илмий кенгаш фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун янги тадқиқот майдонига айланиб, келажакда инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий мактабларнинг ривожланишига туртки бериши тайин.

– Илмий кенгаш нима сабабдан айнан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳузурида ташкил этилди?

– Ўйлашимча, бунда, биринчи галда, Миллий марказда тўпланган узоқ йиллик тажриба инобатга олинган. Биринчидан, Миллий марказ ҳузурида кўп йиллардан бери Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият юритади. Унинг вазифаси Марказ фаолиятини илмий асосда мувофиқлаштириб бориш мақсадида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу кенгаш аъзоси сифатида айта оламанки, кенгаш йиғилишлари инсон ҳуқуқларига оид долзарб муаммоларнинг очиқ муҳокама майдонига айланиб улгурган. Йиғилишларга нафақат ўзбекистонлик, балки хорижлик олимлар ҳам таклиф этилади ва ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилади. Иккинчидан, Марказда инсон ҳуқуқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган, шунингдек, кўп йиллик амалий тажрибага эга ходимлар фаолият юритади. Яъни Марказ жамоасининг илмий салоҳияти юқори. Учинчидан, Марказ ҳар йили инсон ҳуқуқлари соҳасига оид илмий мақолалар тўпламларини, китоблар ва даврий босма нашрларни чоп этади. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича илмий изланишлар мунтазам олиб борилишини англатади. Қолаверса, ҳар йили миллий ва халқаро даражада илмий анжуманлар ташкил этилиши, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, инсон ҳуқуқларига доир қонун лойиҳаларининг тайёрланиши ва парламентга тақдим этилиши каби Марказ фаолияти билан боғлиқ йўналишларда тўпланган катта тажриба ҳам илмий кенгашнинг айнан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳузурида ташкил этилганини изоҳлайди.

– Соҳа мутахассиси сифатида илмий кенгаш фаолиятини нималарни қутмоқдасиз?

– Инсон ҳуқуқлари соҳаси ниҳоятда кенг. Ўрганилиши керак бўлган мавзулар, ечимини

топмаган илмий муаммолар, ҳали қўл урилмаган тадқиқотлар кўп. Илмий кенгаш бу борадаги бўшлиқни тўлдириши, “Инсон ҳуқуқлари” ихтисослиги бўйича илмий изланишлар қўламини, сонини ва сифатини оширишга ҳисса қўшиши талаб этилади. Илмий изланувчиларнинг тадқиқот мавзуларини белгилашда унинг нафақат назарий, балки амалий жиҳатлари ҳам инобатга олиниши зарур. Бир сўз билан айтганда, илмий кенгаш мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва кафолатланишининг назарий-амалий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман ва унинг келгуси фаолиятига омад тилайман.

– Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид фаолиятнинг илмий асосларини мустаҳкамлаш учун яна нималарга эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?

– Аввало, олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини, улардаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини, инсон ҳуқуқларига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларининг бугунги давр талабларига қай даражада жавоб бера олишини чуқур таҳлил қилиш керак. Масалан, ҳозирда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида “Ҳуқуқий маданият назарияси” дарслиги ўқитилади. Ушбу дарсликни соҳага оид янги маълумотлар билан бойитиб, қайта нашр этиш фурсати етган. Қолаверса, “Ҳуқуқий маданият назарияси” ўқув курсини нафақат олий таълим муассасаларида, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва барча соҳалардаги малака ошириш марказларида ҳам жорий этиш самарали натижа беради.

Олий таълим даргоҳларининг ахборот-ресурс марказларини инсон ҳуқуқларига доир адабиётлар билан бойитиш, етакчи юридик олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ривожлантириш билан боғлиқ алоҳида махсус кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш ҳам долзарб вазифа. Бундан бир неча йил муқаддам Тошкент давлат юридик университетида БМТ қўмағи билан ана шундай кутубхона ташкил этилган эди. Ушбу кутубхона фаолияти қайта тикланса, талабаларнинг, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун қулайлик яратилади.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид фаолиятни илмий асосда йўлга қўйиш учун мамлакатимиздаги қонунларга эҳтиёж даражасини ўрганувчи социологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиб бориш лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда алоҳида тузилма ташкил этилса, айни муддао бўлар эди.

Яна бир муҳим жиҳат, барча соҳаларда бўлгани каби илмий фаолиятда ҳам қонун бузилишига ва коррупцияга йўл қўймаслик шарт. Бунинг учун ҳар биримиз қонунларга нисбатан ҳурмат ва масъулият билан муносабатда бўлишимиз зарур. Шундагина инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашдек олий мақсадларимизга эриша оламиз.

– Ҳалим Бобоевич, сермазмун суҳбатингиз учун ташаккур.

Азизбек РАМАЗОНОВ
суҳбатлашди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган янги демократик ва эркин мамлакатни яратишга қаратилган кенг қамровли ва изчил ислохотлар доирасида халқ хокимиятчилиги конституциявий тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Парламент томонидан қабул қилинган “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун худди шу мақсадга йўналтирилган. Ушбу қонуннинг ишлаб чиқиши зарурати ва унинг моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов билан суҳбатлашдик.

– Акмал Холматович, мамлакатимизда Сайлов кодекси қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш учун янги қонун ишлаб чиқишининг сабаблари нимада?

– 2019 йилда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар – янги парламент” ғояси асосида бўлиб ўтган сайловлар мамлакатда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келганини яққол кўрсатди. Шу билан бирга мазкур сайловлар даврида орттирилган тажриба амалдаги қонунчилик ва амалиётимизда ечимини кутаётган вазифалар ҳам мавжудлигидан далолат берди.

Биринчидан, 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий кузатувчиларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш лозим.

Иккинчидан, “Жаҳон мамлакатлари демократия индекси”да Ўзбекистон ҳозирда 157-ўринни эгалламоқда. Бунда Президенти-

мизнинг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларидаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармонида биноан, “Сайлов жараёни ва плюрализм” йўналиши бўйича мамлакатимиз кўрсаткичларини 2022 йилга қадар 6 бараварга ошириш мақсади қўйилган.

Учинчидан, сайлов қонунчилигини изчил амалга ошириш йўлида сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига йўллаган Мурожаатномасида 2021 йилда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларига алоҳида тўхталиб, **“бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим”** эканлигини таъкидлаган эдилар.

Қонун лойиҳаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида депутатларнинг қонунчилик ташаббуси гуруҳи томонидан ишлаб чиқил-

ди, Олий Мажлис палаталари, Марказий сайлов комиссияси, сенатор ва депутатлар иштирокида икки маротаба муҳокама қилинди. Шунингдек, қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ҳам ўтказилди.



– Янги қонун билан сайловларни ўтказиш муддати ўзгартирилмоқда. Бунинг сабаблари нимада?

– Депутатлар гуруҳи миллий ва хорижий экспертлар билан парламент, Президент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловлари муддатлари масаласини атрофлича ўрганди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ, Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Худди шундай норма “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 3-моддасида ҳам бор.

Мамлакатимизда сайловларнинг муддатини декабрь ойидан октябрь ойига кўчиришни қуйидаги муҳим омилар тақозо этмоқда.

Биринчи омил:

парламент сайловлари бўлиб ўтганидан кейин қонунчиликда белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларини ўтказиш, уларнинг қўшма мажлисларида Бош вазир номзодини тасдиқлаш, Вазирлар Маҳкамаси

– Ҳукуматни шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўтказиш каби муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар янги йилнинг биринчи чорагига тўғри келмоқда. Бу эса Давлат дастурларини қабул қилиш ва тегишли йилга мўлжалланган бошқа ислохотларнинг март-апрель ойларига қадар сурилишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, 2019 йилги парламент сайловларидан кейинги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар жуда қисқа муддатда, яъни 2020 йилнинг 20-24 январь кунлари оралиғида бўлиб ўтди. 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастури эса 2 март куни қабул қилинди.

Иккинчи омил:

сайловлар қаҳратон совуқ давр – қиш мавсумига тўғри келиши, ўз навбатида, фуқароларнинг сайловлардаги фаоллигини янада ошириш, сайловолди ташвиқоти тадбирларини кенг қамровли ўтказиш, замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиш, айниқса, оммавий тадбирларни ташкиллаштиришда бир қатор камчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ўтган сайловлар даврида аҳоли ва электорат, сиёсий партиялар томонидан бу борада қатор таклифлар билдирилди.

Учинчи омил:

хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий яримшар давлатларида, масалан, Гана, Миср, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси, Жазоир, Венесуэла, Доминика каби мамлакатларда сайловлар декабрь ойида ўтказилади. АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния, Иордания, Молдова ва бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида эса сайловлар октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

Тўртинчи омил:

Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар Европа ва Америка давлатларидан таклиф этилган кузатувчиларнинг диний байрами,

хусусан, “Рождество” нишонланадиган 25 декабрь санасига тўғри келиши туфайли сайлов соҳасида жаҳон миқёсида обрўга эга халқаро кузатувчиларнинг иштирокини чекламоқда.

Ана шу омилларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларни декабрь ойидан октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига кўчиришга қарор қилинди.

Бунинг натижасида, бир томондан, сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун тегишли замин яратилди. Иккинчи томондан, ноқулай об-ҳаво шароитларида фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади. Шу тариқа сайловчилар ва кузатувчилар учун қулай шароит вужудга келади.

– Янги қонун билан Сайлов кодексига қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

– Сайлов кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилади ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланади. Таҳлилларга кўра, ҳар бир округ ўртача 1-3 та сайлов участкаси доираси билан чекланган бўлиб, амалиётда бир неча йиллардан бери самарасиз фаолият юритиб келмоқда. Амалиётда тегишли туман (шаҳар) ва округ сайлов комиссиялари вазифаларининг бир-бирини такрорлаши ҳоллари ҳам кузатилган. Шунингдек, бу Давлат бюджетига қўшимча харажатни кўпайтирмоқда. Мақбуллаштириш натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 минг 739 та округ сайлов комиссияси тугатилади ва натижада инсон ресурслари тежалади, сайловга жалб этилган инсонлар орасида оворагарчиликка чек қўйилади.

Иккинчидан, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек, чет давлатларда сайловчилар ўзлари яшаётган ёки ишлаётган жойда кўчма қутиларда овоз беришининг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Масалан, 2019 йилги парламент сайловларида мазкур амалиёт илк бор тажрибадан ўтказилди. Хусусан, Россия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда бўлиб турган 90 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари кўчма қутиларда овоз берган. Мамлакатимизда яратилаётган Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши айнан фуқароларнинг қаерда бўлишидан қатъи назар давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

Учинчидан, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида камида 3 кун олдин хабардор қилиши тартиби белгиланмоқда.

Тўртинчидан, сайлов комиссиялари аъзоларига ҳақ тўлаб бериш, компенсация тўлаш ҳамда иш ҳақини ҳисоблашнинг аниқ тартиби ўрнатилмоқда.

Бешинчидан, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун Сайлов кодекси билан мувофиқлаштирилиб, парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар билан тенг равишда Президент сайловини ҳам давлат томонидан молиялаштириш тартиби белгиланмоқда.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида ҳам Сайлов кодексига бир қанча ўзгартиришлар киритилмоқда.

Аввало, сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланмоқда. Сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита сиёсий партияларнинг ихтиёрий иши бўлганлиги сабабли сайлов комиссияларининг бу ишга аралашishi уларга хос бўлмаган вазифа ҳисобланади.

Шу билан бирга, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланмоқда. Масалан, давлат хизматчиларига, агар улар ишончли вакил бўлмаса, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга, диний ташкилотлар хизматчиларига, судьяларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш тақиқланмоқда.

Қолаверса, сайлов натижаларини эълон қилиш муддатлари асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилмоқда.

Шунингдек, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунга сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралик ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботни ҳамда Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби киритилмоқда.

– Сайлов қонунчилигини демократлаштиришга қаратилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти нимада?

– Энг аввало, бу миллий сайлов қонунчилигини умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига янада мувофиқлаштиради. Шу билан бирга сайлов жараёнлари янада очиқ ва ошкора ўтиши таъминланади.

“Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этишига, шунингдек кузатувчилар ва сайловчиларга ҳам қулай шароит яратади.

Ушбу қонунга кўра сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз муддатида шакллантириш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун етарлича имконият бўлишининг аҳамияти ҳам катта.

Яна бир муҳим масалани, ушбу қонуннинг Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги ўрни янада яхшиланишини таъминлашини ҳам таъкидлаш керак.

Эркин ЭРНАЗАРОВ
суҳбатлашди

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонгир ШИРИНОВ*

Аннотация. Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларини таъсис этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишдаги ҳуқуқий муаммолар ёритилган ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган муаллифлик таклифлари берилган. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишга ҳуқуқий таъриф келтирилган.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилоти, таъсис этиш, таъсис шартномаси, устав, юридик шахс, давлат рўйхатидан ўтказиш, рўйхатдан ўтказувчи орган, ариза, давлат божи, чет эл ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, экспертиза.

Аннотация. В статье представлены научно обоснованные авторские рекомендации по перевозке и регистрации негосударственных некоммерческих организаций государством. Существует законный тариф на государственную регистрацию негосударственной некоммерческой организации.

Ключевые слова: некоммерческая организация, установить, учредительное соглашение, юридическое лицо, государственная регистрация, регистрирующий орган, применение, государственная пошлина, представительства и филиалы иностранных организаций, экспертиза.

Abstract. The article presents scientifically substantiated author's recommendations for the transportation and registration of non-governmental non-profit organizations by the state. There is a legal tariff for state registration of a non-governmental non-profit organization.

Keywords: non-profit organization, install, constituent agreement, entity, state registration, registration authority, application, National tax, representative offices and branches of foreign organizations, expertise.

Юридик шахснинг ҳуқуқий лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади¹.

Шундай экан, нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб ҳуқуқий муносабатларнинг тўлиқ субъектига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид қоидалар ўрнатилган². Бироқ мазкур кодексда юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчаси очиқ берилмаган.

Баъзи олимлар, давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчасига таърифни тегишли тартиб-таомиллар билан боғлаган ҳолда ифода этганлар. Масалан, Ш.Асьяновнинг фикрича давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчаси юридик шахс мақомини олиш тартиб-таомилини англатади. Бу тартиб-таомил давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мослиги текширилишини, рўйхатга олиш рақами берилган ва маълумотлар юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилишини ўз ичига олади³.

* Жаҳонгир Ширинов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

¹ Қаранг: “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5.

² Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.

³ Асьянов Ш.М., Куликова М.Ш., Исаева А. Нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма. – Т., 2008. – 54-бет.

Д.Степановнинг таъкидлашича, давлат рўйхатидан ўтказиш бу юридик шахсни ташкил этишнинг легитимлигини ва унинг устав фаолияти билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқини давлат томонидан тан олиниши фактини таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир этувчи элементларнинг ташкилий тизимидир⁴.

О.Кокорева рўйхатдан ўтказиш фаолиятини давлатнинг бошқарув усулларида бири сифатида баҳолайди⁵.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига асосан, “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”⁶.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади⁷.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади. Бунда ташкилотнинг ҳудудий таллуқлигидан келиб чиқиб, рўйхатдан ўтказиш ёки республика даражасидаги адлия органи ёхуд ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишдаги муҳим масалалардан бири

бу рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлардир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати қонунда белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати санаб ўтилган⁸. Қонун ушбу моддасининг биринчи қисмида барча нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати келтирилган (бош ташкилоти Ўзбекистондан ташқарида жойлашган халқаро ташкилотлар ҳамда чет эл ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари бундан мустасно). Шундай бўлсада, рўйхатдаги баъзи ҳужжатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни барча шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотларидан бирдек талаб этиб бўлмайди.

Масалан, таъсис шартномаси фақатгина нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари)ни давлат рўйхатидан ўтказишда; бош ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси ваколатхона ва филиалларни; дастлабки маблағлар шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда васиятнома нусхаси эса жамоат фондларини давлат рўйхатидан ўтказишда талаб этилади. Гарчи мазкур санаб ўтилган ҳар бир ҳужжат қайси ҳолларда талаб этилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилган бўлсада, улар умумий ҳужжатлар қаторидан жой олган бўлиб, бу эса қонунни тушуниш ва уни амалиётда қўллашда мураккаблиklar келтириб чиқаради. Шу сабабли, алоҳида хусусиятга эга бўлган ҳужжатларни умумий рўйхатдан мустақил қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатини 3 тоифага бўлиш мумкин.

Биринчи тоифага, барча нодавлат нотижорат ташкилотларини (бош ташкилоти Ўзбекистондан ташқарида жойлашган халқаро ташкилотлар ҳамда

⁴ Степанов Д.А. Государственная регистрация юридических лиц / дисс.на соиск.канд. юр. наук. – Омск, 2004. – С.44.

⁵ Кокорева О.М. Правовое регулирование государственной регистрации некоммерческих организаций / дисс.на соиск. канд. юр. наук. – Москва, 2010. – С.57.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон.

⁷ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5.

⁸ Ўша манба.

чет эл ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари бундан мустасно) рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган таянч ҳужжатларни киритиш лозим.

Булар:

- нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ариза;
- нодавлат нотижорат ташкилотининг ўстави ёхуд юридик шахс бўлган ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги низом давлат тилида икки нусхада;
- нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг баённомаси ёхуд таъсисчининг қарори;
- жойлашган ери нодавлат нотижорат ташкилотининг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш ташаббускорлари ёхуд унинг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар.

Юқорида кўриб турганингиздек, умумий ҳужжатлар орасида нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш ташаббускорлари ёхуд унинг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Шу сабабли, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган “ташаббускор фуқароларнинг рўйхати” ортқча бўлиб, ушбу рўйхатни тақдим этиш ҳақидаги талабни қонундан чиқариб ташлаш лозим.

Иккинчи тоифага, айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатини келтириш лозим (бош ташкилоти Ўзбекистондан ташқарида жойлашган халқаро ташкилотлар ҳамда чет эл ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари бундан мустасно). Гарчи ушбу соҳадаги ҳужжатлар алоҳида тоифага ажратилсада, уларни мустақил ҳужжатлар рўйхати деб бўлмайди, чунончи, улар биринчи тоифага кирувчи ҳужжатларга қўшимча равишда тақдим этилади.

Бироқ амалдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида сиёсий партияларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар акс этмасдан қолган. Масалан, мазкур қонунда сиёсий партиянинг дастури, партияга бирлашиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг ўзлари имзо қўйган рўйхати, раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар ке-

либ чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарорини тақдим этиш назарда тутилмаган.

Шунга мувофиқ, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ:

Айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар қўшимча равишда тақдим этилади:

- таъсис шартномаси — юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи) учун, шунингдек агар таъсис этиш жараёнида назарда тутилган бўлса, бошқа шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун;

- сиёсий партиянинг дастури, мазкур партияга бирлашиш хоҳишини билдирган, камида саккизта ҳудудий субъектларда (вилоятларда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган, камида йигирма минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори — сиёсий партиялар учун;

- бош нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси — ваколатхоналар ва филиаллар учун;

- дастлабки маблағлар шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат — жамоат фондлари учун;

- васиятноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — васиятнома бўйича ташкил этилаётган жамоат фондлари учун;

- қайта ташкил этилаётган ташкилотларга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлигининг ва қайта ташкил этиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганлигининг тасдиқномаси (қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари учун);

- қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар низолашга бўлган мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юбориш ва ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари учун) ёки тақсимлаш баланси (бўлиш

ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари учун);

- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, шунингдек ички ишлар органларининг ташкилот муҳри ва штамп йўқ қилиб ташланганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари учун).

Учинчи тоифага, бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини киритиш лозим.

Навбатдаги масала – нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишда тўланадиган давлат божидир.

Бироқ амалиётда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарор, рўйхатдан ўтказувчи органга ҳужжат топширилганидан сўнг бир ой ичида, гоҳида икки ой ичида қабул қилинади.

Қатор ҳолатларда эса нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бундай ҳолатларда тўланган давлат божини қайтариш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради (масалан, нодавлат нотижорат ташкилоти давлат божини қайтариш ҳақида ариза бериши, ушбу ариза яна умумий тартибда кўриб чиқилиши, адлия органи тегишли тартибда молия органларига мурожаат этиши ва ҳоказо).

Қолаверса, агар нодавлат нотижорат ташкилоти уч ой (сиёсий партиялар бир ой) мобайнида мурожаат этмаса, унинг томонидан илгари тўланган давлат божи ҳисобга олинмайди, ушбу муддат ўтгандан кейин нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қилинган мурожаат бўйича давлат божи умумий асосларда, яъни такроран ундирилади.

Бизнингча, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатига олиш ҳақидаги қарор чиқарилишидан олдин давлат божининг ундирилиши адолат мезонларига тўла мос келмайди, бунда аслида ҳеч қандай давлат хизматидан фойдаланмаган, ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар содир этилмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат божини тўлашга мажбур бўладилар.

Шу сабабли, давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божини тўлашда нодавлат нотижорат ташкилотларига янада қулай шароитлар яратилиши лозим.

Масалан, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш жараёнида давлат божини тўлаш бўйича жуда қулай амалиёт йўлга қўйилган. Хусусан, аксарият лицензиялаш жараёнларида дастлаб лицензияловчи орган томонидан тегишли қарор қабул қилиниб бу ҳақда лицензия талабгорига хабарнома юборилади. Шундан кейин, талабгор белгиланган миқдордаги давлат божини тўлайди ва тегишли тўлов ҳужжатини лицензияловчи органга тақдим этганидан сўнг, унга лицензия расмийлаштирилади.

Фикримизча, ушбу амалиётдан нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Яъни давлат божини нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза билан бир вақтда эмас, балки адлия органи томонидан нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг тўлаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун, адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш икки босқичда амалга оширилиши лозим. Дастлабки босқичда барча тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ташкилотни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш, иккинчи босқичда эса нодавлат нотижорат ташкилотини огоҳлантиргандан сўнг 5 кунлик муддат ичида давлат божи тўланган тақдирда, уни реестрга киритиш ва гувоҳнома бериш керак бўлади.

Давлат божи белгиланган муддатда тўланмаганда, рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишда талаб этиладиган энг асосий ҳужжатлардан бири бу таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Таъсис ҳужжатларининг асосий вазифаси бу юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини ҳамда уни бошқариш тартибини белгилаш, шунингдек унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа қоидаларни ўрнатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари сифатида “устав” ва “таъсис шартномаси” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига мувофиқ юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб бориши

кўрсатилган⁹. Бироқ, ушбу қоида нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан тўлиқ амал қилмайди.

Ш.Асъяновнинг фикрига кўра, “Агар устав қоидалари ва таъсис шартномасининг шартлари ўртасида тафовутлар бўлса, устав қоидалари қўлланилиши керак, чунки устав нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий ҳужжати ҳисобланади”¹⁰.

Бироқ бугунги кунда юридик шахс уставининг ҳуқуқий табиатига оид масалалар нафақат қонунчиликда, балки фанда ҳам тўла-тўқис ўз ечимини топмаган. Баъзи олимлар юридик шахснинг уставини локал норматив ҳужжат деб ҳисоблайдилар¹¹. Бошқа олимлар эса юридик шахснинг уставини шартномавий-ҳуқуқий характер касб этишини ишонч билан таъкидлайдилар ҳамда унга шартномавий мажбуриятнинг ўзига хос кўриниши сифатида қарайдилар¹².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсад ва вазифасини белгилаб берувчи ягона юридик ҳужжат бу унинг уставидир. Бошқа бирорта ҳужжат нотижорат ташкилотининг устав мақсадларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб бера олмайди. Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотининг устав мақсадлари хилма-хил. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам устав мақсадларини шакллантиришда тижорат элементлари (шу жумладан фойда олиш мақсади) акс этмаслиги лозим.

Умуман олганда устав у ёки бу фаолият турини амалга оширишнинг аниқ чегараларини белгилаб бериши лозим. Мисол учун, агар уставда кўрсатилган мақсадлар ташкилот амалда кўрсатаётган фаолиятдан фарқ қилса ёки устав мақсадлари мавҳум кўрсатилган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотига нисбатан тегишли чоралар кўрилишига олиб келади. Яъни нодавлат нотижорат ташкилоти устав мақсадларига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланган деб топилади. Бундай ҳолат ҳатто нодавлат нотижорат ташкилотини тугатишгача бўлган таъсир чорасини қўллашга олиб келиши мумкин.

Энди бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўриб чиқиш жараёнини таҳлил қилсак. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни бир ойлик муддат ичида кўриб чиқади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади¹³.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 19-бандида рўйхатдан ўтказувчи органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларининг ишончилигини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширишга ҳақли эканлиги белгиланган¹⁴.

Кўриниб турганидек, қонунчиликда рўйхатдан ўтказувчи органнинг нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳужжатларини, уларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан экспертиза қилиш мажбурияти ўрнатилмаган. Ваҳоланки, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлса, бу ҳолат нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Шу сабабли, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси матнини “адлия органи уларни бир ойлик муддат ичида кўриб чиқади” деган сўзлардан кейин “экспертизадан ўтказади” деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳужжатларни экспертиза қилишда қуйидаги масалалар батафсил текширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

⁹ “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.

¹⁰ Ш.М.Асъянов, М.Ш.Куликова, А.Исаева. Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма. – Тошкент, 2008. – 21-б.

¹¹ Елисеев И.В. Гражданское право: учебник / под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. Т.1. – М.: «ТК Велби», 2002. – С. 160; Комментарий к Федеральному закону о некоммерческих организациях / под. ред. В.В.Залесского, Р.Ф.Калистратовой. – М., 2000. – С. 65.

¹² Зайцева В.В. Торговые товарищества // Гражданское и торговое право капиталистических государств: учебник. 3-е изд., перераб. и доп. / отв. ред. Е.А.Васильев. – М., 1993. – С. 127, 145-146.

¹³ Қаранг: “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 11-сон, 126-модда.

Биринчидан, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги. Бунда рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун қонунда талаб этилган ҳужжатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши лозим.

Иккинчидан, тақдим этилган ҳужжатларнинг лозим даражада расмийлаштирилганлиги. Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг белгиланган шаклга мувофиқлиги, устав (низом) тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилганлиги, ташаббускорлар ёхуд таъсисчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги, тегишли ҳужжатларда имзоларнинг мавжудлиги, легаллаштирилган ёки апостиль қўйилганлиги (халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари учун) ўрганилиши лозим.

Учинчидан, ҳужжатларни тақдим этиш муддати бузилмаганлиги. Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар устав қабул қилинган вақтдан бошлаб икки ойлик (жамоат бирлашмаси учун – бир ойлик) муддатни бузмаган ҳолда тақдим этилганлиги текширилади.

Тўртинчидан, ташкилот номидан фойдаланишнинг қонунга мувофиқлиги. Бунда айнан шу ном билан илгари нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилмаганлиги, нодавлат нотижорат ташкилотининг номи маънавиятга фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилмаслиги, ташкилот номида давлатнинг расмий номи, шунингдек ундан ҳосила сўзлардан фойдаланилмаганлиги, агар фойдаланилган бўлса, бунинг учун ҳуқуқий асослар мавжудлиги ўрганилади.

Бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этилганлиги. Бунда ташаббускорлар, муассислар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиши қақирилганлиги, унда нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш, унинг уставини қабул қилиш ва раҳбар органларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги, муассислар, қатнашчилар (аъзолар)нинг қонунда белгиланган миқдор ва талабларга мос келиши текширилади. Бундан ташқари, танланган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг таъсисчилар мақоми ҳамда ташкилотнинг мақсад ва вазифаларига мос келиши, агар нодавлат нотижорат ташкилоти қайта ташкил этиш йўли билан тузилган тақдирда, қайта ташкил этиш қоидаларига риоя этилганлиги ўрганилади.

Олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг қонунга номувофиқлиги. Бунда тақдим этилган ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва таъсис ҳужжатларидаги қоидаларнинг Конституция ва қонунларга зид эмаслиги, таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумотлар келтирилмаганлиги, уларда ҳарбийлаштирилган бирлашмаларни тузиш назарда тутилмаганлиги, таъсис ҳужжатида ички ўзаро номувофиқликлар мавжуд эмаслиги таҳлил қилинади.

Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказувчи орган таъсис ҳужжатларини “ғоявий экспертиза”дан ҳам ўтказиши лозим бўлади. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, мамлакат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилиш мақсад қилиб қўйилмаганлиги аниқланиши лозим. Шу сабабли, қонун ҳужжатларида рўйхатдан ўтказувчи орган, зарурат бўлганда, давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни тегишли ташкилотларга экспертизадан ўтказиш учун юборишга ҳақли эканлиги кўрсатилган¹⁵.

Экспертиза якуни бўйича рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими қуйидаги 2 хил хулосалардан бирини тайёрлайди:

- агар, рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун қонунда белгиланган асослар тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлмаса – нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлиги ҳақида;
- агар, рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун қонунда белгиланган асослар тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлса – нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида.

Мазкур хулосалар асосида рўйхатдан ўтказувчи орган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорни қабул қилиш муддати нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги лозим.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори / Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 11-сон.

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ: АҲАМИЯТИ ВА ТУШУНЧАСИ

Дониёр ТУРАЕВ*

Аннотация. Мақолада парламент дипломатияси тушунчасининг таърифи, унинг субъектлари ва самарадорлиги масалалари ҳамда халқаро парламент институтлари роли тўғрисида фикр юритилган. Парламент дипломатиясини ривожлантириш борасида халқаро ва миллий аҳамиятга эга таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: парламент, парламент дипломатияси, парламент дипломатияси концепцияси, миллий манфаатлар, мулоқот майдони, Парламентлараро Иттифоқ, халқаро стандартлар, инсон ҳуқуқлари.

Аннотация. В статье рассматривается определение понятия парламентской дипломатии, её субъекты и вопросы её эффективности, а также роль международных парламентских институтов. Выдвинуты предложения международного и национального значения для развития парламентской дипломатии.

Ключевые слова: парламент, парламентская дипломатия, Концепция парламентской дипломатии, национальные интересы, площадка для диалога, Межпарламентский Союз, международные стандарты, права человека.

Annotation. The article considers the definition of the concept of parliamentary diplomacy, its subjects and issues of its effectiveness, as well as the role of international parliamentary institutions. A number of proposals on the development of parliamentary diplomacy, which is of national and international significance, had been put forward.

Keywords: parliament, parliamentary diplomacy, the concept of parliamentary diplomacy, national interests, a platform for dialogue, the Inter-Parliamentary Union, international standards, human rights.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Мамлакатимиз 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади, шунингдек турли хил кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шерикчилик алоқаларини ривожлантирмоқда¹.

Мамлакатимизда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни ривожлантиришда, хусусан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини амалга оширишда Олий Мажлисининг ролини

кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сезиларли натижаларга ҳам эришилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 25 сентябрь куни Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарори билан “Парламент дипломатияси концепцияси” тасдиқланди. Мазкур концепция 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида² белгилан-

* Дониёр Тураев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти / <https://mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika>.

² Қаранг: / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4751561>.

ган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Концепция лойиҳаси Олий Мажлис палаталари ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан тайёрланди. Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти унинг мақсади, вазифалари, принциплари ва йўналишларини ишлаб чиқишда иштирок этди. Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда энг аввало миллий амалиёт, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор мақсад ва вазифалар ўрганилди, шунингдек, халқаро ва хорижий тажриба ҳам таҳлил қилинди.

Хўш, парламент дипломатиясининг умум қабул қилинган таърифи борми? Унинг аъъанавий дипломатиядан фарқи нимада? Унинг субъектлари ким? Самарадорлиги нимага боғлиқ? Мазкур мақолада ушбу масалаларга атрофлича тўхталамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, парламент дипломатиясининг ўрни сўнгги йилларда сезиларли равишда ошди. Хусусан, халқаро парламентлараро институтларнинг кўпайиши, минтақавий интеграциянинг ўсиши, глобаллашув, демократлаштириш, миллий манфаатлар ҳимояси, тобора кўпайиб бораётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиш зарурати – парламент дипломатиясининг фаоллашувига туртки бўлди. Жумладан, 2020 йилда глобал муаммога айланган COVID-19 пандемиясига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш зарурати парламент дипломатиясининг аҳамиятини янада оширди.

“Парламент дипломатияси” тушунчаси бўйича бугунги кунда умум қабул қилинган таъриф мавжуд эмас.

Масалан, айрим таърифларга кўра “парламент дипломатияси” – бу муҳим халқаро масалалар бўйича икки ёки ундан кўпроқ парламентларнинг доимий мулоқотини амалга ошириш воситасини англатади³.

Франц Вейгслас ва доктор Гонни де Бурнинг берган таърифи бўйича “парламент дипломатия-

си” – бу давлатлар ўртасидаги ўзаро англашувни кучайтириш, ҳукуматлар устидан назоратни ва халқ вакиллигини амалга оширишни яхшилашда бир-бирларига ёрдам бериш, ҳукуматлараро институтларнинг демократик легитимлигини ошириш мақсадида парламент аъзолари томонидан амалга ошириладиган халқаро фаолият мажмуасидир⁴.

Айрим олимлар Вейгслас ва Бурнинг мазкур таърифини тўғри деб ҳисоблашади⁵, лекин бу таъриф парламент дипломатиясининг мазмунини қай даражада очиб берганлиги мунозарали масаладир.

Парламент дипломатиясини аъъанавий дипломатия билан қиёслашда бир қанча ёндашувлар мавжуд: биринчиси – аъъанавий дипломатиянинг бир қисми сифатида; иккинчиси – аъъанавий дипломатиянинг тўлдирувчиси сифатида; учинчиси – аъъанавий дипломатиядан ажралиб турувчи алоҳида фаолият сифатида изоҳланади⁶.

Парламент дипломатияси, аъъанавий дипломатиядан фарқли равишда, расмий ва норасмий вазифаларни бажаришга, кўпроқ альтернатив воситалардан фойдаланишга қодирлиги ҳамда кенгрок масалаларни ҳал қилиш имкониятларига эгаллиги билан ажралиб туради⁷.

Мазкур ёндашувларнинг қайси бири парламент дипломатиясининг хусусиятига мослигини аниқлаш учун ҳамда аъъанавий дипломатия билан қиёслаганда, аъъанавий дипломатиянинг бугунги кунда умумэтироф этилган вазифаларини инобатга олиш ва уларни тўғри тушуниш лозим. Масалан, халқаро ҳуқуқда Дипломатик алоқалар тўғрисида Вена конвенциясида аъъанавий дипломатиянинг асосий вазифалари дипломатик ваколатхоналарнинг функциялари орқали очиб берилган. Унга мувофиқ дипломатик ваколатхонанинг функциялари қуйидагилардан иборат: а) қабул қилувчи давлатда юбуровчи давлатнинг вакиллигини ифода этиш; б) қабул қилувчи давлатда юбуровчи давлат ва унинг фуқароларининг манфаатларини халқаро ҳуқуқ билан рухсат этилган чегараларда ҳимоя қилиш; с) қабул қилувчи давлат ҳукумати

³ Қаранг: AGORA глобал платформаси (парламент ривожига оид ахборотлар тўплами платформаси) // <https://www.agora-parl.org>

⁴ Frans W. Weisgla and Gonnies de Boer, “Parliamentary Diplomacy”, The Hague Journal of Diplomacy, 2, pp.93-99.

⁵ Қаранг: Thomas Goumenos, (2008) “Parliamentary Diplomacy as ‘Track 1 1/2 Diplomacy’ in Conflict Resolution”; Frans W. Weisgla and Gonnies de Boer, (2007) “Parliamentary Diplomacy”, The Hague Journal of Diplomacy, 2, pp.93.

⁶ Stavridis, S. (2006) “Parliamentary Diplomacy: Any Lessons for Regional Parliaments?” / <https://dialnet.unirioja.es/descarga/articulo/5768547.pdf>; Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси резолюцияси / Resolution 1773 (2010).

⁷ Қаранг: Thomas Goumenos, (2008) “Parliamentary Diplomacy as ‘Track 1 1/2 Diplomacy’ in Conflict Resolution”; Fiott, D. “On the Value of Parliamentary Diplomacy”, Madariaga Paper – Vol. 4, No. 7 (Apr., 2011); Stavridis, S. (2006) “Parliamentary Diplomacy: Any Lessons for Regional Parliaments?” / <https://dialnet.unirioja.es/descarga/articulo/5768547.pdf>.

билан музокаралар олиб бориш; d) барча қонуний воситалар билан қабул қилувчи давлатдаги шароит ва ўзгаришларни аниқлаш ва бу ҳақда юбуровчи давлат ҳукуматиға етказиш; e) юбуровчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги дўстона муносабатларға кўмаклашиш ва уларнинг иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларини ривожлантириш.

Умумлаштириб айтганда, давлатлар томонидан олиб бориладиган анъанавий дипломатиянинг асосий мақсади – ўз давлатларининг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Парламент ҳам давлатнинг олий вакиллик органи сифатида ўзининг ваколатлари доирасида давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишға масъулдир, чунки парламент давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантиришда, уни амалға оширишда иштирок этади ва унинг устидан парламент назоратини амалға оширади.

Шундан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, парламент дипломатиясини анъанавий дипломатиядан ажралиб турувчи алоҳида фаолият сифатида эмас, анъанавий дипломатиянинг бир қисми, унинг тўлдирувчиси сифатида изоҳлаш мақсадға мувофиқ.

Тадқиқотларға кўра, парламент дипломатияси фаолиятини олиб боровчи бир қатор субъектлар мавжуд. Булар учта асосий тоифаға бўлинади: парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва парламентлар⁸. “Парламентлар” деганда – миллий, маҳаллий, минтақавий ва халқаро парламентлар назарда тутилади.

Миллий аҳамиятға эга, ўзаро манфаатли бўлган масалаларни ҳал этишда асосан икки томонлама ҳамкорлик асосида парламент аъзолари, сиёсий партиялар, дўстлик гуруҳлари иштирок этади.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятға эга бўлган масалаларни ҳал қилишда икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик ёрдамида парламент делегациялари, парламент дўстлик гуруҳлари, минтақавий ва халқаро парламентлар ташкилотлари муҳим роль ўйнайди.

Парламент дипломатиясида халқаро аҳамиятға молик масалалар сирасиға халқаро ва минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, иқтисодий ҳамкорлик каби долзарб масалалар киради⁹.

Бугунги кунға келиб, кўп томонлама ҳамкорлик парламент дипломатиясининг асосини ташкил этади ва уни амалға оширишнинг асосий институционал мулоқот майдони сифатида “халқаро парламентлараро институтлар” назарда тутилади.

Бундан ташқари, вакиллик органларининг замонавий эволюциясиға хос бўлган парламентларнинг минтақавий ва глобал даражадаги қарорлар қабул қилишда иштирок этиш хусусияти¹⁰ халқаро парламентлараро институтларнинг ривожини билан боғлиқ.

Халқаро парламентлараро институтларнинг фаолияти доирасида парламент аъзолари “қилиш, ишнотириш, тарғибот ёки институционал босим” каби турли хил усуллар билан амалға ошириладиган ёки тарғиб қилинадиган қарорлар, стратегик режалар ва дастурларни қабул қилиш учун ҳамкорлик қиладилар¹¹.

Масалан, Парламентлараро Иттифок, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси каби қатор нуфузли институтлар турли минтақавий ва халқаро масалаларни ҳал этишда мулоқот майдони сифатида намоён бўлмоқда ҳамда халқаро парламентлар ҳамкорлигини ривожлантиришға катта ҳисса қўшмоқда.

Парламент дипломатияси соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб аҳамиятға эга. Хусусан, халқаро ҳамкорлик жараёнида турли муаммолар ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида парламентлар аъзолари ва ҳукуматлар томонидан бирдек тушуниладиган парламент дипломатиясини амалға ошириш билан боғлиқ принципларни аниқлаштириш мақсадға мувофиқ.

Парламент дипломатияси соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш масаласида ҳам айнан халқаро парламентлараро институтлар муҳим роль ўйнаши керак.

Хусусан, Парламентлараро Иттифок халқаро ҳуқуқ ва унинг институтлари ривожланишиға катта ҳисса қўшмоқда¹². БМТ Парламентлараро Иттифокнинг ўз хусусияти ва мажбуриятлари туфайли

⁸ Қаранг: Fiott, D. “On the Value of Parliamentary Diplomacy”, Madariaga Paper – Vol. 4, No. 7 (Apr., 2011); Thomas Goumenos, (2008) “Parliamentary Diplomacy as ‘Track 1 1/2 Diplomacy’ in Conflict Resolution”.

⁹ Қаранг: Тураев Д. Халқаро майдонда миллий манфаатлар қафолати // Халқ сўзи. 2020 йил 11 июнь, № 123 (7625).

¹⁰ Қаранг: Саидов А.Х. Национальные парламенты мира: Энциклопедический справочник. – М.: “Волтерс Клувер”, 2005. – С.11.

¹¹ Қаранг: Šabic, Z. (2008) “Building Democratic and Responsible Global Governance: The Role of International Parliamentary Institutions”, Parliamentary Affairs, 61:2, 258 б.

¹² Парламентлараро Иттифокқа БМТнинг Бош Ассамблеяси ҳузурида қўзғатувчи мақоми берилган (UN GA Resolution A/RES/57/32, 19 November 2002).

тинчлик ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнашини ва шу орқали БМТнинг мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини тан олган¹³. Шу сабабли, мазкур соҳада стандартларни шакллантириш масалаларига Парламентлараро Иттифок¹⁴ БМТ билан биргаликда алоҳида эътибор қаратиши ва ўз фаоллигини ошириши зарур.

Парламент дипломатиясининг самарадорлигига бир қатор омиллар ёрдам бериши мумкин. Масалан, миллий даражада:

- юқори малака ва тажрибага эга бўлган парламент аъзоларининг кўплиги;
- парламент дўстлик гуруҳлари каби тузилмаларнинг фаол халқаро ҳамкорлиги;
- парламентда мавжуд бўлган молиявий ва институционал ресурслар, яъни чет давлатларга делегацияларни юбориш имконияти каби ресурслар парламент олдига қўйилган вазифаларни самарали бажаришга ёрдам беради¹⁵.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, парламент дипломатиясининг самарадорлигига эришишнинг муҳим омили сифатида унинг расмий институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада тегишли стратегик режаларни, концепцияларни, қонунларни қабул қилишни, парламентларнинг ваколатларини аниқ белгилашни назарда тутди.

Мамлакатимизда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар доирасида парламент дипломатиясининг ривожига ва унинг ролини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, парламент дипломатиясининг институционал ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш доимий диққат марказида турибди.

Бу борада, биринчидан, парламент дипломатиясини амалга оширишдаги Олий Мажлис фаолиятининг устувор йўналишлари, стратегик мақсади ва принципларини белгилаб беришга йўналтирилган Парламент дипломатияси концепцияси

қабул қилинди. Унинг қабул қилинишини халқаро майдонда миллий манфаатларни таъминлашга ва парламентнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи парламент дипломатиясининг янги босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

Иккинчидан, парламентнинг Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини шакллантиришдаги ва уни амалга оширишдаги роли ошмоқда, парламент назорати механизмлари кучаймоқда.

Маълумки, Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенат ваколатларига қаради. Тайинлаш жараёнида уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин элчиларнинг амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинмасди. Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва парламент назоратини кучайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди¹⁶.

Бундан ташқари, парламентнинг иккала палатасида парламент дипломатиясини ривожлантиришга масъуллар белгиланди.

Олий Мажлис палаталарида парламент дипломатиясини ривожлантиришга масъул янги лавозимлар – Сенат Раисининг биринчи ўринбосари ва Спикернинг биринчи ўринбосари лавозимлари таъсис этилди.

Мазкур лавозимларга юқори малакали, йирик мутахассис, профессионал дипломат, мамлакатимиз ва халқаро жамоатчилик вакиллари ўртасида кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари сайланди.

Юқорида айтилганидек, парламент дипломатиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан юқори малакали ва тажрибали парламент аъзоларига боғлиқ. Алоҳида масъулларни белгилаш эса бу ишнинг тизимлилигини таъминлашга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 20 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида, “Қонунчилик палатасида бу янги лавозимни таъ-

¹³ Қаранг: UN GA Resolution A/51/402, 25 September 1996.

¹⁴ 1889 йилда парламент дипломатияси ва мулоқоти орқали тинчликни қўллаб-қувватлаш мақсадида бирлашган бир гуруҳ парламент вакилларининг сўй-ҳаракатлари, ҳозирги даврга келиб миллий парламентларнинг чинакам глобал ташкилотига – Парламентлараро Иттифоққа айланган (Қаранг: UNGA Resolution A/RES/57/32, 19 November 2002). Бугунги кунда 179 парламентлар, 13 парламент бирлашмалари унинг аъзосидир. Қаранг: Парламентлараро Иттифоқнинг расмий веб-сайти / <https://www.ipu.org/about-us>.

¹⁵ Fiott, D., “On the Value of Parliamentary Diplomacy”, Madariaga Paper – Vol. 4, No. 7 (Apr., 2011) / https://www.researchgate.net/publication/216769998_On_the_Value_of_Parliamentary_Diplomacy.

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи / <https://uz.uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-21-01-2020>.

сис этиш ҳақидаги қарор ўз вақтида ва тўғри қабул қилинган” дея таъкидлади ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантириш учун Спикернинг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича концептуал таклиф киритди. Хусусан, Спикернинг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан парламентлараро гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга қўмаклашиш, парламентлараро дипломатияни амалга ошириш белгиланди¹⁷.

Учинчидан, парламентнинг нафақат хорижий парламент ёки халқаро парламентлараро ташкилотлар, балки БМТ ва бошқа халқаро институтлар билан турли даражадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Олий Мажлис қисқа вақт ичида Парламентлараро Иттифок, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси каби қатор нуфузли халқаро парламентлараро тузилмаларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланди, дунёнинг 50 дан зиёд давлатлари парламентлари ва Европа Иттифоқи парламенти билан ўзаро икки томонлама алоқаларни ўрнатди¹⁸.

Олий Мажлис палаталарида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари кўпаймоқда ва уларнинг фаолиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, парламентнинг родини ошириш ва унинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ютуқлари ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, Парламентлараро Иттифок томонидан Ўзбекистон парламентининг охириги йилларда инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларининг имплементацияси соҳасида олиб борган саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди¹⁹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон вакили биринчи бор 2020 – 2023 йилларда Парламентлараро Иттифок Ижроия қўмитаси аъзоси сифатида тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик А.Саидов Парламентлараро Иттифок Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, шунингдек, унинг молия бўйича кичик қўмитаси аъзоси этиб тайинланди²⁰.

Юқоридагиларни инобатга олиб, парламент дипломатиясини халқаро миқёсда ва мамлакатимизда янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни билдирамыз:

Биринчидан, Парламентлараро Иттифок Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан биргаликда парламент дипломатияси соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши ва ўз фаоллигини ошириши зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мақсадларидан келиб чиқиб:

- хорижий мамлакатлар парламентлари аъзолари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликни ва парламент дипломатиясини ривожлантириш мақсадида парламент институтларининг родини кучайтириш ва унинг норматив ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- халқаро ва минтақавий парламентлараро ташкилотларда Ўзбекистон учун долзарб бўлган турли масалалар бўйича фаол иштирок этиш, халқаро ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суриш;
- қўшни давлатлар билан парламент алоқаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда парламентлараро мулоқот майдонларини шакллантириш, мамлакатимиз ва минтақа учун муҳим мавзуларда парламентлараро ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ²¹.

¹⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи / <https://uza.uz/oz/politics/-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oli-20-01-2020>.

¹⁸ Парламент дипломатияси ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб сайти / http://parliament.gov.uz/uz/events/committee/33182/?sphrase_id=6931260

¹⁹ Қаранг: IPU welcomes human rights efforts by Uzbek Parliament // Парламентлараро Иттифокнинг расмий веб-сайти / <https://www.ipu.org/news/news-in-brief/2020-05/ipu-welcomes-human-rights-efforts-uzbek-parliament>

²⁰ Қаранг: “Дунё” АА, 2020 йил 5 февраль / https://dunyo.info/cyrl/site/inner/akmal_saidov_parlamentlararo_ittifoq_izhroiya_qomitasi_raisi_orinbosari_etib_tayinlandi-oj0.

²¹ Қаранг: Тураев Д. Халқаро майдонда миллий манфаатлар кафолати // Халқ сўзи. 2020 йил 11 июнь, № 123 (7625).

ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИ-РАМЗЛАР НАЗАРИЯСИ ВА НЕОПОЗИТИВИЗМ: УМУМИЙ ЖИҲАТЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР ТАФОВУТИ

Ўткир ОЧИЛОВ*

Аннотация. Мақолада ҳуқуқни ва ҳуқуқий воқеликларни тушунишда белги-рамзий (семиотик) ёндашув унинг Америка ва Европа анъаналари талқинида баён этилган, ҳуқуқ ва қонунчилик тўғрисидаги семиотик ва неопозитивистик ёндашувларнинг асосий ғоялари қиёсий ўрганилган, ҳуқуқнинг белгили-рамзий тузилиши тўғрисида муаллиф хулосалари тақдим этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий коммуникация, ҳуқуқий белги, ҳуқуқ рамзлари, ҳуқуқий матн, ҳуқуқий ҳулқ-атвор модели.

Аннотация. В статье изложен знако-символический (семиотический) подход к пониманию права и правовых явлений, его интерпретации в соответствии с американскими и европейскими правовыми традициями, сравнительно изучены основные идеи семиотического и неопозитивистского подходов о праве и законодательстве, представлены авторские выводы о знаково-символической структуре права.

Ключевые слова: правовая коммуникация, правовой знак, символы права, правовой текст, модель правового поведения.

Abstract. The article describes a sign-symbolic (semiotic) approach to understanding law and legal phenomena in the interpretation of its American and European traditions, comparatively studies the main ideas of semiotic and neo-positivistic approaches to law and legislation, presents the author's conclusions about the symbolic structure of law.

Keywords: legal communication, legal sign, symbols of law, legal text, model of legal behavior.

Бугунги кунда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самараси кўп жиҳатдан қонунлар мақсади, мазмунининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига қанчалик даражада тушунарли бўлиши билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида сўнгги тўрт йилда барча соҳаларда кенг қўллангани ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинган. Лекин уларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланишда муайян муаммолар мавжуд¹. Бу муаммолар нафақат амалий, балки назарий сабабларга ёки ҳуқуқий воқеликларнинг илмий талқинидаги бўшлиқларга ҳам бориб тақалади.

Узоқ давр давомида ҳуқуқшунослик фанида

нормативистик догмаларнинг яқка ҳукмронлиги ҳуқуқнинг кўп жиҳатли воқелик сифатидаги хусусиятларини атрофлича ўрганишга имкон бермади. Бунинг устига, “кейинги ўн йилликлар давомида фундаментал юридик фан билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида сезиларли узилиш юзага келди”². Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга ошаётган янгиланиш, очик жамият ва ошкораликни таъминлашга йўналтирилган ислохотлар ҳуқуқшунослик фанида қотиб қолган догмалар ҳукмронлигидан батамом қутулишга, ҳуқуқнинг турли жиҳатларини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш истиқболларини тадқиқ этишга, миллий ҳуқуқшунослик фанининг умумжаҳон фанига янада жадалроқ интеграция-

* Ўткир Очилов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси., 2020 йил 30 декабрь.

² Қаранг: Саидов А.Х. Давлат ва ҳуқуқ институти қандай бўлиши керак? // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 6 май.

сига, унинг ютуқларидан кенгрок фойдаланишга шарт-шароит яратди.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқнинг кам ўрганилган жиҳатларидан бири – бу унинг коммуникатив жиҳатидир. Ҳуқуқ қонун чиқарувчи ва фуқаролар, қонун чиқарувчи ва судьялар, қонун чиқарувчи ва бошқарувчилар, судья ва фуқаролар, шартнома тарафлари ўртасидаги ўзаро коммуникацияга асосланади³. Ҳуқуқнинг коммуникатив жиҳатини ҳуқуқий белги-рамзлар назарияси – юридик семиотика ўрганади. Юридик семиотика ўрганадиган муаммолар доирасига қонунларнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлишини таъминлаш муаммоси ҳам киради.

Юридик семиотиканинг ривожланишида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ҳуқуқшунослик фанида асосий мунозаралар майдонига айланган таҳлилий тадқиқотлар йўналишининг таъсири катта бўлган. Ҳуқуқий муаммолар ҳуқуқий тил хусусиятлари нуктаи назаридан тадқиқ этилиб, ҳуқуқшунослик фани тарихида ушбу ёндашувнинг ривожланиши “лингвистик бурилиш”, айрим адабиётларда “прагматик бурилиш”⁴ номини олган. Ҳуқуқшуносликда таҳлилий тадқиқотлар йўналишининг шаклланиши инглиз ҳуқуқшуноси, аналитик неопозитивизм асосчиси Герберт Харт номи билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳуқуқ табиатини ўрганишга бағишланган ҳар қандай тадқиқот Г.Харт ва унинг аппонентлари ўртасидаги баҳс-мунозара мазмунини таҳлилидан бошланади. Г.Харт неопозитивизм нуктаи назарида туриб эски позитивизм ва нормативизмни танқид қилди, табиий ҳуқуқ ва ҳуқуқий реализм ғоялари билан маълум қадар яқинлашди.

Г.Харт ҳуқуқ нормаларини бирламчи ва иккиламчи қоидаларга ажратди. Унинг фикрича, бирламчи қоидалар муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатни амалга оширишдан сақланишга кўрсатма берса, иккиламчи қоидалар янги бирламчи қоидаларни амалга киритадиган ўзгар-

тириш қоидалари, бирламчи қоидалар нуксонини тузатадиган тан олиш қоидалари ҳамда бирламчи қоидалар бузилганми ёки йўқлиги тўғрисида қарор чиқаришни белгилайдиган суд қоидаларига бўлинади. Агар бирламчи қоидалар инсон ҳақиқат-ҳаракатларига тааллуқли бўлса, иккиламчи қоидалар бирламчи қоидалар тўғрисидаги қоидалардир⁵. Г. Харт тан олиш қоидаларини бирламчи қоидаларнинг ҳақиқийлигини баҳолайдиган якуний мезонлар сифатида тақдим қилади⁶.

Г.Хартнинг асосий аппоненти америкалик ҳуқуқшунос Р.Дворкин ҳуқуқни уч турдаги стандартлар – стратегия, принцип ва норма сифатида тавсифлайди. Г.Харт ва Р.Дворкин ўртасидаги баҳс ҳуқуқий принципларнинг улар томонидан турлича таърифланишидан келиб чиқади: Г.Харт ёндашувига кўра, тан олиш қоидалари принципларни қамраб олади, Р.Дворкин принципларнинг тан олиш қоидалари таркибига киритилиши мумкинлигини рад этади. Г.Харт тан олиш қоидаларини қонунчилик ёки суд прецедентлари воситасида ўрнатилишини айтса, Р.Дворкин ҳуқуқ принципларининг келиб чиқиши қонунчилик ёки суд прецедентлари воситасида ўрнатилиши билан боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. “Г.Хартнинг фикрича, – ёзади Р.Дворкин, – ҳуқуқ нормаларининг катта қисми шунинг учун ҳам юридик кучга эгаки, улар маълум бир ваколатли орган, масалан, қонун чиқарувчи орган томонидан амалга киритилган. Аммо амалга киритилишнинг бундай мезони принципларга тўғри келмайди. Ҳуқуқий принциплар учун манба маълум бир орган томонидан амалга киритилиш эмас, балки ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик ўртасида уларни тушуниш шаклланиши билан боғлиқдир. Ҳуқуқ принципини ижтимоий тушуниш қанчалик барқарор бўлса, у шунчалик кучли бўлади”⁷. Шу вақтнинг ўзида Р.Дворкин “институционал тасдиқ” тушунчасини ишлатиб, буни принципларнинг қонунчилик ҳужжати муқаддимаси, алоҳида моддалари, парламент комиссияси маърузаси ва бошқа қонунчилик

³ Қаранг: Марк ван Хук. Право как коммуникация. – С.Петербург.: Издательский дом Санкт-Петербург. гос. ун-та, 2012. – С.20.

⁴ Қаранг: Честнов И.Л. Знаково-символическое бытие права после прагматического поворота // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спирidonовские чтения: мат. междунар. науч.-теор. конф. – С.Петербург.: ИВЭСЭП, 2013. – С. 61-62.

⁵ Қаранг: Харт Г. Понятие права. – С.Петербург.: Изд-во Санкт-Петербург. ун-та, 2007. – С.99.

⁶ Ўша жойда. – С.110.

⁷ Қаранг: Дворкин Р. О правах всерьез. – Москва: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004. – С.65-66.

хужжатлари ёки муайян суд ишларида ифодаланиши билан боғлайди⁸.

Юридик семиотика неопозитивизмни рад этмайди, лекин ундан фарқ қилиб, ҳуқуқнинг давлат иродасини ифодалаш жиҳатидан ташқари, ҳуқуқий воқеликни моделлаштириш ҳамда одамлар онги ва ҳулқ-атвориға тартибга солувчи таъсир кўрсатадиган маданий нормативлик жиҳатини ҳисобга олади⁹. Юридик семиотика ҳуқуқ сифатида ижтимоий муносабат иштирокчиларига ҳуқуқий ахборот етказишга хизмат қиладиган белги-рамзлар тизимини, ҳуқуқнинг белги-рамзлар билан ифодаланиши жараёнини ўрганади¹⁰.

Юридик семиотиканинг Америка ва Европа анъанаси бир-биридан фарқ қилади. Америка анъанаси ҳуқуқий прагматикаға (ҳуқуқни белгилар воситасида талқин қилишга) ва абдукцияға (асосли фараз воситасида янги ҳуқуқий ғояни кашф қилиш мантикий амалиға) асосланади. Америка анъанаси асосчиларидан бири Р. Кавельзон ҳуқуқни белги ва белги тизимлари воситасида амалга ошадиган ҳуқуқий ахборот алмашинуви жараёни сифатида тавсифлаб, ёзма ва ёзма бўлмаган белги тизимлари амал қилишини айтади. Унинг фикрича, барча ҳуқуқий ифода объектлари белгилар бўлиб, уларнинг функциялари ҳуқуқ матнининг мазмуни ва мақсадидан келиб чиқади¹¹. Унга кўра, ҳар бир янги ҳуқуқий белги талқини янги ҳуқуқий маъно яратади, ҳуқуқ матнининг ривожланиши янги ҳулосаға келиш бўйича давом этадиган ҳаракатларни, бундан келиб чиқиб юридик тафаккур қонуниятларини ўз ичига олади. Ҳуқуқий қарорға фақат силлогик ҳулоса чиқариш билан эмас, балки икки ва ундан ортиқ муқобил ҳулоса чиқаришга имкон берадиган мулоқот воситасида келинади. Ҳуқуқ ўзаро мулоқотда, тажриба алмашилиш жараёнида шаклланади. Бу мулоқот узлуксиз давом этиб, белгилар воситасида ҳуқуқий билимлар тўпланади¹².

Америка анъанаси доимий ижтимоий мулоқот воситасида янгиланиб борадиган қонунчилик ва янги ғоялар билан доимий тўлдирилиб, ривожландиган ҳуқуқий фан асосларини таклиф қилди.

Юридик семиотиканинг Европа анъанаси ҳуқуқий матнларда маъно қандай тузилиши билан кизиқиб, ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқ субъектларига узатиш унсурларини тадқиқ этади. Бу анъана асосчиларидан бири А. Греймасға кўра, жамият иродасига расмий хусусият бериш учун қонун чиқарувчи табиий тилдан олинган атамаларни қонун матниға киритади ва ҳуқуқ матнларининг ифода тузилишини шакллантиради. Ушбу ифода тузилиши ичида атама ва иборалар қатъийлик, бир маънолилиқ ва аниқлик хусусиятини олади. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий атама ва иборалар маъноси улар ифодаланган табиий тилдаги айни бир шаклдаги атамалар маъносидан фарқ қилади¹³. Ҳеч қайси бир ҳуқуқий атама ва ибора ўз-ўзидан норматив бўла олмайди ҳамда норматив ҳулосаларни тасдиқлай олмайди, атама ва иборалар фақат ҳуқуқ матни баёнида фойдаланилганида норматив ҳулосани тасдиқлай олади, фақат ҳуқуқ матниға киритилгандагина ҳуқуқий бўла олади¹⁴.

Юридик семиотика нуқтаи назарида ижтимоий мулоқот давомида ҳуқуқий белги-рамз тизимлари тўхтовсиз ривожланади, чунки жамият аъзоларининг ўзгараётган эҳтиёжларини қониқтириш учун жамиятдаги ҳуқуқий мақсад ва қадриятлар доимий равишда қайта баҳоланади, янги ҳулқ-атвор моделларига зарурат сезилади. Бу жараён узлуксиз давом этиб, ҳулқ-атвор моделлари, яъни ҳуқуқ доимий янгиланади.

Давлат қонун чиқарувчи сиймосида муайян ҳулқ-атвор моделиға бўлган эҳтиёжни ва унга нисбатан жамият иродасини аниқлаб, ҳулқ-атвор моделини ҳуқуқий матнда ифодалаш орқали унга ҳуқуқий шакл беради. Шаклланган ҳуқуқий ҳулқ-

⁸ Қаранг: Дворкин Р. О правах всерьез. — Москва: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004. — С.66.

⁹ Қаранг: Разуваев Н. В. Государство как предмет изучения юридической семиотики // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спирidonовские чтения: мат. междунар. науч.-теор. конф. — С.Петербург.: ИВЭСЭП, 2013. — С. 7-9.

¹⁰ Қаранг: Балинська О.М. Семиотика права: монографія. — Львів: ЛьвДУВС, 2013. — С. 57-63.

¹¹ Қаранг: Kelson R. The Law as a System of Signs. — New York: Plenum Press, 1988. — P.4-12.

¹² Ўша манба. — 46-б.

¹³ Қаранг: Саидов А., Ахмедов Г. Ўзбекча ҳуқуқий атама ва иборалар муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси, 1992, 3-сон. — 41—44-б.

¹⁴ Қаранг: Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. — London: Routledge and Kegan Paul, 1985. — P.300-301.

атвор моделлари тўғрисидаги ахборот ҳуқуқ белгилари воситасида ижтимоий муносабат субъектларига узатилади. Хулқ-атвор моделларининг жамият аъзолари учун умумтушунарли бўлиши¹⁵ ҳуқуқий атама ва ибораларнинг табиий тилдан олинганлиги билан таъминланади¹⁶.

Ҳуқуқ белгилари хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатиш воситаси ролини ўйнайди.

Ҳуқуқ белгилари бирлашиб ҳуқуқ матни мазмунини шакллантиради. Ҳуқуқ белгилари ҳуқуқ матни шаклидан келиб чиқиб ёзма ва ёзма бўлмаган шаклда бўлади. Ёзма ҳуқуқ матнларида ҳуқуқ белгилари алоҳида атама ва иборалар бирлашишидан ҳосил бўлган жумлалар кўринишида бўлса, ёзма бўлмаган ҳуқуқ матнларида ашёлар (давлат герби, байроғи, давлат хизмати кийими), тасвирлар (йўл ҳаракати белгилари), чироқли ёки овозли сигналлар (светофор ёки сирена), ҳаракатлар (қасамёд, суд маросимлари, мансабдор шахсларнинг ўзаро ҳурмат ишоралари) шаклида бўлади.

Юридик семиотика соҳасидаги тадқиқотларда, одатда, ҳуқуқ белгилари ва ҳуқуқий тил белгилари тушунчалари бир-биридан ажратилмайди¹⁷. Бизнинг фикримизча, бу икки тушунчани аралаштириб бўлмайди. Ҳуқуқ тили белгилари ҳуқуқ матнини тузишда фойдаланилган атама ва иборалардан иборат бўлса, ҳуқуқ белгилари ҳуқуқ матни таркибий қисмлари бўлиб, хулқ-атвор моделини ифодалайди.

Ч.Пирс таснифига асосланиб ҳуқуқ белгиларини функция жиҳатидан уч турга – нишона белги, ишора белги ва рамзларга ажратиш мумкин. Нишона белги, ишора белги ва рамзлар ҳуқуқий хулқ-атвор модели таркибий қисмларининг ифодаловчилари бўлиб хизмат қилади. Рамзлар хулқ-

атвор моделининг асосий ғояси, мақсади ва принципларини ифодалайди, уларда қонун чиқарувчининг иродаси ўз аксини топади. Нишона белгилар хулқ-атвор моделидаги асосий субъектнинг тавсифи ва функциясини ҳамда у эришишга интиладиган объектни кўрсатади. Ишора белгилар хулқ-атвор моделидаги асосий субъектнинг мақсадга эришиши учун шарт-шароит яратиш мажбурияти юкланган субъектларга ҳамда мақсадга эришишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектларга ишора қилади. Ҳуқуқ рамзлари хулқ-атвор моделининг ғояси, мақсади ва принципларини ифодалайди. Нишона ва ишора белгилар ҳуқуқ рамзлари атрофида бирлашади ва муайян хулқ-атвор модели тўғрисида тўлиқ ахборотни вужудга келтиради.

Ҳуқуқнинг юридик семиотика нуқтаи назаридан талқини қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қуйидаги йўналишларда аҳамиятга эга:

биринчидан, жамиятнинг ҳуқуқий тизими ва қонунчиликни узлуксиз ижтимоий мулоқот давомида доимий ривожланадиган воқелик сифатида қабул қилиш таклиф қилинади;

иккинчидан, қонунлар ижтимоий муносабат иштирокчилари тушунадиган тилда яратилган ва узатиладиган хулқ-атвор модели тўғрисидаги ахборот сифатида тақдим қилинади, қонунларни яратишда уларнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлиши нуқтаи назаридан ёндашилади;

учинчидан, қонунлар келиб чиқиш манбаи жиҳатидан ижтимоий маданиятга боғланадиган кадриятлар сифатига эга бўлади.

¹⁵ Қаранг: Саидов А.Х. Қонунлар халққа тушунарли бўлмоғи керак // "Қонун ҳимоясида", 2002. 6-сон. –7–8-б.

¹⁶ Қаранг: Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Адолат", 2001. –45–46-б.

¹⁷ Қаранг: Ковкель Н.Ф. Семиотика права: проблемы определения основных концептов и выбора парадигмы // Правоведение. – 2017. – № 4. – С.48-49.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Илхом ТУРҒУНОВ*

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда олиб борилган ислохотлар натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2017 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилиши, кейинчалик унинг таркиби, асосий вазифалари ва хизмат йўналишларининг тубдан янгиланиши ислохотларда белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга оширишга замин яратди.

Ўтган даврда Миллий гвардия тизи-мида амалга оширилган кенг кўламли ис-лохотлар давлат раҳбари, парламент пала-талари ва ҳукуматнинг диққат марказида-ги асосий масалалардан бири бўлиб келди. Бунда асосий эътибор:

- хизмат ва жанговар фаолиятга оид мустаҳкам қонунчилик базасини шакллан-тириш;
- объектлар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, бўлинмаларнинг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- таркибий ва ҳудудий бўлинмалар (ҳарбий қисм ва муассасалар) фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда янгилаш;
- куч-воситалардан жамоат тартиби-ни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мақ-садли фойдаланиш;

– шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя-сини кучайтириш орқали Миллий гвардия органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилди.

Биринчидан, 2018-2020 йилларда қабул қи-линг қонунлар асосида Миллий гвардия Ўзбе-кистон Республикасининг “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғри-сида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ва “Аҳолини табиий ва техноген хавфлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун-ларининг мустақил субъектига айланди.

Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодексларда “суриштирув, қўриқлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва санитария назорат бўлинмалари ваколатлари” бел-гиланди. Идоравий ёнғин хавфсизлиги ва транс-порт воситалари техник назорати хизматлари фао-лияти йўлга қўйилди.

Шахсий таркиб томонидан жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳа-сидаги вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимининг “қонуний талабларини бажаришдан бўйин товлаш” ва “хизмат бурчларини бажариш-ларига қаршилик кўрсатиш” учун жавобгарлик белгиланди.

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 30 та қонунига ва 9 та Кодексига, Прези-дентнинг 12 та ва Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қар-орига Миллий гвардия фаолияти билан боғлиқ бўл-ган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Миллий гвардия фаолияти билан боғлиқ бўлган 3 та қонун, давлат раҳбарининг 18

* Илхом Турғунов – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Юридик таъминлаш ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент.

та фармон ва қарорлари, ҳукуматнинг 5 та қарори ва 18 та фармойиши қабул қилинди. Миллий гвардия қўмондонининг 5 та буйруғи Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди ва бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Иккинчидан, хизмат ва жанговар фаолиятни сифатли ташкил этиш мақсадида, бир қатор маҳсус ҳарбий бўлинмалар, қўриқлаш хизмати ва жамоат тартибини сақлаш кучлари Ички ишлар ва Мудофаа вазирлигидан Миллий гвардия таркибига ўтказилди.

Жамоат хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширувчи Суриштирув бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Бошқарувни самарали йўлга қўйиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Миллий гвардиянинг бошқармалари ташкил этилди.

Жорий йилда Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага ўтказиш бўйича давлат раҳбарининг фармони қабул қилиниб, Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги вазифалари, ҳудудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланди.

Мазкур соҳадаги вазифалар ижроси юзасидан Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги билан Миллий гвардия ўртасида 10 дан ортиқ қўшма қарорлар имзоланди.

Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз ҳудуд» концепциялари ва «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ички ишлар органлари билан ҳамкорликда туну-кун 3 сменали патруллик хизмати ташкил этилди.

Бугунги кунда Миллий гвардия шахсий таркиби, жамоат тартибини сақлаш учун ташкил этилган патруллик йўналишларида (авто, пиёда, мото ва отлик) хизматни олиб бормоқда.

Шунингдек, фуқаролар гавжум бўладиган бозор, савдо ва кўнгилочар масканлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бошқа объектларга куч-воситалар жалб этилган, республика ҳудудида бўлиб ўтаётган оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлашга қўмаклашилмоқда.

Ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш мақсадида Ички ишлар

вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 20 апрелдаги “Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда жиноятларни жиловлашнинг янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари хизматга жалб қилинган.

Учинчидан, Миллий гвардия бўлинмаларининг янги инфратузилмалари яратилиб, уларни ривожлантириш мақсадида объектларда капитал таъмирлаш, янги бино-объектларни қуриш, ҳарбий хизматчилар учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли уйларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бўлинмалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий жанговар ва хизмат қуроллари, зирҳли ва автомобиль техникалари, муҳандислик воситалари сотиб олинди, шунингдек ҳарбий хизматчилар ва ходимлар янги намунадаги кийим-кечак ва анжомлар билан таъминланди.

Тўртинчидан, қўриқлаш хизматини кўрсатиш сифати оширилиб, қамраб олиниш даражаси кенгайтирилди. Хусусан, бугунги кунда қўриқланаётган объектлар сони 2017 йил якунига нисбатан 45.5 фоизга, қўриқловдаги хонадонлар сони эса 53.6 фоизга ошган.

Бешинчидан, фавкулудда ҳолатларда ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва фавкулудда вазиятларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида 2020 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашиш даврида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва карантин қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида рўй берган табиий офат, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида содир бўлган техноген вазият оқибатларини бартараф этиш ишларига Миллий гвардиянинг куч-воситалари жалб этилди.

Олтинчидан, Миллий гвардиянинг Фаҳрий қоровул бўлинмалари Давлат раҳбари иштирокида ўтказилган тадбир ва расмий маросимлар, шунингдек, чет давлатларнинг расмий вакиллари ва олий даражадаги хорижий делегацияни тантанали кутиб олиш-кузатиб қўйиш бўйича тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Еттинчидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва хорижий илғор тажрибани Миллий гвардия тизимларида жорий этиш мақсадида, кўплаб халқаро тадбирлар ташкил этилди.

Хусусан, Миллий гвардия делегациялари Россия, АҚШ, Хитой, Қозоғистон, Афғонистон, Бе-

ларусь Республикаси, Туркия, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия давлатларига ташриф буюрган бўлса, Ўзбекистонга Россия, АҚШ, Хитой, Қозғистон, Беларусь Республикаси, Туркия давлатлари делегациялари ташрифи уюштирилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Туркия жан-дармерияси, АҚШ махсус операциялар кучлари ва ХХРнинг Қуролланган Халқ милицияси билан ҳамкорликдаги махсус ўқув машғулоти ўтказилди.

Ўтган даврда, Миллий гвардия органлари бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар асосида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифаларни бажариш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келди.

Мазкур соҳадаги ислохотларнинг давоми сифатида 2020 йил 18 ноябрь кун Миллий гвардиянинг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилловчи ягона концептуал норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»¹ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фаолияти алоҳида қонун билан тартибга солиниши халқаро стандартларга ҳам мос келади. Европа Кенгаши Венеция Комиссиясининг «Ҳуқуқ устуворлигига риоя қилинишини баҳолаш учун назорат саволлари рўйхати»нинг 44 – 45-бандларида давлат органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилиши зарурлиги ифодаланган. Миллий гвардия фаолиятининг қонун билан тартибга солиниши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги рейтингини ҳам оширади.

“Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунда, Миллий гвардия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси суверенитетини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш каби концептуал ғоялар мужассамлашган.

Қонун 7 та боб, 54 та моддадан ташкил топган бўлиб, унинг 3-моддасида Миллий гвардиянинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиб, унга кўра Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини

таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус тури ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур нормада Миллий гвардиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида биринчи бўлиб жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан кўрикландирилган манфаатларини ҳимоя қилиш қайд этилган. Бу, ўз навбатида, қонун нормаларининг халқчил ва инсонпарварлигини англатади.

Қонунда Миллий гвардия фаолиятида қонунийликни таъминлашга катта эътибор қаратилиб, алоҳида 5-моддада қонунийлик принципи киритилган. Унга кўра, Миллий гвардия шахсий таркиби ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этиши ҳамда уларни бажариши шартлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 2-боби Миллий гвардия таркиби ва фаолиятини ташкиллаштиришга бағишланган бўлиб, ўз ичига 12-14-моддаларни камраб олган. Унда Миллий гвардиянинг тизими (12-модда), Миллий гвардиянинг бўйсунуши ва ҳисобдорлиги, шунингдек, Миллий гвардиянинг мансабдор шахсларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш (13-модда) ёритилган.

Қонуннинг 3-бобида Миллий гвардияда хизматни ўташ тартиби ва шартлари кўрсатилган бўлиб, унинг 15–25-моддаларида Миллий гвардияга хизматга қабул қилиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишдан бўшатиш, хизмат муддатини узайтириш, хизматга тиклаш тартиби, ҳарбий ва махсус унвонларни бериш каби масалалар аниқ ҳуқуқий тартибга солинган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси ва унинг бўлинмалари ходимларининг мақомига аниқлик киритилмаган эди. Бу, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини қўллашда турли чалкашликларга сабаб бўлар эди. Қонуннинг 16-моддасида Миллий гвардия ходимининг мақоми аниқ белгиланди.

Бизга маълумки, ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ўташи билан боғлиқ бир қатор масалалар “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Бироқ шу бугунги кунга қадар Миллий гвардия ходимларининг хизмат ўташ тартибини белгилайдиган қонун

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/5128310>.

даражасидаги ҳужжат йўқ эди. Мазкур қонуннинг 17-моддасида Миллий гвардия ходимлари томонидан хизматни ўташ тартиби аниқ ифодаланган.

Қонуннинг 4-боби Миллий гвардиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бўлиб, мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар Миллий гвардиянинг олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражада ифодаланган.

Хусусан, қонуннинг 27-моддасида фуқаролардан қонун ҳужжатларига риоя этишни, ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш каби ҳуқуқлар ифодаланган.

Қонуннинг 28-моддасида:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

– жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– ғайриҳуқуқий қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса излари сақланишини таъминлаш;

– жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларга тайёргарлик кўришга ҳамда уларни содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ва топиш чораларини кўриш каби мажбуриятлар белгиланган.

Қонуннинг 5-боби 28–32-моддаларни ўз ичига олган бўлиб, унда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус куч ва воситаларни, ўқотар қуролни қўллаш, улар томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби, шартлари ва чегаралари ёритилган. Эндиликда мазкур бобга мувофиқ, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воси-

таларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Бу боб жисмоний куч ишлатиш, махсус куч ва воситаларни, ўқотар қуролни қўллаш учун ҳарбий хизматчиларга нафақат ҳуқуқ беради, балки мажбурият ҳам юклайди, яъни зарур бўлганда мазкур воситаларни қўллаш кераклигини, шу билан бирга уларни қўллашнинг чегараларини, қўллаб бўлингандан сўнг ўрнатилган тартибда хабар бериш ва бошқа мажбуриятларни юклайди.

Қонуннинг 6-боби Миллий гвардия шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига бағишланган.

Мазкур бобнинг 37-моддасига мувофиқ, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари билан бир қаторда Миллий гвардиянинг ходимлари ҳам уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилганда белгиланган тартибда уй-жой майдони ва ер участкаси олиш, турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация олиш, қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш ва яқка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Умуман мазкур қонун Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан бир қаторда, ходимларига ҳам муайян имтиёзларни назарда тутган.

Қонуннинг 7-боби Яқунловчи қоидалардан иборат бўлиб, Миллий гвардиянинг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти, Миллий гвардиянинг рамзлари, Миллий гвардия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонунларга риоя этилиши устидан назорат масалалари ёритилган.

Қонуннинг қабул қилиниши бу аввало Миллий гвардия жамоасига масъулият юклайди. Уларнинг жавобгарлигини янада оширади.

Ушбу қонун нафақат Миллий гвардия фаолияти билан боғлиқ соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, балки мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Халқаро марказ ўз юрисдикциясига кирган масалалар юзасидан низоларни мустақил равишда ҳал этади (Конвенция 41-модда)⁴. Унинг юрисдикцияси моддий ва субъектив турлардан иборат бўлиб, моддий юрисдикция ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

- 1) ҳуқуқий тусдаги;
- 2) тўғридан-тўғри инвестиция муносабатлари.

К.Шроернинг фикрича, агар низо тарафи зарар етказиш ёки тиклаш каби ҳуқуқий ҳимоя чоралари кўрмоқчи бўлса ва томонларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари низога нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларига асосланса, низо ҳуқуқий деб ҳисобланади⁵. Халқаро марказнинг тўғридан-тўғри инвестиция муносабатлари бўйича юрисдикцияси конвенциядан келиб чиққан ҳолда, инвестиция тушунчасига бевосита боғлиқдир.

Халқаро марказнинг субъектив юрисдикциясида инвестициявий низолар 1965 йилги Вашингтон конвенциясининг иштирокчи аъзо-давлатлари ва хорижий мамлакатнинг жисмоний ва юридик шахси ўртасида юзага келадиган низолар вужудга келган пайтда низоларни ҳал этиш масаласида кўзга ташланади.

Халқаро марказга аъзо-давлатлар томонидан инвестициявий низоларнинг кўриб чиқиши бўйича ўз розилигини:

- инвестицияни ҳимоялашни қўллаб-қувватлаш бўйича икки томонлама шартномаларда (Bilateral Investment Treaty (BIT));
- инвестициявий шартномаларда;
- инвестицияларни ҳимоялашни қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама шартнома ва эркин савдо ҳудудлари тўғрисидаги келишувларда;
- инвестиция қабул қилувчи давлат-реципиентнинг инвестицияга оид қонунчилигида билдириб ўтади.

Инвестициявий низоларни Халқаро марказда ҳал этиш 1965 йилги Вашингтон конвенциясининг 3-4 боблари, шунингдек Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланган яраштирув ва арбитраж регламенти асосида амалга оширилади⁶.

Агар томонларнинг ҳамкорликни давом эттириш нияти бўлса, яраштирув инвестицион низо ҳал этишнинг мақбул усулидир. Томонлар тижорат муносабатларига тўхталган тақдирдагина арбитражга мурожаат қилишади. Яраштирув жараёни бошлани-

ши учун тарафлардан бири Инвестицияга оид низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказнинг Бош котиби номига ёзма шаклдаги ариза топшириши керак. Аризада низонинг предмети, томонлар ҳақида маълумотлар, томонларнинг яраштирув жараёнига розилиги ўз аксини топиши лозим. Аризанинг мазмуни Процедуралар қоидаларида батафсил ўз аксини топган (Rules of Procedure for the Institution of Conciliation and Arbitration proceedings (Institution rules))⁷. Агар томонлар 90 кун давомида воситачини танламасалар, Маъмурий кенгаш раиси томонидан тайинлов амалга оширилади. Агар ариза мавжуд талабларга мувофиқ ҳолда тўлдирилмаган бўлса, Бош котиб томонидан аризани янги шаклда тўлдиришга ёки тузатишга вақт берилади.

1965 йилги Вашингтон конвенциясига биноан, арбитраж жараёнларида арбитрлар низолашаётган томоннинг ёки давлатнинг жисмоний ва юридик шахслари бўлмасликлари талаб этилади. Халқаро марказ томонидан конвенцияга мувофиқ қабул қилинган арбитраж қарорини Вашингтон конвенциясига аъзо-давлатлар мажбурий деб билиши ҳамда қарорда кўзда тутилган молиявий мажбуриятларни бажариши керак.

1965 йилги Вашингтон конвенциясининг 42-моддаси 1-қисмига мувофиқ, Халқаро марказ томонларнинг келишувига биноан танлаган ҳуқуқлари бўйича низоларни ҳал этиш масаласини кўриб чиқади. Агарда томонларнинг ихтиёрий танловлари мавжуд бўлмаса, халқаро марказ томонидан инвестицион низо бўйича инвестицияни қабул қилувчи давлат-реципиентнинг ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Шунингдек, Халқаро марказ томонидан низоларни ҳал этишда халқаро-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий қоидалар ва концепциялар қўлланилади⁸.

Шунингдек, 1979 йилги Қўшимча протоколга мувофиқ, низолашаётган томон Конвенция аъзоси бўлмаса ҳам, халқаро марказга низо ҳал этиш ваколати берилди.

Инвестицияга оид низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ICSID) халқаро ҳуқуқнинг ноёб институти бўлиб, хорижий инвестицияларни қабул қилувчи давлат-реципиент билан келишмовчилик юзага келган тақдирда, хорижий инвесторлар

⁴ Федулов В.И. Международно-правовой механизм урегулирования инвестиционных споров. Вестник МГОУ. Серия «Юриспруденция». № 2/2011.

⁵ Schreuer H. Christoph. The ICSID Convention. A Commentary. – The United Kingdom: Cambridge University Press, 2001. – P.105.

⁶ Актуальные проблемы международного публичного и международного частного права: сб. науч. трудов. Вып. 8/БГУ; [редкол.: Е.В.Бабкина; Ю.А.Лепешков (отв. редакторы) и др.]. – Минск: БГУ, 2016. – С. 61-82.

⁷ Rules of Procedure for the Institution of Conciliation and Arbitration proceedings (Institution rules) // International Centre for Settlement of Investment Disputes [Electronic resource]. 2016. URL: <https://icsid.worldbank.org/ICSID/StaticFiles/basicdoc/partD.htm>.

⁸ Войтович С.А. Разграничение некоторых международно-правовых и гражданско-правовых аспектов в международном инвестиционном арбитраже // Закон. 2014. № 4. – С. 74–79.

учун “ҳимоя чизиғи” сифатида хизмат қилади⁹.

Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган салмоқли ўрнини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси 1965 йилги Вашингтон конвенциясини ратификация қилган. Бу тўғрисида Олий Кенгашнинг 1993 йил 7 майда “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор 1995 йил 25 августдан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инвестиция, инвестицион низоларга оид бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2018 йил 5 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом” ҳамда Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида кўплаб битим ва шартномаларни келтириб ўтиш мумкин.

Инвестицион низоларни ҳал этиш бўйича нормалар қонунчилигимизда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасида куйидагича ифодаланган:

“Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.

Музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солилмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал

қилиниши лозим.

Инвестициявий низоларни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий арбитраж шартин назарда тутилган бўлса, бундай низо халқаро арбитраж воситасида ҳал этилиши мумкин.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низони арбитраж йўли билан ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади”¹⁰.

Агар низони бундай йўл билан музокаралар бошлангандан сўнг олти ой мобайнида ҳал этиш имконияти бўлмаса, иккала Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг талабига кўра, низо Арбитраж судига кўриб чиқиш учун топширилади”, – дея қайд этилган¹¹.

Шунингдек, Ўзбекистон иштирок этган ва бугунги кунда иштирок этаётган низолар бир қанчани ташкил этиб, жумладан Инвестицияга оид низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ICSID) томонидан ҳал этилган “Romak” (Швейцария) – Ўзбекистон (2006 йил, Ўзбекистон фойдасига ҳал бўлган), “Metaktek” (Исроил) – Ўзбекистон ИИБ (2010 йил, аксарияти Ўзбекистон фойдасига ҳал бўлган), “Oksuz Gold” (Англия) – Ўзбекистон ИИБ (инвестор фойдасига ҳал бўлган), “Spenteks” (Нидерландия) – Ўзбекистон ИИБ (2013 йил, Ўзбекистон фойдасига ҳал бўлган), “Federal Elektrik Yarırim” (Туркия) – Ўзбекистон (2013 йил, инвестор фойдасига ҳал бўлган) ўртасидаги инвестициявий низоларни санаб ўтиш мумкин¹².

Хулоса қилиб айтганда, инвестициявий низоларнинг имкон қадар олдини олиш, инвестиция шартномаларини мукамал ҳолда тузишга эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Инвестицион низолар юзага келганда халқаро арбитраж марказлари Лондон, Нью-Йорк, Токио, Сингапур шаҳарларида жойлашганлиги сабабли томонлар учун ортиқча оворагарчиликлар, шунингдек сарф-харажатлар талаб этилиши ҳам юқоридаги фикрни исботлайди.

⁹ Никитиной А.А., Журавлёвой В.Э., Батурина В.Л. МЦУИС – линия защиты международных инвесторов. 2018. <https://cyberleninka.ru/article/n/mtsuis-liniya-zaschity-mezhdunarodnyh-investorov/viewer>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти: <https://www.lex.uz/docs/4664142>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси билан Испания қироллиги ўртасидаги 2003 йил 28 январда Мадридда имзоланган “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида”ги битим. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти: <https://lex.uz/docs/2087272>.

¹² Қаранг: <https://kun.uz/uz/news/2019/10/25/investorlar-bilan-sudlashuvlar-tarixiga-nazar-nizolardan-saqlanish-uchun-nimalarga-etibor-berish-kerak>.

ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Умиджон ҚОДИРОВ*

Аннотация. Мақолада давлатнинг ижтимоий функцияси тушунчаси, ижтимоий ҳимоянинг бугунги кундаги долзарблиги, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш шакллари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлатнинг ижтимоий функциясини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Таянч тушунчалар: ижтимоий функция, ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳа, ижтимоий шериклик.

Аннотация. В статье рассматривается понятие социальной функции государства, актуальность социальной защиты, социальной защиты граждан, формы социальной защиты, совершенствование социальной функции государства.

Ключевые слова: социальная функция, социальная политика, социальная сфера, социальное партнёрство.

Annotation. The article focuses on the concept of social function of the state, the current relevance of social protection, social protection of citizens, forms of social protection, as well as improving the social function of the state.

Key words: social function, social policy, social sphere, social partnership.

Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий функцияси масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Буни ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш, оила, уй-жой, таълим соҳаларида кузатиш мумкин. Ижтимоий соҳадаги масалаларга қарашларимиз аста-секинлик билан ўзгариб, аввалги тушунчалар ва ёндашувлар янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Жумладан, “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий шериклик” каби тушунчалар аввалгисидан фарқ қилиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни тобора кўпроқ ўзида акс эттирмоқда. Шу сабабли, ижтимоий сиёсат фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг фақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият бўлмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий функцияси доимий равишда долзарб бўлиб келган. Бу борада мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбе-

кистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратиб, унда “аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”¹ каби масалаларни илгари сурди.

Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, нафақат ижтимоий ҳимоя, унинг амалга оширилиш шакллари, ижтимоий ҳимоя-

* Умиджон Қодиров – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

нинг фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашдаги ўрни, балки унинг ҳуқуқий давлат барпо этиш концепцияси доирасидаги жиҳатларини такомиллаштириш ҳам ғоят муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатнинг ижтимоий функцияси ижтимоий жиҳатдан кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатишдангина иборат бўлмасдан, балки мамлакат ижтимоий инфратузилмасининг нормал фаолият юритишини таъминлаш, бу соҳада самарали давлат ва жамият бошқарувини амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай шароитларни таъминлаб бериш масалаларини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда.

Дарҳақиқат, ислохотларнинг дастлабки босқичида ижтимоий ҳимоя аҳолининг барча қатламларига нисбатан амалга оширилди. Бунда ойлик иш ҳақлари, пенсия ва стипендиялар оширилиб, аҳолига турли хил имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилди. Лекин ижтимоий ҳимоялашнинг мазкур тизимини амалга оширишда ўзига хос камчиликлар кўзга ташланиб, уни такомиллаштириш мақсадида умумий ижтимоий ҳимоядан табақаланган ҳолдаги манзилли ижтимоий ҳимояга ўтиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Бунда оила аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асоси сифатида белгиланиб, ижтимоий ёрдамни амалга оширишда маҳаллаларнинг – ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда давлат асосий функцияларини ўзидан соқит қилмасдан, аксинча, уларни рўёбга чиқаришда турли корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, хайрия фондлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагидан фойдаланади.

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги бошқарув асосан номарказлаштирилган тизимга ўтказилган бўлиб, мазкур тизим ҳар бир фуқаронинг ўзи яшаб турган жойидаги йиғинда олиб бориладиган ижтимоий ҳимояга эркин аралашувини таъминлайдиган тамойил асосига қурилган. Айниқса, бугунги кунда жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этиб, аҳолига турли хил ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатишда, нафақа ва бошқа хил моддий ёрдам турларини етказишда, ишсиз шахсларни иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Қо-

лаверса, давлатнинг бу борадаги айрим ваколатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши, биринчидан, мазкур тадбирларнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган тарзда олиб борилишига, иккинчидан, жамиятда инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга ёрдам бериб, бунда маҳаллаларнинг мавқеи янада ошишига замин бўлди.

Ижтимоий сиёсат давлат ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- ижтимоий зиддиятларни юмшатиш ёки бартараф этиш, жамиятдаги маълум бир мувоzanатга эришиш;
- иқтисодиёт ва маданиятни яхшилаш.

Ижтимоий масалалар ва уларнинг ҳал этилиши давлатимиз ўз олдига қўйган устувор вазифа эканлигининг мазмун-моҳияти ҳам айнан инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари олий қадрият эканлиги тамойили рўёбга чиқарилишига қаратилганлигида кўзга ташланади. Бунда айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қилинаётган ишлар, амалга оширилиб келинаётган кенг қамровли, йирик ҳажмдаги чора-тадбирларни ўзида акс эттирувчи давлат дастурлари диққатга сазовор.

Давлат ижтимоий функцияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши икки томонлама жараён билан тавсифланади. Бир томондан, давлат ривожланишининг юқори даражаларида ижтимоий функцияларнинг такомиллашиши, иккинчи томондан, ижтимоий функцияларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий функциялар билан бир қаторда мураккаб функционал тизимларга қўшилиши, давлатнинг барча функцияларини “ижтимоийлаштириш”га олиб келади.

Ижтимоий функция – бу давлатнинг ҳар бир киши учун муносиб яшаш шароитларини таъминлаш, шахсий ривожланиш учун тенг ва адолатли имкониятлар яратиш соҳасидаги фаолиятидир. Давлатнинг ижтимоий функцияси эса жамиятнинг ижтимоий соҳасидаги давлат сиёсати бўлиб, инсоннинг давлат томонидан таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимида ифода-

ланади. Шу сабабли таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларида давлат сиёсати олиб бориладиган ва ижтимоий эҳтиёжлар қондириладиган махсус муассаса-ташкilotлар фаолиятини такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Давлат соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича дастурларни молиялаштиради, хусусий соғлиқни сақлаш тизимини таомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради, инсон саломатлигини яхшилашга, жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришга ёрдам беради. Бугунги кунда пандемия шароитида аҳолининг саломатлигини сақлаш давлатнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Бу эса, ўз навбатида, давлат ижтимоий функцияси ҳозирги шароитда энг долзарб функциялардан бири эканлигидан далолат беради. Саломатлик инсониятнинг энг муҳим қадриятидир, у меҳнат фаолияти самарадорлигини ва инсонларнинг умр кўриш давомийлигини белгилайди, бу шахслар ижодий фаоллигининг қафолатидир.

Бу борада мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²ги фармонни имзолади. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 400 мингдан ортиқ оилаларга бир марталик ёрдам пуллари ажратилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг фикрига кўра, кўплаб касалликлар ижтимоий омиллар таъсирининг натижасидир ва инсоннинг соғлиғи оиланинг қанчалик соғлом турмуш кечириши билан бевосита боғлиқдир³.

Шунинг учун ҳозирги вақтда давлат таълим, фан, маданият ва фуқароларнинг соғлиғи соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда. Мазкур соҳаларда ижтимоий функция таълим, илмий муассасалар, шунингдек маданий муассасаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (молиявий, моддий, дастурий) шаклида амалга оширилади. Уларнинг ишини бошқариш ва ташкил этишга келсак, улар мустақилдир ва ўз фаолиятларида эркин ҳамда бунда давлатнинг аралашуви мумкин эмас.

Давлатнинг ижтимоий функцияси ривожланиши қонунчиликда ўз аксини топган ва бу орқали давлат ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Ҳозирги кунда давлатнинг ижтимоий функциясини такомиллаштириш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини ўрнатиш бўйича қабул қилинган қонунлар ижтимоий қўмаклашувчи таъсирчан тизимни ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий функцияси инсонлар учун бирлаштирувчи принципнинг ўзига хос вазифасини бажаради. Мазкур функция орқали ҳар бир шахснинг жамоат ишларига тегишлилиги ва иштироки таъкидланади. Ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлаш муаммоси давлатнинг мамлакат иқтисодиётини бошқаришдаги иштироки билан бевосита боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муносабатларнинг асосий тартибга солувчиси бозор қонунлари, жумладан талаб ва таклиф нисбати қонунидир. Ушбу қонунга мувофиқ товарлар ва хизматлар нархлари шакллантирилади ва пировардида мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси аниқланади. Айрим товарларга талабнинг пасайиши тадбиркорни маҳсулот сифатини яхшилашга, уларни ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга, янги, замонавий, юқори талабга эга маҳсулотлар яратиш, фан ва техника тараққиётини қўллаб-қувватлашга ундайди.

Давлат фаолиятида ижтимоий функцияни амалга ошириш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу орқали, биринчидан, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити яратилиб, фуқароларнинг тинчлиги таъминланади, иккинчидан, ишсизлар, кексалар, ногиронлиги бор шахслар, кўп болали оилалар, етим болалар, тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар, этник низолар бўлган тақдирда – қочоқлар ва мажбурий кўчирилганлар учун ижтимоий ҳимоя таъминланади, учинчидан жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик, шунингдек, шахсни ҳимоя қиладиган демократик тизим кучаяди. Бир сўз билан айтганда, давлатнинг ижтимоий соҳада муваффақиятли фаолият олиб бориши иқтисодий, сиёсий ва бошқа давлат функцияларини самарали амалга ошириш шартларидан бири ҳисобланади.

² Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 30 июль.

³ Жилская Л.В., Колоколцев В.А. Россия Федерацияси аҳолисининг соғлиғини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича давлатнинг ижтимоий функциясини амалга ошириш муаммолари // РФ ИИБ Санкт-Петербург университети хабарномаси. 2005. № 1.

Умуман олганда, давлат ижтимоий функциясининг асослари XIX асрнинг 90-йилларида Отто фон Бисмарк томонидан ўтказилган ислохотларда ўз аксини топган⁴. XIX асрда Германияда суғурта қонунлари қабул қилинди, касалликлар бўйича нафақа, иш жойида бахтсиз ҳодисалар учун нафақалар тайинланди. Дастлаб жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши унинг бой ва камбағалларга табақаланишига олиб келди. Яъни расмий равишда эълон қилинган тенглик жамиятда инқироз ва кескин ижтимоий низоларни келтириб чиқарди. Аста-секинлик билан қонун устуворлиги ижтимоий шахснинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, шахс эркин ривожланишининг расмий кафолатларини ижтимоий таъминотнинг моддий кафолатлари билан тўлдирар бошлади.

Ал-Форобий ҳам ўрта асрлардаги давлат ва унинг ижтимоий функциясини англашга алоҳида ҳисса қўшган. Унинг фикрича, давлат фаолиятининг мақсади ҳар бир инсоннинг бахтга эришишидир. Ал-Форобий “жамият” ва “давлат” тушунчаларини аниқлашга ҳаракат қилган. У давлат тузилиши ҳақидаги тасаввурларини намойиш этишда “шаҳар” тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, барча шаҳарларни аҳолининг ахлоқий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларида фарқ қиладиган “яхши хулқли” ва “нодон”га ажратади. Шунга кўра, Ал-Форобий учун идеал давлат бу юқори ахлоқий меъёрлар шахри бўлиб, унинг аҳолиси маънавий эҳтиёжларни қондириш, адолатга интилиш ва умумбашарий бахтга эришиш интилишлари билан ажралиб туради. Шундай қилиб, Ал-Форобийнинг фалсафий қарашлари аҳолининг тегишли ахлоқий хусусиятларини сақлаш ва “жоҳиллар” таъсиридан ҳимоя қилишдан иборат бўлган давлатнинг ижтимоий функциясини назарий жиҳатдан асослайди⁵.

Давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳимоя моддий ёрдам, маънавий қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар ва хизматлар, эҳтиёжманд фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга, улар ўзини ўзи таъминлаши учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиши керак. Мазкур тадбирлар маҳаллий бюджетлар,

шунингдек ижтимоий таъминот тизими томонидан анъанавий равишда амалга оширилмайдиган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Ижтимоий ҳимояни ягона талқин қилиш зарурати, шунингдек, улар тегишли қонунлар асосида амалга ошириладиганлиги билан изоҳланади.

Шу ўринда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги давлат, унинг органларининг ўрни, мавқеи масаласи, фуқаролик жамиятига ўтилган сари давлатнинг мазкур функцияси эволюцион тарзда, босқичма-босқич жамият зиммасига юклана бориши, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш жараёнида бу соҳадаги давлат органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги муаммоларини ҳал этишни талаб қилади.

Ижтимоий функцияни янада самарали амалга ошириш учун ижтимоий сиёсатнинг асосий устувор йўналишларига эътибор қаратиш лозим, хусусан:

- давлат ўз фуқароларининг ижтимоий ҳолати учун жавобгарлигини тан олиш;
- барча фуқароларга бепул таълим ва тиббий хизматларни кафолатлаш;
- энг кам иш ҳақи, стипендия ва нафақаларни яшашнинг ҳақиқий қийматига мувофиқлаштириш;
- давлат сектори ходимларига иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ўз вақтида тўланишини кафолатлаш;
- оммавий ишсизликнинг олдини олиш, бўшатиш ишчи кучларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- оила, оналик ва болалик, фахрийлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, давлат фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун турли хил чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Давлатнинг ижтимоий функцияси шахснинг ижтимоий ҳавфсизлигини, жамиятнинг барча аъзолари учун нормал яшаш шароитларини таъминлашга қаратилган.

⁴ Беспалова Л.Н. О проблеме социальной политики в Германии в XIX в. // Материалы XIX Международной научной студенческой конференции «Студент и научно-технический прогресс»: История. – Новосибирск: Новосиб. гос. ун-т, 2011. – С. 35-36.

⁵ Мамонкина А.А. Баркамол жамият лойиҳаси (шаҳар-давлат). Ал-Форобий // Юридик фан. 2014 йил. № 2. – 160-162-б.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЛОБАЛ ИНДИКАТОРЛАРИ

Санжар САИДОВ*

Аннотация. Илмий мақолада фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиш даражаларини ўлчовчи индикаторлар таҳлили берилган. Бундан ташқари, бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан қўлланиладиган, фуқаролик жамияти ва демократияни баҳолайдиган омиллар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, индикатор, демократия, баҳолаш мезони.

Аннотация. В научной статье представлен анализ показателей, измеряющих уровень сформированной и развития гражданского общества. В нем также исследуются факторы, используемые рядом международных организаций для оценки гражданского общества и демократии.

Ключевые слова: гражданское общества, индикаторы, демократия, критерий оценки.

Abstract. The scientific article presents an analysis of indicators that measure the level of formation and development of civil society. It also examines the factors used by a number of international organizations to assess civil society and democracy.

Key words: civil society, indicators, democracy, criterion.

Глобаллашган дунёда ҳар бир мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланиш жараёнлари авж олар экан, бу ўринда умуминсоний кадриятлар тизими ҳам барча мамлакатлар ижтимоий ҳаётига кириб бораверади. Бугунги кунда, умумэтироф этилган кадриятлар – демократия, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, очик бозор иқтисодиёти кабилар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида таҳлил қилиш кучайиб бормоқда. Шу ўринда фуқаролик жамияти ривожланиш даражасини ўлчаш омили эмпирик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Замонавий фанда бутун дунё бўйича ва ҳар бир мамлакат мисолида фуқаролик жамияти ва демократиянинг ривожланиш даражасини аниқловчи кўплаб кўрсаткич –

индекслар ишлаб чиқилган ва қўлланилиб келинмоқда. Индикатор – бу бутун тизим ҳақида ҳулоса чиқаришга имкон берадиган маълумотлар фрагменти ҳисобланиб, даврийлик жиҳатидан ижтимоий-сиёсий тараққиётни белгилаб берувчи омил, дея таърифлашимиз мумкин. Ҳар битта индикаторнинг динамикаси ўзига хос ёндашувга асосланиши лозим. Шунинг билан бирга, жамиятдаги мавжуд вазиятни “бир нигоҳ” билан баҳолашда индикаторларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Индекслар фуқаролик жамиятининг турли жабҳаларини қамраб олади: ҳаёт даражаси, аҳолининг саломатлиги ҳолати, эркинликлар даражаси, уларнинг давлат сиёсатига таъсири, мамлакатдаги сиёсий бошқарув ва сиёсий институтларга фуқароларнинг ишонч омили, ижтимоий секторнинг фаоллиги, фуқаролик ҳамда сиёсий иштирок даражаси, жамиятда ижтимоий капитал ривожи, сиёсий рақобат факторлари ва ҳ.к.

Ижтимоий тараққиёт индекслари турли ноаниқлик ва илмий башоратларга асосланса-да, улар асносида биз у ёки бу мамлакатнинг сиёсий

* Санжар Саидов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

ҳаёти, ижтимоий тараққиёти ва фуқаролик жамиятининг ҳолати бўйича қиёсий таҳлил қилиш имкониятига эга бўлаемиз.

Индекслар ҳисобини чиқаришда ва улар асосида амалий таклифлар ишлаб чиқишда эмпирик тадқиқотлар базаси асосида ташкил қилинадиган репрезентатив социологик сўровлар ёки экспертлар таҳлилий хулосалари катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари ижтимоий-сиёсий фанларда қўлланиладиган контент таҳлил, ивент таҳлил, моделлаштириш ва экстраполяция методларини қўллаш ҳам муҳимдир.

Бугунги кунда глобал миқёсда фуқаролик жамияти ва демократик тараққиётни таҳлил қиладиган бир қанча индекс ва кўрсаткичлар мавжуд.

“Фуқаролик жамияти индекси” (CIVICUS Civil Society Index).

Мазкур лойиҳа асосан фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролик фаоллигини самарали тадқиқ этиш мақсадида ташкил этилган. Мазкур индекс фуқаролик жамияти ўлчовининг тўрт жиҳатини таҳлил қилади, булар: фуқаролик жамиятининг структураси, шаклланган ва фаолият олиб бораётган фуқаролик жамиятининг ташқи муҳит билан алоқалари, фуқаролик жамияти институтлари асосини ташкил қиладиган ва улар ҳимоя қиладиган қадриятлар тизими, фуқаролик жамияти ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири¹.

Биринчи ўлчов индекси асосан мамлакатда нодавлат жамоат секторининг миқдор-сифат даражаси ва уларнинг фаоллиги, фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисмлари, бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги, фуқаролик жамияти институтлари тасарруфидаги ресурсларни қамраб олади.

Иккинчи ўлчов индексида фуқаролик жамияти институтлари илгари сурадиган ва тарғиб қиладиган қадриятлар, ғоя ва нормалар тизими, уларнинг мафкуравий қиёфаси намоён бўлади. Бундан ташқари, жамоат ташкилотлари ўртасидаги консенсус ва ўзаро ижтимоий шериклик факторларини таҳлил қилади.

Учинчи ўлчов бирлиги асосан мамлакатда фуқаролик жамияти фаолият юргизиши ва ривожланиши бўйича мавжуд бўлган ҳуқуқий, сиёсий ва социомаданий шарт-шароитлар омилига бағишланади. Бунда фуқаролик жамиятининг давлат, биз-

нес тузилмалари ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар билан алоқалар тизими қамраб олинади.

Тўртинчи ўлчов индикатори фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар ечимига реал таъсири ва иштирокини баҳолашга асосланади.

Юқоридаги ҳар бир параметр учун алоҳида индикаторлар ишлаб чиқилган. Улардан айримлари универсал ҳисобланса, бошқаларини қўллаш учун алоҳида ижтимоий ва маданий контекст талаб қилинади.

Фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганиш индекси – бу янги халқаро дастур ҳисобланиб, энг аввало мамлакатларга фуқаролик жамиятининг ҳолати, ривожланиш тенденцияларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш имкониятини яратиб беради. Охир-оқибат эса, фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганиш индексини фуқаролик жамияти тараққиёти дастурига қаратилган баҳолаш мезонлари комплекси сифатида қайд этиш мумкин.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиш даражасини тадқиқ этишда яна бир ўлчов сифатида **Нодавлат нотижорат ташкилотлари барқарорлик индекси**дан фойдаланилади. ННТлар барқарорлик индекси Эркинлик уйи, («Freedom House») халқаро ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у асосан ўрганилаётган мамлакатнинг нотижорат ва ноҳукумат секторининг ривожланиш даражасини акс эттиради².

Ноҳукумат ташкилотлари барқарорлик индекси фуқаролик жамияти ривожланиш даражасини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган 7 та гуруҳлашган кўрсаткичдан ташкил топган. Булар: ташкилотчилик салоҳияти, молиявий имкониятлар, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият (жамоатчилик манфаатларини илгари суриш имконияти), хизмат кўрсатиш даражаси, инфраструктура ва жамоатчилик ўртасидаги имидж каби омилларни қамраб олади.

Кўрсаткичлар асосан 1 дан 7 гача бўлган шкала асосида ўлчанади ва баҳоланади (1 – аъло даражадаги, 7 – энг салбий кўрсаткичлар). 1 дан 3 гача шкаладаги бўлган кўрсаткичлар ННТлар барқарорлигини ошириб боради, 4 – ўртача даража, яъни нейтрал кўрсаткич ва 5 дан 7 гача шкала эса ННТлар барқарорлиги ва ривожига тўсқинлик мавжудлигини билдиради.

¹ Қаранг: CIVICUS World Alliance: <http://Civics.org>.

² Қаранг: Freedom House: www.freedomhouse.org



Фуқаролик жамияти институтлари индекси эркинлик уйи, (Freedom House)

Бундан ташқари Эркинлик уйи («Freedom House») ташкилоти томонидан дунё бўйича инсон эркинликлари, ОАВларнинг мустақиллиги ва инсон учун яхши ҳаёт даражаларини таҳлил қиладиган индикаторлар ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур тадқиқотлар натижасида фуқаролик жамиятининг муҳим компонентлари ҳисобланган бир нечта омиллар доимий равишда ўрганилиб, рейтинглар чоп этиб борилади³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида фуқаролик жамияти ривожланишини тадқиқ қилишда яна бошқа ўлчов кўрсаткичлари ҳам қўлланилади, шулардан бири ВЦИОМ (Всероссийский центр изучения общественного мнения – Россия жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази) ҳисобланади. Марказ томонидан йил давомида ўтказиладиган ижтимоий тадқиқотлар, социологик сўровномалар ва экспресс-сўровлар малакатда фуқаролик жамияти ва ижтимоий вазиятни билишда жуда катта аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқотларда бевосита аҳолининг ижтимоий кайфиятини аниқлаш индикаторлари сифатида қуйидаги омиллар хизмат қилади:

1. Ҳаётдан розилик даражаси.
2. Ўз оиласининг моддий таъминланганлиги.
3. Бир йилдан кейин оиласи қандай яшашига ишончи.
4. Мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларга мослашувчанлиги.

Давлатда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга халқнинг муносабатини ўлчаш мезонлари сифатида қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

1. Мамлакат иқтисодий ҳаёти ва салоҳиятини баҳолаш.
2. Давлатдаги сиёсий ҳаёт ва жараёнларни баҳолаш.
3. Мамлакатдаги жараёнларнинг тўғри йўлдан бораётганига ишонч/ишончсизлик даражаси⁴.

Жамоатчилик фикрини ўрганувчи турли ташкилотлар ва таҳлил марказлари томонидан тараққиёт индексларини ҳисоблашда турли хилдаги методологик услублардан фойдаланиб келинади. Мазкур моделларни шакллантиришдан асосий мақсад жамиятдаги ижтимоий муҳитни, аҳолининг ижобий ва салбий кайфиятлар нисбатини аниқлашдан иборатдир. Бу эса ижтимоий кайфиятда шаклланган “оғрикли нукталар”ни топиш ва уларга аниқ “ташхис” қўйиш имониятини беради.

Швециянинг Гетеборг университети томонидан бир неча йилдан буён ўтказиб келинадиган “Демократия кўринишлари” (Varieties of Democracy (V-Dem)) лойиҳаси ҳам айнан дунёнинг турли минтақа ва мамлакатларида демократияни ўлчаш билан шуғулланадиган дастурлардан бири ҳисобланади. Лойиҳа ўз тадқиқот қўлами жиҳатидан жуда кенг

³ Freedom on the net 2011: A Global Assessment of Internet and Digital Media. April 18, 2011.

⁴ Елисеев С.М. Политическая социология: учебное пособие. – СПб.: “Нестор-История”, 2007. – С.54-55.

ҳисобланиб, ўзида дунёнинг турли давлатларида фаолият олиб боровчи 2500 дан ортиқ экспертларни бирлаштиради⁵.

Лойиҳа демократик ривожланишнинг турли даража ва сифат/миқдор ўсишларини тадқиқ этувчи ўзига хос 12 та ўлчов индикаторларидан ташкил топган. Булар: 1.Сайловлар; 2.Партиялар; 3.Тўғридан-тўғри (бевосита) демократия; 4.Ижроия ҳокимияти; 5.Қонун чиқарувчи ҳокимият; 6.Маслаҳатлашув; 7.Судлов ҳокимияти; 8.Фуқаро эркинликлари; 9.Суверенитет; 10.Фуқаролик жамияти; 11.Оммавий ахборот воситалари; 12.Сиёсий тенглик.

“Демократия кўринишлари” лойиҳаси доирасида дунёнинг 170 дан ортиқ давлатида турли олимлар, маслаҳатчилар ва экспертлар билан ҳамкорликда анкета сўровлари асосида ижтимоий тадқиқотлар ташкил қилинади. Унга кўра, ҳар битта эксперт ўзи яшаб турган мамлакатдаги демократиянинг даражаси бўйича саволномага жавоб бериши билан бирга, ихтиёрий танлов асосида қабул қилган бошқа бир давлат ижтимоий-сиёсий жараёнлари бўйича ҳам анкета саволномасига жавоб беради. Шу аснода лойиҳа томонидан экспертларнинг жавоблари киёсий таҳлил қилинади, турли мамлакатлардаги реал сиёсий ҳолат, демократия ва фуқаролик жамияти ривожланиш даражалари рейтинглари чиқарилади.

“Демократия кўринишлари” лойиҳаси ҳар йили бутун дунё бўйича демократиянинг тараққиёт тенденциялари, ривожланиш ёки инқироз ҳолатлари бўйича тадқиқот натижаларини эълон қилиб боради. Мазкур илмий-таҳлилий материаллар ва тавсияларни халқаро ташкилотлар, давлатлар, трансмиллий компания ва корпорациялар ҳамда бизнес сектори вакиллари ўз фаолиятларида қўлаб келадилар.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятига фуқаролар фаоллигисиз эришиб бўлмайди. Бугунги кунда, фуқаролар фаоллиги тушунчаси доимий равишда соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, дам олиш, фан-таълим, тарбия соҳалари билан бирга жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам кенг қўлланилади. Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар ёшлари орасида фуқаролар фаоллиги омили бутун жамиятда оммалашиб улгурган.

Жамият социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг фаоллик даражасини аниқлаш ҳамда мазкур факторнинг фуқаролик жамияти кури-

лишига таъсирини ўлчашда ҳам бир қанча индекслар ишлаб чиқилган. Шулардан бири бу **Анкет-Комиссия (Enquete-Kommission – Германия Федератив Республикаси парламенти томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар лойиҳаси)** ҳисобланади.

“Фуқаролар фаоллиги” атамасининг туб мазмун-моҳиятини Анкет-Комиссия қуйидагича изоҳлайди, “Фуқаролар фаоллиги – шахс ташаббускорлиги, интилишлари ва хатти-ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у ихтиёрий равишда амалга оширилади, моддий манфаатдорлик кўзланмайди, аммо ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган якка шахс ёки гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади”⁶.

“Фуқаролар фаоллиги” атамаси авваллари қўлланилган “ижтимоий фойдага қаратилган фаолият”, “ихтиёрий равишда амалга ошириладиган фаоллик”, “ўз ўзига ёрдам кўрсатиш” каби омилларни қамраб олган, қўлами ва маъноси жиҳатидан кенг бўлган тушунча ҳисобланади.

Бу шундай сермаъно ва серқирра тушунчаки, аксарият ҳолларда, у ҳақ тўланмайдиган фаолият тури, ихтиёрийликка асосланган шахс фаолияти, кўнгиллилик, бирор соҳада жонбозлик кўрсатиш, ўзгаларга бегараз ёрдам бериш, ННТларга аъзо бўлиш, норасмий фаолият юритиш ва ниҳоят фидойиликни англатади. Бундан ташқари у бошқа турли-туман эркин фаолият турларини ҳам англатиши мумкин⁷.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамиятини доимий равишда тадқиқ этиб бориш ва унинг тадрижий ривожини мониторинг қилиш амалиёти шаклланимуда. Бу борада “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва бошқа бир қанча илмий-тадқиқот марказларининг ўрни катта. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳалигача тадқиқотларда эскича ёндашув амалиётлари қўлланилмокда. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий ҳаётимизни тадқиқ этувчи аниқ, конструктив тамойилларга асосланган индикаторлар ишлаб чиқилмаган. Бу жараёнда эса дунё тажрибасини ўрганиш, халқаро илмий-таҳлилий марказлар андозасидаги ташкилотларни тузиш ва ижтимоий-сиёсий тадқиқотларга инновацион услубларни татиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

⁵ Varieties of Democracy: www.V-dem.org.

⁶ Enquete-Kommission “Zukunft des Bürgerschaftlichen Engagements”: Bürgerschaftliches Engagement: auf dem Weg in eine zukunftsfähige Bürgergesellschaft. Bericht. Deutscher Bundestag. Opladen: Leske+Budrich, 2002.

⁷ Сюзанна Ланг, Александра Хэртель, Михаэль Бюрш. “Гражданское общество и гражданская активность в России”. Фонд Фридриха Эберта. 2010 г.

ХАЛҚАРО ИНСТИТУЦИОНАЛ ҲАМКОРЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ

Отабек НАЙИМОВ*

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро институционал ҳамкорликнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳамда бу жараёнда парламентлараро институтларнинг таъсири ва аҳамияти очиқ берилган. Муаллиф парламентлараро бирлашмаларнинг глобал бошқарувдаги иштироки кенгайиб бораётганлиги ҳамда бу омил икки томонлама ва кўп томонлама парламент дипломатиясининг ривожланишига туртки бўлганлигини асослаб берган. Мақолада, шунингдек, сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг парламентлараро алоқалари изчил тарзда ривожланаётганлиги ҳамда институционаллашув тенденциясининг кучайиб бораётганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: институционал ҳамкорлик, парламент дипломатияси, халқаро парламент институтлари, парламентлараро ассамблеялар, парламентаризм.

Annotation. This article intends to examine the role of institutional cooperation in the system of contemporary international relations and the impact of international and regional parliamentary institutions in this process. The author underlines the increasing engagement of parliamentary structures in global governance and the significance of it in enhancing bilateral and multilateral parliamentary diplomacy. The gradual development of Uzbekistan's parliamentary contacts over the last years as well as the growing tendencies of institutionalization of parliamentary links is also covered in this article.

Key words: institutional cooperation, parliamentary diplomacy, international parliamentary institutions, parliamentary assemblies, parliamentary.

Аннотация. В данной статье исследуется роль институционального сотрудничества в системе современных международных отношений и влияние международных и региональных парламентских институтов на этот процесс. Автор подчеркивает растущее участие парламентских структур в глобальном управлении и значение развития двусторонней и многосторонней парламентской дипломатии. В статье также раскрывается последовательное развитие парламентских связей Узбекистана за последние годы, а также углубляющиеся тенденции институционализации парламентских контактов.

Ключевые слова: институциональное сотрудничество, парламентская дипломатия, международные парламентские институты, межпарламентские ассамблеи, парламентаризм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакат ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишлари бирма-бир санаб ўтилди. Улар орасида Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва

минтакавий тузилмалар билан яқин ҳамкорлигини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди¹.

Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Биринчидан, бугунги мураккаб пандемия шароитида халқаро институтларнинг ўрни ва ролини янада оширишга

* Отабек Найимов – Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

бўлган глобал эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Пандемияга қарши курашишда бутунжаҳон саъй-ҳаракатларни жипслаштириш, бу борада кимўзарлик ёки ўзаро рақобатдан кўра, олийжаноб инсонпарварлик ғояларига асосланган халқаро ҳамкорликка ўтиш БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига улкан масъулият юкломқда. Иккинчидан, коронавирус кенг тарқалиши оқибатида иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган халқларга молиявий кўмак кўрсатиш жаҳон молия институтларининг таъсирини кескин ошириб юборди. Учинчидан, сўнгги ўн йилликларда жаҳон сиёсатида инсон омилининг юксалиши халқаро алоқаларни демократлаштириш, дунё етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари кенг қамровли қарорлар қабул қилиш жараёнларида шаффофлик ва адолат тамойилларига риоя этишини таъминлаш борасидаги чақириқлар авж олмақда. Табиийки, бу омиллар халқаро институтлар, шу жумладан, Парламентлараро Иттифок, парламентларнинг кўп сонли ассамблеялари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг соф миллий парламентлардан таркиб топган халқаро ташкилотлар (Парламентлараро Иттифок, Ҳамдўстлик Парламент уюшмаси, Шимолий Европа мамлакатлари Парламентлараро Иттифоқи)дан ташқари, халқаро, ҳукуматлараро институтлар таркибида ҳам кўплаб парламент ассамблеялари вужудга кела бошлади. Бунинг ўзига хос тарихий сабаблари бор. Биринчидан, бу даврда Европа жамоатчилиги фикри халқаро сиёсатда очиклик ва шаффофлик мезонларининг таъминланишини талаб қила бошлади. Халқаро муносабатларга хос бўлган айнан мана шу “демократик бўшлиқ”ни парламентлараро институтлар муайян даражада тўлдириши керак бўлди. Иккинчидан, урушдан кейинги йилларда Европа давлатларида интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви ва авж олишида минтакавий парламентлараро ташкилотларнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Бунга Европа

Кенгаши Парламент Ассамблеяси (1949), Шимолий Иттифок (1952), Ғарбий Европа Иттифоқи Ассамблеяси (1954), НАТО Парламентлараро Ассамблеяси (1955), Бенилюкс Парламенти (1955) каби тузилмалар мисол бўла олади. Шунингдек, АСЕАН мамлакатлари Парламентлараро Ассамблеяси (AIPA), Лотин Америкаси Парламенти (Parlatino) ва Америка давлатлари Парламентлараро Конфедерацияси (COPA) каби тузилмалар ҳам иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳаларда минтакавий интеграцион жараёнларни чуқурлаштиришни мақсад қилиб олганди².

Сон ва сифат жиҳатидан ўсиб бораётган парламентлараро ассамблеялар ҳозирги даврга келиб “глобал институционал ҳамкорлик архитектурасининг ажралмас қисмига айланди”³. Бугунги кунда, модомики, бирор бир ташкилот таркибида парламент ассамблеяси мавжуд бўлмаса, бундай ташкилот демократик талабларга тўла мос келмаслиги ҳақида мулоҳазалар учраб турибди⁴. Натижада, Ғарбий Европадаги халқаро институтларнинг деярли барчасида ва дунё бўйлаб кўплаб ташкилотлар қошида бу каби ассамблеялар ташкил этилган. Ҳозирги кунга келиб халқаро парламент институтларининг умумий сони 100 дан ошиб кетди⁵. 1990 йилгача дунёда 40 та халқаро парламентлараро институтлар мавжуд бўлган бўлса, тўқсонинчи йилларда 51 та, 1999 йилдан ҳозирги кунга қадар эса 68 та янги бу каби тузилмалар ташкил этилди⁶. Мазкур ташкилотлар парламентаризм ва демократия принципларини тарғиб қилиш, умумжаҳон парламент кун тартибини мувофиқлаштириш ҳамда парламент дипломатиясини оммалаштиришда муҳим минбар вазифасини ўтамоқда.

Парламентлараро ташкилотлар кўп томонлама парламент дипломатиясининг ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Шу ўринда, айниқса, жаҳоннинг аксарият миллий парламентларини ўз атрофида бирлаштирган, дунё парламентарийларининг бош минбари дея эътироф этиладиган Парламентлараро Иттифокни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

² Kissling C. The Legal and Political Status of Parliamentary Institutions. Committee for a Democratic UN. Berlin, Germany, 2011; Klebes H. The Development of International Parliamentary Institutions.//Constitutional and Parliamentary Information. Association of Secretaries General of Parliaments. No.1591. – P.12-13.

³ Marschall S. European parliaments in transnational organizations: Parliamentary cooperation beyond the European Union. Paper was prepared for the conference “Fifty years of interparliamentary cooperation”, Bundesrat, Berlin, 2007. See: http://www.swp-berlin.org/fileadmin/contents/products/projekt_papiere/070829marschall_ks.pdf.

⁴ Мисол тариқасида, парламентарийлар ва ноҳукумат ташкилотларидан таркиб топган БМТ Парламент Ассамблеяси (БМТ ПА) халқаро уюшмаси 2007 йилдан буён турли хил тадбирлар ва конференциялар ташкил этиб кенг жамоатчилик эътиборини БМТ ПАни тузишга қаратиб келмоқда. Худди шундай, дунё парламентарийлари Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби қудратли молия институтлари қошида ҳам парламент компонентини ташкил этиш вақти келганлигини турли даражадаги учрашув ва конференцияларда бот-бот таъкидлаб келмоқдалар.

⁵ Kissling C. The Legal and Political Status of Parliamentary Institutions. Committee for a Democratic UN. Berlin, Germany, 2011; Klebes H. The Development of International Parliamentary Institutions.//Constitutional and Parliamentary Information. Association of Secretaries General of Parliaments. No.1591. – P.3.

⁶ Ўша ерда. 4-6.

Парламентлараро Иттифок 1889 йилда давлатлар ўртасида юзага келадиган низоларни тинч йўллар билан бартараф этиш ҳамда сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида тузилган парламентларнинг илк институционал бирлашмасидир.

Парламентлараро Иттифок низо ва зиддиятларни фақатгина сиёсий мулоқот воситасида ҳал этиш, демократия ва парламентаризм принципларини тарғиб қилиш, миллий парламентлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда тажриба алмашишда қўл келмоқда. Халқ ноиблари сифатида парламентарийлар, одатда, кескин сиёсий қарорлар ва ҳарбий чораларга қарши бўлишади; дипломатик воситаларга содиқлик уларнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Қайд этиш жоизки, узоқ йиллар мобайнида Парламентлараро Иттифок давлатлар ўртасидаги низоли вазиятларни тинч йўллар билан бартараф этишда миллий парламентлар ва ҳукуматларга ўзининг таклиф ва тавсияларини бериб келмоқда. Низолашаётган томонлар ўртасида бетараф арбитр вазифасини ўташ, ҳолис мулоқот минбари, ўзаро ишончни қарор топтириш ҳамда дипломатик масофани бартараф этишда Парламентлараро Иттифок шафелигидаги кўп томонлама дипломатиянинг ўзига хос ўрни бор.

Парламентлараро Иттифокнинг глобал бошқарув жараёнларидаги реал ўрни ва таъсирига оид танқидий ёки скептик қарашлар кенг тарқалган илмий ҳодисадир. Бироқ, биз унинг бир асрдан ортиқ тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Иттифокнинг халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, халқаро бошқарувнинг институцион асосларини яратиш ҳамда умумжаҳон ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисоллар талайгина. Масалан, Иттифок Гаагадаги Халқаро арбитраж судининг ташкил топиши (1899 йил), Иккинчи Гаага конференциясининг ташкил этилиши⁷, жаҳон урушлари оралиғида эса тинчлик ва қайта тиклаш масалалари, халқаро савдо, миллий озчиликлар ҳуқуқлари, оммавий қирғин қуролларини қисқартириш, мустамлакачилик муаммолари ҳамда халқаро ҳуқуқни ривожлантиришда ўзига хос ҳисса қўшган⁸. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳам мазкур Иттифок ўзининг халқаро муносабатлардаги дахлдорлигини йўқотгани йўқ; у айниқса инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда халқаро

ҳуқуқни ривожлантириш орқали дунёнинг ўзига хос “маънавий минбар”ларидан бирига айланди. “Совуқ уруш” йилларида эса АҚШ Конгресси ва социалистик лагерь парламентарийлари ўртасида у ёки бу даражада сиёсий мулоқотни сақлаб қолган ягона тузилма бу – Парламентлараро Иттифок эди⁹.

Совуқ урушнинг барҳам топиши ҳамда кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Парламентлараро Иттифок фаолиятида ҳам янги саҳифани очиб берди. Халқаро муносабатларда илиқликнинг юзага келиши кўплаб институтлар сингари Иттифокнинг ҳам сиёсий таъсири кучайишига олиб келди. Шу билан бирга, халқаро сиёсатнинг “парламент ўлчами” кучая борди. Одил ва демократик бошқарув, уруш ва тинчлик масалалари, глобал ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт, қисқача қилиб айтганда, янги дунё тартиботи масалаларидаги сиёсий баҳсу мунозараларда парламентарийлар тобора фаол иштирок эта бошлади. Ўз навбатида, Иттифокнинг БМТ билан ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб борди. БМТ томонидан илгари сурилган глобал тараққиёт дастурларидаги улкан мақсадларга эришишда Парламентлараро Иттифок ва миллий парламентларнинг ўрни ва роли алоҳида белгилаб қўйилди¹⁰. Муштарак кадрларга асосланган бу икки ташкилот ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши натижасида турли минбарлардан Парламентлараро Иттифокни БМТнинг парламент қаноти ўлароқ “иккинчи ассамблея”¹¹ сифатида ташкил этиш қабилидаги сиёсий даъволар қайта-қайта янграмоқда.

Парламентлараро Иттифок қудратли халқаро акторларнинг дунё халқлари ҳаётига дахлдор сиёсий, иқтисодий ва савдо музокараларида шаффофлик, демократия ва адолат тамойилларига амал қилиш, бу жараёнларда “парламент ўлчами”ни кучайтиришга интилиб келмоқда. Иттифокнинг йиллик анжуманлари фақатгина глобал муаммоларни муҳокама этиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Уларда, хусусан, қонун ижодкорлиги, вакиллик, назорат ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантириш каби масалаларда тажриба алмашилиб, айна соҳаларда ислохотларни чуқурлаштириш учун ҳукуматларга таклиф ва тавсиялар берилади.

Қайд этиш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро парламентлараро алоқалари изчил тарзда ривожланиб бормоқда. Бу тенденция икки то-

⁷ Иккинчи Гаага конференцияси 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушининг тугатилиши ҳамда тинчлик сулҳи имзоланишида ўз ҳиссасини қўшган.

⁸ Powell Christopher. The Inter-Parliamentary Union//Parliamentary Affairs. 1948, Vol.1, Iss.3. – P.61.

⁹ Sabic Zlatko. Building Democratic and Responsible Global Governance: The Role of International Parliamentary Institutions//Parliamentary Affairs. 2008, Vol.61, No.2. – P.267.

¹⁰ United Nations Millennium Declaration /http://www.un.org/millennium/declaration/ares552e.htm.

¹¹ Roche D. “The Case for a United Nations Parliamentary Assembly,” in Saul H. Mendlovitz and Barbara Walker (eds.): A Reader on Secondary Assembly and Parliamentary Proposals. Center for UN Reform Education. 2003.

монлама алоқалар билан бир қаторда, кўп томонлама институционал ҳамкорлик шаклида ҳам намоён бўлмоқда. 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик бўйича 9 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 28 тага етди, шундан 24 та гуруҳ Сенат билан биргаликда тузилди¹².

Шунингдек, 2017 йилда мамлакатимиз Парламентлараро Иттифокқа ўз аъзолигини қайта тиклади ҳамда унинг халқаро анжуманларида иштирок этиб келмоқда. Бу омил Ўзбекистоннинг халқаро институционал алоқаларини мустаҳкамлаш, унинг нуфузи ва таъсирини ошириш ҳамда парламент дипломатиясини жадаллаштиришда муҳим ўрин тутди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон минтақавий ва халқаро жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Очик ва дўстона руҳдаги ташқи сиёсат икки томонлама ва кўп томонлама дипломатиянинг ривожига, давлатимизнинг халқаро позицияси ва имиджига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Замонавий Ўзбекистон халқаро парламент мулоқоти, демократия ва инсон ҳуқуқлари йўналишларидаги халқаро жараёнларнинг четда турган томошабини эмас, балки уларнинг тобора фаол ва конструктив иштирокчисига айланиб бормоқда. Бунинг яққол далили Ўзбекистоннинг илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси этиб сайланганидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон парламенти ЕХХТ Парламент Ассамблеясига ҳам ўз аъзолигини қайта тиклади. 57 аъзо давлатнинг парламентларидан таркиб топган мазкур нуфузли ассамблея ишида тўлақонли иштирок этиш халқаро хавфсизлик, қурол-яроғларни назорат қилиш, терроризмга қарши кураш, ўзаро ишончни қарор топтириш, демократия ва инсон ҳуқуқлари каби жабҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратади. Шунингдек, Ўзбекистон 2018 йилда МДХ Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Қайд этиш жоизки, парламентлараро тузилмаларга аъзолик Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларимизни изчил илгари суриш ва ҳимоя қилиш, у ёки бу халқаро масалаларга нисбатан мамлакатимиз тутган сиёсий позицияни баён этиш, парламентаризм масалаларида тажриба алмашиш билан бир қаторда, миллий парламентимизнинг халқаро парламент клубидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси (ТуркПА) аъзо бўлиш истиқболлари кенг муҳокама қилинди. Парламентшунос мутахассис сифатида мамлакатимизнинг ТуркПАга аъзо бўлиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайман ва бу қарорнинг мақсадга мувофиқлигини қуйидагича асослаб бермоқчиман:

- ТуркПАга аъзолик Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар билан алоқаларига ижобий таъсир кўрсатади; келиб чиқиши, тили, дини ва маданияти муштарак бўлган аъзо давлатлар ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Зеро, Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим транспорт йўлакларидан бири, айнан, бизга нисбатан ғарбий йўналишда жойлашган Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия каби мамлакатлар ҳудудларидан ўтиб, улар билан изчил алоқалар олиб бориш Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларига тўла мос келади;

- Аъзо давлатлар билан сиёсий, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги алоқаларни юксалтириш, умумий хавф-хатарларга қарши курашдаги интилишларни мувофиқлаштириш, халқаро доирада бир-бирини дастаклаш ҳамда умумий ташаббусларни илгари суриш, туркий давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш, ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, парламентлараро муносабатлар, маданий-гуманитар, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда алоқаларни кенгайтиришни бугунги нотинч халқаро вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Парламентни халқаро актор сифатида тадқиқ этувчи олимлар С.Ставридис ва А.Маламудларнинг фикрига кўра парламентлараро бирлашмалар халқаро жараёнларга қуйидаги учта асосий йўналишларда иштирок этмоқда. Булар:

- Миллий парламентлар орқали ташқи сиёсатга таъсир этиш;
- Парламент дипломатияси деб аталувчи нисбатан янгича дипломатик алоқаларни ривожлантириш йўли билан;
- Вакиллик органи сифатида минтақавий ва халқаро парламентлараро ассамблеяларни тузиш ва уларнинг таъсирини кучайтириш орқали¹³.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи / <https://uz.uz/oz/politics/-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oli-20-01-2020>.

¹³ Malamud A., Stavridis S. Parliaments and parliamentarians as International actors. Ashgate Research Companion/<http://apps.eui.eu/Personal/Researchers/malamud/Ashgate-Malamud-Stavridis.pdf>.

Анъанавий жиҳатдан ташқи сиёсат фақатгина давлатларнинг (ижроия ҳокимияти) “томорқа”си сифатида қараб келинган бўлса, сўнгги пайтларда бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Ташқи сиёсат ва халқаро масалаларнинг парламент кун тартибидан кўпроқ ўрин олаётганлиги ҳамда энг кўп муҳокама­ларга сабаб бўлаётганлиги бугунги куннинг воқелигидир. Парламентлардаги энг кизгин мунозаралар иқтисодий ва савдо келишувлари, ташқи сиёсий битимлар, миграция, иқлим ўзгаришлари, му­до­фаа соҳасидаги шартномалар, хорижга қўшин жўнатиш, қу­рол-яроғ савдоси каби мавзулар атрофида кечмоқда. Ташқи сиёсат, хавфсизлик ва му­до­фаа каби ўта муҳим соҳаларда парламент аралашувининг кучайиб бориши парламентаризм ривожланган илғор демократик давлатларда “ижроия-қонунчилик” ҳокимиятлари ўртасида ўзига хос мувозанат сақлаш механизми­ни вужудга келтирди¹⁴. Яъни, ташқи сиёсий масалаларда давлатнинг етакчили­ки мавқеи эътироф этилади, бироқ парламентарийлар муҳим сиёсий ва хавфсизлик соҳасига оид келишувлар устидан парламент назорати ва текширу­вини янада кучайтиради. Бунга Евро­панинг кўплаб давлатларида, жумладан Франция Миллий ассамблеяси ва Британия парламентида шаклланган амалиётни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Глобаллашув шароитида ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги анъанавий чегараларнинг заифлашиб бориши парламентарийларни глобал миқёсда фикрлашга ундамоқда. Парламент дипломатияси дав­лат­лараро алоқаларни яхшилаш, халқлар манфаатларини ифода этиш, ҳу­ку­матларнинг халқаро фаолиятини текшириш ҳамда ҳу­ку­матлараро ташкилотларнинг демократик легитимлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида сиёсат саҳна­си­га чиқмоқда. Нидерландиялик олимлар Ф.Вейзглас ва Г.Бурларнинг фикрларига кўра, парламентарийлар, хоҳ якка тартибда бўлсин, хоҳ институт сифатида за­мо­на­ми­з­нинг кўп томонлама ёндашувни талаб қиладиган мураккаб муаммоларини бартараф этишда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ иштирок этиши талаб этилмоқда¹⁵. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда кўплаб давлатлар ўзининг сиёсий тизимида парламентаризм принципларини

мустаҳкам қарор топтириш, тизимли ва фаол парла­мент дипломатиясини йўлга қўйиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Парламентлараро ассамблеялар глобал бош­қарув жараёнларида шаффофлик ва демократия принцип­ларига риоя этиш, сиёсий, савдо-иқ­ти­содий ва му­до­фаа каби соҳалардаги давлатлараро келишувларни мунтазам текшириб бориш ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантиришда сал­моқли ҳисса қўшмоқда. Мазкур институтлар сони­нинг “ҳам бўйига, ҳам энига” ўсиб боришини за­мо­на­вий институционал ҳамкорликнинг феноменал ҳо­ди­саси сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ, шун­га қарамаддан, парламентлараро тузилмаларнинг халқаро институционал бошқарувдаги ўрни ва роли ҳамда парламент дипломатиясининг мазмун-моҳи­я­ти ва аҳамияти борасида илмий тадқиқотлар ан­ча­йин чекланган¹⁶. Мавжуд оз сонли илмий мақола ва қўлланмалар ҳам, асосан, баёнчилик хусусиятига эга. Шу боис, халқаро ташкилотлар тизимида пар­ла­ментлараро тузилмаларнинг тутган ўрни ва роли, улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва реал таъсири борасида илмий изланишлар олиб бориш долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, халқаро пар­ла­мент институтларининг жаҳон сиёсатидаги реал ўрни ва таъсири анчайин чекланганлиги ва улар фао­лиятининг кўп ҳолларда кенг жамоатчилик ва ОАВ­ларнинг диққат-эътиборидан четда қолаётганлигига қарамаддан, мазкур бирлашмалар халқаро бошқару­вининг “легитимлик манбаи”¹⁷ бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида, парламентлараро институтларнинг фаоллашуви халқаро институционал ҳамкорлик­нинг мазмун-моҳияти, даражаси ҳамда икки ва кўп томонлама парламент дипломатиясининг ривожла­нишига сезиларли таъсир кўрсатди. Сиёсий мулоқот ва парламент дипломатиясининг ўзига хос минбари бўлган мазкур тузилмалар халқаро бошқарувда адо­лат мезонларини таъминлаш, халқаро иқтисодий ва савдо келишувларида барча халқларнинг ман­фаат­ларини бирдек ҳимоя қилиш, низо ва зиддиятларни фақатгина сиёсий йўллар билан ҳал этиш каби юксак мақсадларга интилиб келмоқда.

¹⁴ Raunio Tapio, Wagner Wolfgang. Towards parliamentarisation of foreign and security policy? // West European Politics, 40. November, 2016. – P.9-10.

¹⁵ Weisglas F.W., Boer G. Parliamentary diplomacy // The Hague Journal of Diplomacy. 2007, No.2. – P.93-99.

¹⁶ Kissling C. The Legal and Political Status of Parliamentary Institutions. Committee for a Democratic UN. Berlin, Germany, 2011; Klebes H. The Development of International Parliamentary Institutions // Constitutional and Parliamentary Information. Association of Secretaries General of Parliaments. No.1591. – P.4-5; Verdoes A. Explaining the Emergence of International Parliamentary Institutions: The Case of the Benelux Interparliamentary Consultative Council // Parliamentary Affairs, 2019, Vol.73, Iss.2.- P.385-386.

¹⁷ Sabic Zlatko. Building Democratic and Responsible Global Governance: The Role of International Parliamentary Institutions // Parliamentary Affairs. 2008, Vol.61, No.2. – P.267-268.

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА КЎРСАТМАЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ МАСАЛАЛАРИ

Азизхон ПЎЛАТОВ*
Ҳусниддин КАМОЛОВ**

Аннотация. Мазкур мақолада сўроқ қилиш институтига оид жиноят-процессуал қоидалар ўрганилган. Шахсий далилларни суд томонидан текширишнинг долзарблигини кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари таҳлил қилинган. Одил судловни қўллаб-қувватлашда гувоҳ иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар асослаб берилган. Гувоҳлар кўрсатмаларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) институти жорий этиш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, исботлаш процесси, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, депонирование, суд тергови, дастлабки тергов.

Аннотация. В статье исследованы уголовно-процессуальные положения касающиеся института допроса. Анализируются позиции Пленума Верховного Суда Республики Узбекистана, касающиеся усиления непосредственности судебной проверки личных доказательств. Обосновывает предложения по совершенствованию действующего уголовно-процессуального законодательства, направленные на повышение эффективности участия свидетеля, содействующего правосудию. Предлагается введение института депонирования свидетельских показаний.

Ключевые слова: уголовный процесс; процесс доказывания; показания потерпевшего и свидетеля; депонирование; следственный судья; предварительное расследование.

Abstract. The article examines the criminal procedural provisions concerning the institution of interrogation. The positions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan concerning the strengthening of the immediacy of judicial verification of personal evidence are analyzed. The author substantiates proposals for improving the current criminal procedural legislation aimed at increasing the effectiveness of the participation of a witness who promotes justice. The introduction of the institution of deposition of evidence is proposed.

Key words: criminal procedure; evidence process; victim and witness testimony; deposit; investigating judge; preliminary investigation.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб

ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг мукаммаллиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-про-

* Азизхон Пўлатов – Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

** Ҳусниддин Камолов – Жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг раиси.

цессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан, “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғриси”даги фармон қабул қилинди². Ушбу фармонда суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш кўзда тутилди³.

Демак, бугунги кунда жиноят-процессда кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) масаласини ҳар томонлама ўрганиш ва гувоҳлик кўрсатувини бериш институти таркибидаги барча элементларни таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Шу ерда ўринли савол туғилади: нима учун суд-тергов фаолиятига депонированиени жорий қилиш фикри илгари сурилди? Ушбу саволга жавоб бериш учун жиноят-процессда юзага келадиган баъзи бир жиҳатларни эсга олиш ўринли. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда дуч келинадиган биринчи ҳолат гувоҳларнинг сўроқ қилиш учун қасамёдга келишини таъминлаш билан боғлиқ масаладир⁴. Судьялар шуни яхши биладиларки, кўпинча иш бўйича кўрсатмаси ҳал қилув қарорига боғлиқ бўлган муҳим ва асосий гувоҳлар у ёки бу сабабларга кўра судга келмайдилар. Албатта, бундай ҳолларда суд муҳокамани кейинга қолдиришга ва гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларга қақирув қоғозини қайта юборишга мажбур бўлади⁵. Аммо қақирув қоғозини қайта юбориш гу-

воҳнинг суд мажлисига келишини кафолатламайди. Албатта, ишни кўриб чиқаётган судья бундай ҳолларда процессуал тартибда мажбурлов чорасини қўллаш ва қақирилган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин⁶. Бироқ, суд ушбу чорани фақат қақирилган шахс судга узрли сабабларсиз келмаслиги аниқланганда қўллашга ҳақлидир. Судга қақирилганда келмаслик сабабини аниқлашга ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди.

Гарчи қонунда судланувчи, гувоҳлар, жабрланувчиларни белгиланган вақтда судга қақирилганда келишларини ҳамда уларнинг келишига тўсқинлик қиладиган узрли сабаблар (касаллиги, яқин қариндошларининг вафоти, табиий офатлар ва бошқа сабаблар) борлиги тўғрисида судга хабар беришлари шартлигини билсаларда, аммо амалиётда мазкур тартибга ҳамма ҳам амал қилмайди. Бунинг натижасида, суд тарафларни мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқаришга мажбур бўлади. Шунингдек, кўпинча суд қақирув қоғозини қақирилаётган шахснинг рўйхатдан ўтган жойига юборди, лекин қақирилаётган шахс кўчиб кетган ёки қўшнилари уни узоқ вақт давомида кўрмаган бўлишлари мумкин. Бундай ҳолларда, шахснинг судга келмаслик сабаби аниқ: яшаш манзили нотўғри кўрсатилганлиги ва шахс қақирув қоғозини олмаганлиги сабабли келмаганлиги аниқланади.

Натижада, қарор қабул қилишда суд иши учун муҳим бўлган кўрсатмалардан фойдаланиш имкони бўлмайди.

Амалиётда судьялар тобора кўпроқ бундай ишларга дуч келмоқдалар, яъни дастлабки тергов пайтида сўроқ қилинган шахслар, суд мажлисида кўрсатмаларини тасдиқламасликлари, буни турли сабаблар билан, шу жумладан тергов органларининг босими остида ёлғон кўрсатмалар берганликлари билан изоҳлайдилар. Албатта, суд ҳар доим ҳам буни ишончли текширишга қодир эмас, шунинг учун бундай шахсларнинг кўрсатмаларини баҳолашда қийинчиликка дуч келадилар. Бундан ташқари, депонирование инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

¹ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

² “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.

³ Ўша манба.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 441-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 418, 433-моддалар.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 30-боб.

Умуман олганда, депонирование (лот. *dēpōnō* ропо – “қўйиш”, “сақлаш” сўзидан олинган) бирон бир нарсани сақлашни ташкил қилишни англатади.

Айнан шу маънода у асосан ишлатилади, аммо кўриб чиқиладиган атама бошқа таърифларга эга, уларнинг орасида энг кенг тарқалгани: 1) нарса ва ҳужжатларни сейфли (хавфсиз) сақлаш; 2) турли халқаро шартномаларни сақлашга ўтказиш тартиби⁷.

С.И. Ожегов изоҳли луғатида, депонирование сақлаш учун бериш деган маънода келган⁸.

Жиноят-процессда кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) деганда, дастлабки тергов даврида, истисно ҳолларида олдиндан жиноят-процесси иштирокчиларини, судья томонидан сўроқ қилиниши тушунилади.

Рус олими А.Поповнинг фикрича, унинг тузилиши қуйидагиларни белгиладиган меъёрлардан иборат бўлиши зарур:

1) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишдан кўзланган мақсад;

2) дастлабки тергов жараёнида судья томонидан жиноят-процесси иштирокчисини сўроқ қилиш асослари ва шартлари;

3) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мумкин бўлган шахслар доираси;

4) қонун билан жиноят-процесси иштирокчисини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган судьяларнинг мақоми;

5) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ташаббуси тартиби;

6) дастлабки тергов жараёнида судья томонидан процесс иштирокчисини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати;

7) ушбу турдаги сўроқ қилишда иштирок этиши шарт бўлган мансабдор шахслар ва жиноят жараёни иштирокчилари доираси;

8) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш учун қақирилган шахснинг суд муҳокама-сига келмаслиги оқибатлари;

9) сўроқ ўтказиш жойи;

10) қонунда назарда тутилган ҳимояни талаб қиладиган шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари;

11) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда сўроқ қилиш тартиби;

12) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда қайд қилиш процессуал шакли;

13) кўрсатувни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда сақлаш усуллари;

14) жиноят ишини моҳиятан кўриб чиқишда кўрсатувларни эълон қилиш тартиби;

15) суд томонидан мустаҳкамлаб қўйилган кўрсатувларни суд мажлисида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари⁹.

Дастлабки тергов давомида шахсий далилларни депонирование қилишдан мақсад судда шахсни (гувоҳ, гумонланувчи, айбланувчи) сўроқ қилиш умуман имконсиз бўлган ҳолатларда ёки унинг кўрсатувларининг тўлиқлиги ва ишончлилигига таъсир этадиган ҳолатлар мавжуд бўлганда кўрсатув олишдан иборат.

Жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини депонирование қилиш учун тақдим этилган асосларни, жиноят процессуал назариясида умумий қабул қилинган икки гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин:

1) фактик асослар;

2) ҳуқуқий асослар.

Профессор С.А.Шейфернинг ўринли таъкидлашича, ҳуқуқий асослар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалардан зарурий далилий маълумотларни олиш имкониятини кўрсатувчи маълумотлардир¹⁰.

Депонирование учун фактик асослар бўлса, бунда судья ушбу далилларни процессуал тартибда тасдиқлаши лозим саналади¹¹.

Шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун ҳуқуқий асос – бу терговчининг тергов ўтказиш учун умумий ваколатлари мавжудлигидадир¹².

⁷ Темирбекова А.А. Судебное депонирование показаний в современном уголовном процессе // Международный журнал экспериментального образования. – 2019. – № 6. – С. 72-76.

⁸ Ожегов С.И. Словарь русского языка: 70000 слов/ Под ред. Н.Ю. Шведовой. -21-е изд., перераб. и доп. – М.: Рус. яз., 1989. – С.164.

⁹ А.А.Попов. Проблемы регламентации досудебного депонирование показаний в уголовном процессе. Пробелы в российском законодательстве.

¹⁰ Шейфер С. А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – С. 60.

¹¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.12.2020 г.) статья 217.

¹² Шейфер С. А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – С. 60.

Амалдаги ҳуқуқий тизимларда кўрсатувларни депонирование қилиш институти турли йўлларда қўллаш бўйича фикрлар мавжуд, кўпинча уни далилларни депонирование сақлашдан ажратмайдилар. Амалдаги ҳуқуқий тартибларга қуйидагилар киради:

1) иш бўйича далилларни аниқлаш учун суд-гача процедураларда кўрсатувларни депонирование қилиш;

2) судда улар билан танишиш мақсадида далилларни депонирование қилиш;

3) судда тақдим этишнинг (уларнинг қилиши) иложи йўқлиги сабабли кўрсатувларни далил сифатида мустаҳкамлаб қўйиш;

4) гувоҳ хавфсизлигини таъминлаш учун кўрсатувларни депонирование қилиш.

Агар суд амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, жабрланувчининг ёки гувоҳнинг дастлабки терговда берган кўрсатмалари фақат уларнинг ушбу кўрсатувлар билан суддаги кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда, шунингдек, жабрланувчи ёки гувоҳнинг судга қилиш имкониятини чекловчи сабаблар туфайли суд мажлисида қатнашмаган тақдирда эълон қилиниши мумкин. Судга қилишни истисно қилувчи ҳолатларга шахснинг вафотидан ташқари оғир ҳасталик, йирокда ва қўп чўзиладиган хизмат сафарида бўлиши, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетганда унинг турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда шахснинг судга қилиш истисно қилувчи ҳолат деб топиш тўғрисида қарор суд томонидан ушбу масалалар муҳокама қилингандан кейин қабул қилиниши кераклиги белгиланган¹³.

Судланувчининг (жабрланувчининг, гувоҳнинг) эълон қилинган кўрсатувлари суд томонидан суд тергови жараёнида текширилиши лозим.

Шунингдек, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шартли белгиланган¹⁴.

Шундан қилиб чиқиб, гувоҳ, жабрланувчининг, агар уларнинг судга келмаганлиги сабаблари аниқланмаган ёки улар судга узрсиз сабабга кўра келмаган бўлса, судда ўқиб эшиттирилган кўрсатув-

лари мақбул далил сифатида фойдаланилишига йўл қўйилмайди, башарти суд уларнинг судга қилиш таъминлаш юзасидан қонунда назарда тутилган чораларни кўрмаган, манфаатдор тараф эса уларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилишига эътироз билдирган бўлса (ЖПК 261, 262-моддалари). Мазкур қоида гувоҳ, жабрланувчини объектив сабабларга кўра (масалан, суд мажлисида сўроқ қилишга тўсқинлик қилувчи оғир касаллик, турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узок ёки номуайян муддатга чиқиб кетганлиги ва ҳ.к.) судга қилиш таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларга татбиқ этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган¹⁵.

Шуниси эътиборга лойиқки, кўрсатувларни депонирование қилиш институти бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш мазкур масалага турлича ёндашув мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 69¹-моддасига биноан, прокуратура, айбланувчи ёки ҳимоячи депонирование қилишни сўраб илтимоснома киритиши мумкин. Агар жиноят-процессининг предмети қасддан содир этилган жиноят бўлса ва унга нисбатан камида уч йилга озодликдан маҳрум этиш қамоқ жазосини қўллаш назарда тутилган бўлса, дастлабки тергов судьяси томонидан жиноят-процессидида гувоҳ бўлиб иштирок этаётган шахсни сўроқ қилишни сўраши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жиноят ишини кўриб чиқиш пайтида гувоҳни кейинчалик сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда ёки гувоҳга нисбатан ёлғон кўрсатма бериш таъсир ўтказиши мумкин деган хулосага келинса, суд томонидан илтимоснома қондирилади. Агар суд томонидан илтимоснома асоссиз деб топиб қарор қабул қилинса, бунда қарорда рад этиш сабаблари кўрсатилади ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам берилади. Суд аризани олгандан кейин беш кун ичида кўрсатувларни депонирование қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқади ва имкон қадар тезроқ сўроқ қилиш вақтини белгилайди, бу ҳақда прокуратурага ва ҳимоячига етказилади. Агарда сўроқ пайтида гувоҳнинг хавфсизлигига таҳдид солинса, прокуратура ёки гувоҳнинг илтимосномасига биноан гумон қилинувчи сўроққа чақирилмайди. Албатта, бундай тартиб иштирокчиларни чеклайди ва уларнинг ҳуқуқига таъсир қилади. Ушбу кодекснинг 291-моддасига биноан, суд босқи-

¹³ “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарори. 1997 йил 22 август, 12-сон.

¹⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

¹⁵ “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарори. 2018 йил 24 август, 24-сон.

чида иштирокчиларнинг илтимосномасига биноан суд гувоҳ томонидан илгари берилган кўрсатувларни далил сифатида қабул қилиши мумкин: агар гувоҳ вафот этган бўлса, суд ишларида гувоҳлик беришдан бош тортса, соғлиги сабабли гувоҳлик бера олмаса, қаердалигини аниқлашнинг имкони бўлмаса. Агар суд гувоҳнинг кўрсатмалари (депонирование) ишончилигига шубҳа қилса, бунда далилларни қабул қилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган¹⁶.

Қўшни Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 5-моддасида депонирование тушунчасига таъриф берилган. Жумладан, агар асос мавжуд бўлса, тергов судьяси томонидан, судгача бўлган процесс давомида тарафлардан бирининг илтимосига биноан гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатмаларини депонирование қилиш мумкин. Бу объектив сабабларга кўра суд жараёнида уларни кейинчалик сўроқ қилиш имконсиз бўлиб қолиши ёки гувоҳ ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш зурурлиги туфайли амалга оширилиши билан изоҳланиши айtilган¹⁷.

Ушбу кодекснинг 31-моддасига биноан депонирование қилиш ҳуқуқи тергов судьясига берилган. Депонирование шахсларнинг суд мажлисида иштирок этиш учун узрли сабабларга кўра қилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар ёхуд жиноят ишини кўриб чиқиш вақтида, яъни суд муҳокамаси даврида уларга психотравматик таъсир кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 198-моддасида жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини депонирование қилиш асослари ҳам кўрсатилган. Унга кўра, ҳимоячи ёки процесс иштирокчиларининг илтимосномасига кўра жиноят иши ҳолатлари ёки қилмишлар бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ судгача бўлган даврда тергов судьяси томонидан сўроқ қилиниши мумкин. Бунда ҳимоя ва процесс иштирокчилари депонирование қилиш илтимосномаси билан судга мурожаат қилишлари айtilган. Агар судгача суд мажлисида ёки муҳокамада ишни моҳиятан кўриб чиқиш пайтида жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш унинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлса; жабрланувчининг, гувоҳнинг оғир касаллиги билан боғлиқ объектив сабаблар бўлса; улар республикадан чиқиб кетиши ёки ундан ташқарида доимий яшаш жойига кетишига ишониш учун асос бўлса, бундай

жабрланувчи ёки гувоҳ терговчи, суриштирув органининг ваколатли мансабдор шахсининг илтимосига биноан тергов судьяси томонидан сўроқ қилиниши мумкин¹⁸.

Кўрсатувларни депонирование қилиш тўғрисидаги илтимоснома жиноят иши материаллари билан қўшиб судга юборилади. Ваколатли тергов судьяси уч кун ичида кўриб чиқади ва депонирование бўйича асосли қарор қабул қилади¹⁹.

Жабрланувчи ва гувоҳни тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш тартиби 200-моддада берилган бўлиб, унга кўра жабрланувчи ва гувоҳни суд муҳокамасида ёки жиноят иши юритилган жойда ёхуд оғир касал бўлган жойда (сайёр сўроқ) шахслар иштирокида сўроқ қилиш мумкинлиги белгиланган²⁰.

Ушбу кодекснинг 217-моддасида жабрланувчи ва гувоҳни тергов судьяси томонидан сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари берилган бўлиб, унинг мазмуни Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 5-моддасида кўрсатилган талаблар билан айнан бир хиллигини кўришимиз мумкин²¹. Фақат кўрсатувларни депонирование қилиш тўғрисидаги илтимоснома йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқирилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, вояга етмаганлар кўрсатувларини депонирование қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш мажбурий тартибда қондирилиши ҳамда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни суд мажлисига чақириш ва уларни сўроқ қилиш, агар уларнинг судга қадар иш юритиш босқичида кўрсатмалари тергов судьяси томонидан топширилган бўлса, суд мажлисига чақирмаслиги белгилаб қўйилган.

Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 109-моддасида кўзда тутилган гувоҳни сўроқ қилиш тартибига биноан, агар гувоҳ чет элга саёҳат қилгани ёки бошқа асосли сабабларга кўра суд мажлисида иштирок эта олмаслиқ ҳолатлари мавжуд бўлса, шунингдек гувоҳга аниқ хавф туғдириш хатарини камайтириш ёки бартараф этиш ёхуд гувоҳнинг жабрланувчи бўлиб қолмаслигига йўл қўймаслиқ учун прокурор гувоҳнинг тергов судьяси томонидан сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин.

Грузия Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасида гувоҳлар кўрсатмаларини депонирование қилиш ва уни масофадан туриб сўроқ қилиш тартиби берилган. Масалан, тергов пайтида гувоҳнинг депонирование кўрсатмаларини суд мажлисида

¹⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. Принят 12.02.2003. RT I 2003, 27, 166. Вступил в законную силу 01.07.2004.

¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года.

ошкора эшитиш мумкинлиги қайд этилган. Агарда гувоҳ вафот этиш эҳтимоли муносабати билан, унинг қардалиги номаълум бўлса ёки Грузияда бўлмаганида ёхуд судга тақдим этишнинг барча оқилона имкониятлари тугаган бўлса, унинг кўрсатмаларини – аудио ёки видео ёзувларни тинглашга, намойиш қилишга ушбу Кодекста белгиланган тартибда йўл қўйилиши белгиланган²².

Ушбу модданинг давомида, агар гувоҳни мажбурлаш, таҳдид қилиш, қўрқитиш ёки пора олишга кўндириш тўғрисида асосли тахмин мавжуд бўлса ва у берган кўрсатмаларда жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, томон гувоҳнинг кўрсатмаларини ошкора ўқиб эшитириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақлидир, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисмининг талабларига риоя қилмасдан, унинг кўрсатувларининг аудио ва видео ёзувларини тинглаш /намоиш қилиш/ лозим. Бироқ айблов ҳукмининг асослантириш қисми ушбу далилларга асосланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўрсатувларни депонирование қилиш институти Украина Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Хусусан, ушбу кодекснинг 214-моддасида судга қадар иш юритув белгиланган. Яъни терговчи, прокурор ариза берилгандан кейин 24 соатдан кечиктирмай, содир этилган жиноят тўғрисидаги ариза ёки у жиноят содир этилишини кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай манбаларни мустақил равишда аниқлагандан кейин Ягона реестрга киритиш ва терговни олиб боришга мажбурдир²³.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 225-моддасида суд мажлисида дастлабки тергов пайтида гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби берилган бўлиб, судга қадар тергов пайтида гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатмаларини олиш зарурати билан боғлиқ бўлган истисно ҳолатларда, агар гувоҳ ёки жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф бўлса, уларнинг оғир касаллиги ва бошқа ҳолатларда жиноят процесси иштирокчиси ёки юридик шахсларнинг вакиллари судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга.

Бунда гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш суд мажлисида суд жойлашган жойда ёки бемор гувоҳнинг, жабрланувчининг жойлашган жойида жи-

ноят-процесси иштирокчиларининг иштирокида, суд жараёнида сўроқ қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, судга қадар тергов пайтида жабр кўрган жабрланувчи, оғир касал бўлган гувоҳни сўроқ қилиш сайёр суд ўтказилиши йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, депонирование учун умумий асос сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) гувоҳ ёки жабрланувчининг оғир аҳволдалиги ёки касаллиги – Украина 225-модда, 1 қисм; Эстония 691-модда, 2 қисм;

2) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли (хавфсизлик чораларини қўлаганида) – Молдова 109-модда, 3 қисм; Грузия 114-модда, 1 қисм “г” банди;

3) гувоҳни чет элга кетиши ёки бошқа давлат ҳудудида доимий равишда яшаши – Қозоғистон 217-модда, 1 қисм; Молдова 109-модда, 3 қисм;

4) гувоҳ ёки жабрланувчига ёлғон кўрсатма бериш учун таъсир ўтказиш имконияти вужудга келиши – Эстония 691-модда, 2 қисм;

5) 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган гувоҳни жинсий жиноятлар, болалар савдоси ёки оилавий зўравонлик жиноятларидаги психотравматик таъсирларни истисно қилиш учун сўроқ қилишни мажбурий тартибда кўриб чиқиш; Қозоғистон 217-модда, 1 қисм;

6) суд мажлисида сўроқ қилишга тўсқинлик қилувчи оғир касаллик, турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узоқ ёки номуайян муддатга чиқиб кетиши, яъни кўп чўзиладиган хизмат сифарида бўлиши, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетганда унинг турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши – Ўзбекистон (суд амалиёти).

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш лозим:

биринчидан, мамлакатимиз қонунчилигига жиноят-процессида кўрсатувларни депонирование қилиш муддатларини киритиш лозим. Бу жиноят-процессини олиб боровчи шахсларнинг фаолиятини тартибга солади, одил судловни таъминлашга ҳисса

¹⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года. Статья. 198.

¹⁹ Ўша манба. 199-модда.

²⁰ Ўша манба. 200-модда.

²¹ Ўша манба. 217-модда.

қўшади, иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, ЖПКнинг 53-моддасига мувофиқ ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари берилиб, унга қўра ҳимоячи ЖПКнинг 87-моддасига биноан далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда қўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги айtilган²². Бироқ, ЖПК маълум бир шахснинг ҳимоячиси томонидан сўровлар, тушунтиришларни рўйхатдан ўтказишнинг процессуал шаклини ўрнатмаган. Демак, ҳимоячи сўров ўтказиши, тушунтиришлар олиши мумкин. Аммо бундай сўров натижаларини қайд этган ҳужжат амалда далил бўлиб ҳисобланмайди, бунинг учун ҳимоячи процессуал тартибда судга қадар иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга илтимоснома киритиш тўғрисида мурожаат қилиши керак бўлади. Бизнинг фикримизча, ҳимоячи ташаббуси билан кўрсатувларни депонирование қилиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ. Шунингдек ҳимоячи томонидан олинган фактларни процессуаллаштиришнинг мушарраф усули сифатида қаралиши тўғри деб ўйлаймиз.

учинчидан, жабрланувчи ва ҳар қандай гувоҳларга нисбатан таҳдид кўрсатиш ҳоллари мавжуд бўлгандагина (хавфсизлик нуқтаи назаридан, яъни соғлиги, ҳаёти, мол-мулкига, яқин кишиларга таҳдид ёхуд бошқа зарурий ҳолларда), кўрсатувларини депонирование қилиш тўғрисида илтимосномани кўриш;

тўртинчидан, кўрсатувларни депонирование қилиш бўйича суд босқичи доирасида олинган фактларгина далил сифатида қабул қилиниши лозим. Ушбу ҳолат унга ишнинг фактик томонини аниқлашга ва жиноят қонунларини қўллашга имкон беради;

бешинчидан, томонлар баённома нусхасини, аудио-видео ёзув материалларини олиш ва баённомага ўзларининг эътирозлари, илтимосномаларини бериш ҳуқуқига эга бўлишлари ва бу эътироз ва илтимосномаларни суд дарҳол қабул қилиши ва тегишли қарорлар чиқариши лозим;

еттинчидан, кўрсатувларни депонирование қилишда гувоҳ ёки жабрланувчини ёлгон кўрсатма берганлиги учун огоҳлантириш ва бу жавобгарликка тортишга сабаб бўлишини тушунтириш;

саккизинчидан, вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини депонирование қилишни кечиктирмаслик;

тўққизинчидан, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатувларини депонирование қилиш процессуал механизмини ишлаб чиқиш;

ўнинчидан, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатувларини депонирование қилишда тарафларнинг ҳуқуқларини чекламаслик;

ўн биринчидан, кўрсатувларни депонирование қилиш юзасидан судьянинг ваколатларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

²² Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. 9 октября 2009 года № 1772-III.

²³ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. от 13.04.2012 № 4651-VI.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

ЎРТА АСРЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИДА МУҲТАСИБНИНГ ЎРНИ

Шерзод ЗОКИРОВ*

Аннотация. Мазкур мақола ўрта асрларда инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган муҳтасиб институтининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихига бағишланган. Ушбу институтнинг шаклланиши, тарихий ривожланиб бориши, турли сулолалар даврида ваколатларининг кенгайиб бориши турли мисоллар билан ёритиб берилган. Ўрта асрларда муҳтасиб институтининг инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим лавозимлардан бири бўлганлиги асосланган.

Калит сўзлар: муҳтасиб, инсон ҳуқуқлари, мурожаат, шариат қоидалари, назорат.

Аннотация. Статья посвящена истории возникновения и развития института мухтасиба, сыгравшего важную роль в обеспечении прав человека в средние века. Становление этого института, его историческое развитие, расширение его полномочий в разных династиях иллюстрируется различными примерами, основанными на обращениях граждан. В средние века упоминалось, что институт мухтасиба был одной из важных позиций в обеспечении прав человека.

Ключевые слова: мухтасиб, права человека, обращение, нормы шариата, надзор.

Abstract. The article is devoted to the history of the emergence and development of the muhtasib institute, which played an important role in ensuring human rights in the Middle Ages. The formation of this institution, its historical development, and the expansion of its powers in different dynasties are illustrated by various examples based on the appeals of citizens. In the Middle Ages, it was mentioned that the muhtasib institute was one of the important positions in ensuring human rights.

Keywords: muhtasib, human rights, appeal, Sharia law, supervision.

Ҳуқуқшуносликда “муҳтасиб институти” атамасининг пайдо бўлиши ислом дини билан боғлиқ. Хусусан, ушбу институт Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг даврида бўлган бир воқеа сабабли вужудга келганлиги профессор Г.Р.Маликова¹ ҳамда академик И.Б.Бўриевлар² томонидан таъкидланган. Бошқа гуруҳ олимлар эса бу институтнинг ҳалифа Умар (р.а) даврида пайдо бўлганли-

гини келтириб ўтишган³.

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в) Мадина шаҳри бозорларидан бирига борганларида, чиройли коса ва унинг ичидаги буғдойни кўрганлар. Қўлларини косанинг ичига тикиб, унинг ичидан бир ҳовуч чирган буғдойни чиқариб сотувчидан сўраганлар: “Бу нима?” Сотувчи: “Ёмғир туфайли шундай бўлди”, деб жавоб берган.

* Шерзод Зокиров – Бош прокуратура Академияси докторанти.

¹ Маликова Г.Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: «Восток — дело тонкое» // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2020. № 4. — С.80.

² Буриев И.Б. Контроль за должным поведением и институт мухтасиба в средневековой государственности таджиков // Труды Института государства и права Российской академии наук. 2009. № 4. — С.141.

³ Раджабов К., Кандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. — Тошкент, 2015. — 102-б.

Пайғамбар алайҳиссалом: “Нима учун косанинг устига энг яхши бугдой намуналарини, унинг ичига эса ёмонларини беркитиб қўйдингиз? Муслмонлар орасида ҳеч қандай ёлғон бўлмаслиги керак. Ким муслмон биродарини алдаса, у муслмон эмас”, деб айтдилар⁴.

Бу воқеадан сўнг Расулulloҳ (с.а.в) дарҳол Мадина бозорига масъул назоратчини (мухтасиб) тайинладилар. Макка фатҳидан сўнг эса Пайғамбар (с.а.в) Саййид ибн Ос ибн Умайни бу шаҳарнинг нозири (мухтасиб) этиб тайинладилар⁵.

Муҳаммад (с.а.в) пайғамбардан сўнг ҳукмронлик қилган халифалар даврида мухтасибнинг ваколатлари кенгая борди. Хусусан, халифа Умар (р.а.) даврида мухтасиблар инсон ҳукуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкӣ, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солиш ҳамда шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал этиш ваколатларига эга бўлган⁶. Мухтасибнинг асосий вазифаси фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш, низолашайтган томонларнинг масаласини адолатли ҳал этиш, одамларни яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш бўлган.

Мазкур институтга Аббосийлар сулоласи халифалари даврида “хисба” ёки “мухтасиб” сифатида ном берилган. Иккинчи Аббосий халифа, Бағдод шаҳрининг асосчиси Абуҷафар Мансур Бағдод шаҳрида кўплаб бозорлар қуриб, ушбу бозорларда тартиб ўрнатиш учун мухтасибларни тайинлаган⁷.

Бу даврда бозорларда тартиб-интизом ва назоратни таъминлаш мухтасибларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланган.

IX — XII асрларда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихида, бу ҳудудда кучли марказлашган давлат қуришга муваффақ бўлган бир қатор сулолалар, яъни Сомонийлар ва Ғазнавийлар даврига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ушбу сулолалар ҳукмронлик даври мухтасиб институтининг ривожланиши, ваколатлари кенгайиши, аҳолининг шикоятларига бўлган эътиборнинг алоҳида аҳами-

ят касб этиб, ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб турган.

Сомонийлар марказлашган давлат тузиб, жамиятни бошқаришда муҳим роль ўйнаган мухтасиб лавозимини жорий этганлар. Сомонийлар даврида мухтасибнинг ваколат доираси кенгайиб, махсулот тайёрлаш усуллари ва уларнинг сифати ва нархлар устидан анъанавий назоратни амалга ошира бошлаган. Шу туфайли мухтасибга қўйиладиган талаблар кучайган. Яъни ўзининг ахлоқӣ ва диний бурчига мувофиқ ҳаракат қилувчи, юксак фазилатли, ҳалол инсон бўлиши талаб этилган⁸.

Мухтасиб институтини ўрганган бир қатор олимлар, жумладан А.Холиқов⁹ ва И.Петрушевскийлар¹⁰ Сомонийлар давлатида мухтасиб лавозимини эгаллаган шахслар давлатнинг барча вилоят ва шаҳарларида тайинланганлигини, ушбу лавозимни эгаллаган шахсларга халқни ман этилган ишлар қилишдан тийиш, бозорларда текширишлар ўтказиш, айниқса, савдогарларнинг ўз махсулотларини сотишларида одамларни алдамасликлари учун оғирлик тошлари ва тарозидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш вазифалари топширилганлигини қайд этиб ўтганлар.

Мухтасиб шаҳар аҳолисининг масжидларга боришларини, аёлларнинг кўчаларда паранжисиз юрмасликлари, кўча ва бозорлардаги эркаклар билан гаплашмасликларини, турли тadbирлар, йиғилишлар бўладиган жойларни кузатиш, назорат қилиш билан ҳам шуғулланган. Мухтасиб ичкилик ичган, кимор ўйнаган, гиёҳванд моддаларни қабул қилганларни кўчаларда ҳам ҳибсга олган. Айниқса, масжидлар, қабристонлар ҳамда бозорлар яқинида спиртли ичимлик ичилмаслигини қаттиқ назорат қилган.

Мухтасиблар Ғазнавийлар даврида катта аҳамият касб этган. Уларнинг ҳукмронлиги даврида барча шаҳар ва катта қишлоқларга мухтасиблар тайинланган. Абул Фазл Байҳақи ўзининг “Масъуд тарихи” номли солномасида мухтасиблар ўз вазифаларини ғайрат ва жасорат билан бажарганлик-

⁴ Сокит М. Н. Институты правосудия в исламе.

⁵ Маликова Г.Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: «Восток — дело тонкое» // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения / 2020. № 4. — С.82.

⁶ О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. — Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. — 68-б.

⁷ Сокит М. Н. Институты правосудия в исламе.

⁸ Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерк истории (600–1258) / Пер. с англ. И.М. Дижур. — М., 1986. — С.95.

⁹ Холиков А. Правовой справочник Саманидской эпохи. — Душанбе, 1998. — С.13.

¹⁰ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII–XV веках. — Л., 1966. — С.196.

лари учун ҳатто баъзи султонлар ўз меҳмонларига маст ҳолатда кўчага чиқмасликни маслаҳат берганларини, сабаби, шариатга мувофиқ иш кўрувчи мухтасибга дуч келиб қолган тақдирда, унга қарши ҳар қандай шахс бирор иш қилишга ожизлик қилишини таъкидлаб ўтган¹¹.

Маҳмуд Ғазнавий шариат қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи мухтасибларга кенг ваколатлар берган. Хусусан, Маҳмуд Ғазнавий ўз армиясининг қўмондони шариат қоидаларига амал қилмаса, қўмондоннинг адолатсиз чиқарган буйруклари устидан шикоят тушганда, мухтасибга уни жазолаш бўйича ҳуқуқ берганлиги манбаларда қайд этилган¹².

Бундан кўриниб турибдики, ўша вақтлардаги фуқароларнинг шикоятлари қонуний ва шариат қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши устидан назорат функцияси мухтасиблар томонидан амалга оширилган.

Тарихий адабиётларда мухтасибни, одатда, давлат бошлиғи (ҳукмдор) ёки маҳаллий ҳокимият бошлиғи тайинлаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Асрлар давомида мухтасиб лавозимини эгаллаш учун шахсларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилган:

- биринчидан**, энг аввало, мусулмон бўлиш;
- иккинчидан**, вояга етганлик;
- учинчидан**, ушбу лавозимни эгаллагандан сўнг, унинг вазифаларини бажара олиш имкониятига эга бўлиш;
- тўртинчидан**, адолатли бўлиш;
- бешинчидан**, шариат ва ҳуқуқ илмини яхши билиш.

Мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлигидан сўнг, 1370 йилда Амир Темур расман ҳокимият тепасига келди ва анъанавий бошқарув тизимини барпо этди.

Академик Бўрибой Ахмедовнинг¹³ қайд этишича, Амир Темур давлатида мухтасиблар (назорат қилувчилар) мансаби жорий этилган бўлиб, бу лавозимни эгаллаганлар алоҳида мавқега эга

бўлганликларини, улар диний маросимлар, урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши (фуқароларнинг мурожаатлари шариат қоидаларига асосланган ҳолда адолатли ҳал этилиши) устидан назоратни амалга оширган. Ш.Ўлжаева ҳам Соҳибқирон даврида мухтасиблар шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозордаги нарх-наво ва тош-тарозиларнинг тўғрилигини назорат қилиб борганлигини, бу нормаларга амал қилмаган ҳуқуқбузарларни жазолаш ваколатига эга бўлганликларини келтириб ўтган¹⁴.

Олимларнинг фикрини инобатга олган ҳолда шунини айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ҳам бундай ҳолат мавжуд бўлиб, прокурор бажарадиган вазифа, яъни қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга ўхшаш ҳисобланади. Амир Темур давридаги мухтасиб лавозими ҳозирда прокурорлар томонидан амалга ошириладиган назорат функциясини ўзида мужассамлаштирганлиги билан мухтасибни прокурорга киёслаш мумкин.

Мухтасибларнинг ваколат доираси кенгайиб, улар барча давлат амалдорлари ва давлат ишларига аралаштирилари мумкин бўлган. Улар фаолиятини замонавий давлат органлари фаолияти билан солиштирсак, мухтасибларнинг кенг ваколатларга эга эканлиги яққол намоён бўлади.

Шунинг учун Ш.А.Наср мухтасиб ваколатларини:

- умумий;
- дин ва ахлоқ соҳасидаги;
- ижтимоий-иқтисодий;
- маъмурий ҳамда судловга оид ваколатларга ажратган¹⁵.

Бундан кўринадики, мухтасиб ўз ишини юқори даражада бажариши билан ажралиб турган ҳамда кенг ваколатларга эга бўлган.

Мухтасибнинг ваколатларини таҳлил қилиш, ўрта аср ва ҳозирги замон олимларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида мухтасиб институти ислом тарихида катта салтанат қурган

¹¹ Абул Фазл Байхаки. История Масъуда // Издание второе (дополненное). – Москва: «Наука», 1969. – С.107.

¹² Ўша манба. – С.117.

¹³ Ахмедов Б. Амир Темур дарслари: Умумий таълим ва махсус тарих мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари учун қўлланма. — Т.: «Шарқ», 2001. — 53-б.

¹⁴ Ўлжаева Ш. Салтанатнинг хос тузуги // «Ҳуқуқ ва бурч», № 4, 2014. — 26-б.

¹⁵ Шизари Абдурахмон Наср. Китоб нихоят ал-рутба фи талаб ал-хисба. — Кохира, 1936. — С. 9–10.

давлатларда давлат ҳокимиятининг асоси бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Муҳтасиблар бажарадиган функцияларни ўрганиш давомида шу аниқ бўладики, улар фаолиятида бозордаги нарх-наволарни назорат қилиш жуда муҳим ҳисобланган. Ҳаттоки, кўпгина шаҳарлардаги муҳтасибларга тегишли бўлган хоналар деворларига маҳсулотлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари рўйхати илиб қўйилган. Маҳсулотларни белгиланган нархлардан қиммат сотиш мумкин бўлмаган. И.П.Петрушевский муҳтасиблар барча мусулмон давлатларидаги бозорларда сотилаётган маҳсулотлар учун нархларни белгиланган, фақатгина Эрон давлатида фаолият олиб боровчи муҳтасиблар бундай ваколатга эга бўлмаганликларини қайд этган¹⁶. Бундан ташқари, муҳтасибнинг вазифалари қаторига аҳолини бирламчи зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш ҳам кирган.

Бозорлардаги нарх-наволарнинг белгиланган талабларга мослиги, тарозиларнинг тўғрилигини текширишда муҳтасибларга ёрдам берувчилар – орифлар дейилган¹⁷. И.Бўриев эса муҳтасибнинг ёрдамчилари “нойиб” ҳам дейилганлигини таъкидлаган¹⁸. Муҳтасиблар бозорларда назорат ўрнатиш ишларини амалга оширишларида, биринчи навбатда, тарозиларнинг тўғрилиги, савдогарларнинг сотиб олувчиларни алдамасликлари, харидорларга сифатли маҳсулот сотишларига ва албатта, инсон ҳуқуқлари бузилмаслигига катта эътибор берган. Сабаби, ўрта асрларда ҳам тош-тарозидан уриб қолиш, сифатсиз маҳсулот сотиш, харидорларни алдаш ҳолатлари учраб турган. Бундай ҳолатларга сут сотувчиларнинг сутга сув аралаштириб сотишлари, хушбўй ҳидли атир сотувчилар атирларга арзон маҳсулотлар солиб, қиммат нархда сотишлари каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

Ўрта асрларда кенг ваколатларга эга бўлган муҳтасиб жазони ўзбошимчалик билан тайинлай олмаган ва унинг ижросини ҳам амалга ошира олмаган. Шариат қоидаларига зид қилмиш содир этган шахсларга нисбатан муҳтасиблар қандай ҳа-

ракатларни амалга оширган?

Майкл Кук шариат қоидаларига мувофиқ иш кўрмаганларга нисбатан хатти-ҳаракатлар ҳадисларда келтирилган ривоятлар ёки унинг қалбини ёмонликдан тозалаш орқали амалга оширилганлигини таъкидлаган¹⁹.

Мусулмон ҳуқуқи назариясини ўрганиш асосида муҳтасиблар қуйидаги жазо турларини қўллаганлигини айтиш мумкин:

- 1) тушунтириш ва огоҳлантириш;
- 2) жазоланувчиларга Аллоҳ йўлида таълим бериш;
- 3) қаттиқ ва қўпол муомала қилиш, лекин унга қайта ёмон иш қилмаслиги учун қасам ичирмаслик;
- 4) таҳдид ва қўрқитиш сўзларини ишлатиш;
- 5) айбдорнинг соғлиғига унча зарар етказмаган ҳолда мушт ва зарбалар бериш;
- 6) айбдорга нисбатан жарима тайинлаш.

Ўрта асрларда муҳтасиблар томонидан тайинланган барча жазоларни таҳлил қилиш давомида ушбу жазолар огоҳлантириш ва танбеҳ бериш, танага зарбалар бериш, жарима кабилардан иборат бўлганлиги тўғрисида хулосага келинди.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, қуйидагича хулосалар бериш мумкин:

Биринчидан, муҳтасиблар ўрта асрларда жамиятда адолатни ўрнатовчи назоратчилар ҳисобланган.

Иккинчидан, ўрта асрларда муҳтасиб лавозимини эгаллаш учун шахсларга юқори талаблар қўйилган.

Учинчидан, муҳтасибнинг вазифалари ҳозирги кун билан солиштирганда прокурор бажарадиган вазифаларга мос келади.

Мухтасар айтганда, ҳар бир мавзунинг ўз тарихи мавжуд. Мавзуни ўрганиш давомида унинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш орқали тадқиқ этилаётган мавзунинг моҳиятини тўлиқ тушуниш имкони бўлади. Шу туфайли, ҳар бир тадқиқотчи олимга ўзи ўрганаётган мавзунинг генезисини би-
лиш тавсия қилинади.

¹⁶ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII—XV веках. — Л., 1966. — С.196.

¹⁷ Маварди. Книга казия. — Багдад, 1973. — С.234-235.

¹⁸ Бўриев И. Б. Контроль за должным поведением и институт мухтасиба в средневековой государственности таджиков // Труды Института государства и права Российской академии наук. 2009. № 4. — С. 151.

¹⁹ Кук М. Шестой столп ислама. Запрещение осуждаемого / Пер. с англ. СПб., 2008. С. 9—12.

БОЛА ҲУҚУҚИ — АЗАЛИЙ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Муслим АТАЕВ*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги серкирра нутқида юртимиз тараққиётида аجدодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан борилаётгани таъкидланди. Ушбу янги қиёфани яратиш доирасидаги бунёдкор фаолият замирида болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси мужассамлигига алоҳида урғу берилди. Зеро, Президентимиз томонидан таъкидланганидек, “Сайёрамининг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”¹.

Нуфузли халқаро анжуманга тақдим этилган ушбу маърузада ўз ифодасини топган бениҳоя долзарб таклифлардан бири, шубҳасиз, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси бўлди. Бу таклиф бугунги дунё олдида турган асосий вазифа “...ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”², деган фикрлар билан ишончли равишда асослаб берилди. Шунингдек, Президентимиз чиқишида муқаддас динимизнинг эзгулик ва тинчлик кўрғонини ҳамда юксак инсоний фазилатлар сарчашмаси экани ҳам алоҳида таъкидлангани барчамизга яхши маълум.

Юртимизнинг бугунги тараққиёти кўзгуси орқали қаралганда, мамлакатимиз раҳбарининг таклиф ва мулоҳазалари Янги Ўзбекистонда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш энг устувор вазифага айланиб бораётганига асослангани аён бўлади.

Сўнгги чорак аср давомида мамлакатимизда қабул қилинган 22 та қонун, 15 та кодекс ва 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатларида бола ҳуқуқлари ва манфаатлари ўз ифодасини топгани, бола ҳуқуқларига оид норматив ҳуқуқий базанинг мунтазам мустаҳкамланиб, унинг институционал асослари шаклланиб бораётгани ушбу фикрнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимиз раҳбари нутқида баён этилган ғоялар донишманд аждодларимиз томонидан болалар ҳуқуқи масаласида тўпланган ибратли тажриба билан ҳам тўла ҳамоҳанг.

Таъкидлаш жоизки, мусулмон дунёси ҳудудидаги бола ҳуқуқига оид илк илмий-назарий ва амалий-тадбиқий қарашлар тизими XIII асрда айнан бизнинг юртимизда ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳол инсоният тараққиётидаги беназир тарихий ҳодисадир. Гап Жиззах воҳасидан етишиб чиққан улуг мутафаккир, буюк фақиҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ал-Уструшаний қаламига мансуб “Жомеъ аҳком ас-сиғор” (“Бола ҳуқуқлари тўплами”) асари ҳақида бормокда. Айнан шу асар болалар ҳуқуқига бағишланган дунё тарихидаги биринчи ёзма ҳуқуқий манба саналади. Шунга кўра, ал-Уструшанийнинг “Жомеъ аҳком ас-сиғор” асари, шубҳасиз, умуминсоний цивилизацияда намоён бўлган ҳуқуқий моҳиятга эга бетакрор феномен сифатида баҳоланишга ҳақлидир.

Айтиш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларида боланинг юксак қадрият эканлиги энг қадимги даврлардан бошлаб тан олинган бўлиб, бу ҳол қадимги ёзма манбаларда ўз тажассумини топган. Хусусан, “Авесто”, Сўғд ёзма манбалари ва ҳужжатларида ҳуқуқий моҳиятга эга миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳамда оилавий маросимларга оид кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

* Муслим Атаев — Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/1063>.

² Ўша жойда.

Шунингдек, “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Муҳит”, “Мажмаъ ул-Мақсуд” каби мўътабар манбалар, шунингдек, бизгача етиб келган кўп сонли қозилик ҳужжатлари болалар ҳуқуқига оид исломга асосланган миллий қарашлар тизимини ўзида акс эттиргани бунинг далиллари. “Жомеъ аҳком ас-сиғор” эса ушбу соҳада эришилган ютуқларнинг чўққиси бўлди дейилса, ҳақиқатга асло хилоф бўлмайди.

Маълумки, ислом динида инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларидан бошланади. Тарихий Уструшана – бугунги Жиззах воҳасидан етишиб чиққан ва Марказий Осиё Ренессансига салмоқли ҳисса қўшган олимлар ичида буюк фақиҳ Муҳаммад ал-Уструшанийнинг ушбу масалага оид илмий мероси алоҳида ўрин тутди. Унинг шоҳ асари бўлган “Жомеъ аҳком ас-сиғор” болалар ҳуқуқини ўрганишга бағишланган дунёдаги биринчи ва беназир ёзма ҳуқуқий манба саналади. Зеро, XX асргача бўлган даврда инсоният тарихида болалар ҳуқуқига бағишланган бошқа асар яратилгани ҳозирча маълум эмас. Мазкур факт XII асрнинг охири-XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган аллома ва фақиҳ Муҳаммад ал-Уструшаний илмий хизматларининг нечоғлик залворли эканини кўрсатади.

“Жомеъ аҳком ас-сиғор”да фикҳга оид юздан ортиқ китобларда тарқоқ ҳолда берилган болаларга тааллуқли шаръий фатволар йиғилиб, тизимлаштирилган ва муайян тартибда тадқиқ этилган. Ўз асарини яратиш йўлида муаллиф ўзидан олдин яшаган 120 дан ортиқ ҳанафий фақиҳлар фикрларини ўрганиб, чуқур таҳлил қилган. Ислом ҳуқуқшунослигига оид ушбу нодир асарда болалар ҳуқуқи бўйича келиб чиқадиган муаммолар адолатли ҳал қилиниб, болаларнинг жамиятдаги ҳавфсизлиги ва асосий ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар кўриб чиқилган. Унда ҳанафий мазҳаби бўйича болалар ҳуқуқига тааллуқли фикҳга оид 1280 дан ортиқ фатво ўз тажассумини топган. Асарда ушбу соҳада фаолият юритадиган ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари фаолиятини ташкил этишга доир қимматли амалий кўрсатмалар берилган. Китоб ислом ҳуқуқининг энг муҳим ва мукамал тизимларини ўзида мужассам этиб, салкам саккиз асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келаётган мўътабар манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ал-Уструшаний асарининг вояга етмаган болалар ҳуқуқлари хусусида ёзилган фикҳий асарларнинг энг мукаммали эканини кўрсатади.

“Жомеъ аҳком ас-сиғор”да ўз аксини топган диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири шундаки, унда бола туғилмасдан аввал ҳам, туғилганидан кейин ҳам инсон ҳисобланиши, у жисмонан, ақлан ва ижтимоий жиҳатдан тўлиқ вояга етиб, мустақил бўлгунига қадар махсус ғамхўрлик ва ҳимояга муҳтожлиги алоҳида таъкидланган. Шунинг учун ҳам у бугунги исломшунослар ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба вазифасини ўташга лойиқдир.

Шу ўринда назарда тутилаётган асарнинг амалиёт билан боғлиқ аҳамияти нималарда намоён бўлади деган масала бўйича бир-икки мисол келтирайлик. Маълумки, бугунги дунёда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар, хусусан, ҳомиланинг қачондан бошлаб инсон ҳисобланиши кизгин тортишувларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, айрим ҳолларда, “Бола қачондан бошлаб муайян ҳуқуқларга эга бўлади?” деган масалада ҳам баҳс-мунозараларга гувоҳ бўлиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, ислом динида бола ҳуқуқлари у ҳали туғилмасдан бошлаб муҳофаза қилинади. Бунга мисол сифатида ажрашган ёки эри вафот этган аёлларга идда сақлаш шарт қилинганини кўрсатиш мумкин. Бундан мақсад ҳомиладор аёл қорнидаги бола насабининг аниқ бўлишига эришишдир. Боланинг насаби аниқ бўлиши эса унинг энг биринчи ҳаққидир. Шу билан бирга, туғилмаган болада ҳам мерос олиш ҳуқуқи бор. Ал-Уструшаний асарининг “Тирик мавжудотнинг ҳаёти қачон бошланади?”, “Бола қачондан бола ҳисобланади?” каби бўлимларида мазкур саволларга ислом шариятига асосланган ишончли жавоблар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Жомеъ аҳком ас-сиғор” асари – асрлар давомида аждоқларимиз томонидан эъзозлаб келинган серқирра миллий қадриятлар ва бой ҳуқуқий мероснинг бола ҳуқуқларига оид баёнини ўзида мужассам этган бебаҳо манбалардан биридир. Бундай манбаларни янада чуқурроқ ўрганиш, уларни нафақат илмий доиралар, балки ундан-да кенгроқ жамоатчиликка етказиш мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган ёш авлод тарбиясига оид долзарб вазифаларнинг жадал ва сифатли ҳал қилинишига хизмат қилиши шубҳасиз.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ УЧУН” КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун ҳар йили топшириладиган “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун”

кўкрак нишони таъсис этилган эди. 2020 йил 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшган бир гуруҳ фаолларга “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишонлари топширилди.

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан тақдирланганлар:

Рашидова Сайёра Шарафовна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик.

Москалькова Татьяна Николаевна – Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили.

Херта Дойблер-Гмелин – Германия Федератив Республикасининг собиқ адлия вазири, Ф. Эберт жамғармаси Васийлик кенгаши аъзоси.

Бобоев Халимбой Бобоевич – Тошкент давлат юридик университети профессори.

Кабулова Диловар Насимовна – Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори.

Исаев Махмуджон Ниматович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.

Шамсутдинов Рустамжон Темирович – “Водийнома” журнали бош муҳаррири, “Мерос” халқаро илмий амалий экспедиция жамоат фонди раиси.

Абдреймова Наргул Сансизбаевна – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Сиёсат ва янгиликлар таҳририяти қонунчилик, ҳуқуқ тарғиботи ва коррупцияга қарши кураш бўлими мудири.

Мўминов Абдулхай Рашидович [марҳум] – юридик фанлар доктори, доцент.

“Истиқболли авлод” нодавлат нотижорат ташкилоти.

“Сабр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази.

“Меҳрли қўллар” имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази.



Фаолиятнинг асосий йўналишлари

Ўтган 2020 йилда бутун инсоният коронавирус пандемияси туфайли глобал инқирозни бошидан кечирди. Бу мамлакатимиз учун ҳам кутилмаган ва мураккаб муаммоларни туғдирди. Шунга қарамайдан халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли бу қийинчиликлар мардона енгиб ўтилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди... Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди”.

2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг мақсади мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдан иборат. Натижада Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, «Хабас корпус» институтини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 баравар камайди.

Фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажагимиз», «Беш ташаббус» каби 20 дан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари ва концепциялари амалга оширилмоқда.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни рўёбга чиқариш, инсон камолоти бўйича юқори индексга эга бўлган (интеллектуал салоҳияти, саводхонлиги, инсоннинг ўртача умр кўриш давомийлиги) давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Парламент, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, «Халқ қонунларининг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади» ҳамда «Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади» тамойиллари бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳолати тўғрисидаги маърузалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари») тасдиқлаш амалиётининг йўлга қўйилиши қонун ижодкорлигида янги муҳим қадам бўлди.

БМТ ташкил этилганидан буён Осиё минтақасида биринчи марта ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми 2018 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу Форумда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг асосий ҳужжатларидан бири сифатида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг «Самарқанд руҳи»ни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлади.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кенг қўламли ва чуқур ислохотларни муносиб баҳоламоқда. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳозирги давр тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайлангани тасодифан эмас.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг жорий йилдаги фаолияти мамлакатимизнинг 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилидаги давлат дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияни амалга ошириш юзасидан “йўл харитаси” ижросини изчил таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларига амал қилиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилади.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ – 2020 ЙИЛДА

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ 2020 йилда COVID-19 пандемияси туфайли қабул қилинган чегаралаш чораларига қарамасдан кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тизим самарадорлигини ошириш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириб ва чуқурлаштириб борди.

Марказ иштирокида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт бажарилиши юзасидан учинчи миллий маъруза ҳамда Хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича олтинчи даврий маъруза тайёрланди.

Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича БМТ қўмитасининг Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги ҳалқаро конвенция қоидаларини бажаришга оид Ўзбекистон Республикасининг ўнинчи – ўн иккинчи даврий маърузалари яқунлари бўйича тавсияларини амалга ошириш юзасидан миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда устав ва шартнома органлари тавсиялари бажарилишини кузатиб бориш бўйича миллий маълумотлар базаси яратилди ва уни амалга ошириш юзасидан онлайн машқлар ташкил этилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳалқаро шартномаларини бажариш бўйича давлат органлари фаолияти устидан фуқаролик институтларига жамоатчилик назоратини олиб боришга қўмаклашиш” лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Ўзбекистонга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси минтақавий вакили Р.Коменда бошчилигидаги делегация ташрифи ташкил этилиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари, шунингдек ҳамкорликнинг янги йўналишлари, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш юзасидан минтақавий марказ ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси инсон ҳуқуқлари мониторингини амалга ошириш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида Буюк Британияда бўлди.

А.Саидов бошчилигидаги делегация Женевада БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 128-сессиясида иштирок этди.

Ўтган йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан қуйидаги тадбирлар ўтказилди:

➤ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлими ва БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси иштирокида “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мисолида БМТ устав ва шартнома органлари тавсияларини амалга оширишда парламентнинг роли” мавзусидаги парламент онлайн-анжумани;

➤ БМТ, бошқа ҳалқаро, минтақавий ва миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари иштирокида “Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми;

➤ БМТ ва ЕХХТ билан биргаликда “COVID-19 муносабати билан жорий этилган чегаралашлар маъносида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий мулоқот” мавзусидаги онлайн-семинар;

➤ “Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги онлайн давра суҳбати;

➤ БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда “Барқарор ривожланиш мақсадлари ва барқарор ижтимоий ривожланиш: самарали тикланиш” мавзусидаги онлайн-анжумани;

➤ “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик: Ўзбекистон учун вазифалар” мавзусидаги онлайн-брифинг;

➤ БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорликда одам савдосининг олдини олиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича вебинар;

➤ ЕХХТнинг Миллий озчиликни ташкил қиладиганлар ишлари бўйича Олий комиссари ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда “Миллий озчиликни ташкил қиладиганларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида самарали иштирок этиши бўйича Лунд тавсиялари: асосий принциплар ва илғор амалиёт” мавзусидаги онлайн давра суҳбати;

➤ Хитой ҳуқуқшунослар жамияти, Хитой ҳуқуқий айирбошлаш маркази ва Шанхай сиёсий-юридик университети билан ҳамкорликда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Евросиёда қонун устунлиги” мавзусида онлайн-вебинар ва бошқалар.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши мамлакатлари омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан онлайн суҳбатлар ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик бўйича БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Марказий Осиё бўйича минтақавий бошқармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, Россия Федерация Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ҳамда Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги, Швейцария конфедерацияси Фавқулодда ва Мухтор элчилари ҳамда бошқалар билан учрашувлар бўлиб ўтди.



Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида қонун ижодкорлигидаги фаолиятни такомиллаштириш

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, умумэътироф этилган халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари, БМТнинг устав органлари ва шартномавий тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг асосий вазифаларидандир.

